

O'ZBEKISTON **ISSN 2181-502X** QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

№4, 2025

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal



**Майсалар шиддати қуёшга пайванд,
Баҳор боғу-роғга бермиш ажиб зеб.
Соҳибкор ғайратла меҳнат билан банд,
Элнинг дастурхони тўкин бўлсин деб.**

ЯЙЛОВЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ

Ғиждувон туманидаги “Кўкча” қоракўлчилик масъулияти чекланган жамиятига бўлган сафари миз баҳорнинг серёғин кунларига тўғри келди. Сафардан мақсад, хўжаликдаги чўпонлар, уларнинг турмуш тарзи ҳақида мақола тайёрлаш эди. Ҳаво илиқ, майин ёмғир ёғар, лойли ўнқир-чўнқир йўллардан, даштлардан илдам кетиб борардик.



Суратда: “Кўкча” МЧЖ аъзолари

– Кўклам биз истагандек бўляпти, қор, ёмғир даштларга ҳаёт ундиради, чорва тўқ бўлади, – дейди менга ҳамроҳлик қилаётган МЧЖ раҳбари Олим Назаров. – Ишонсангиз баҳорнинг илк кунлариданоқ нигоҳимиз кўкка қадалади. Осмондан ёмғир тушарканми, деб кутамиз. Ризқимиз шу об-ҳавога, инжиқ табиатга боғлиқ...

Биз йўлда давом этардик. Машина ойнасига урилаётган ёмғирга бепарво ҳамроҳим хотиржам машинани бошқарар, мени хўжаликнинг олис ҳудудларига олиб боришга, чўпонларнинг чин ҳаёти билан таништиришга астойдил киришган эди. Қирлар ям-яшилликка бурканган, шувоқлар, саксовуллар, турфа хил гуллар, ёввойи арчалару яна қанақадир ўсимликлар учрарди. Бепоёндек бу яшиллик, тасаввур этиб бўлмас гўзаллик касб этар эди.

Ниҳоят манзилга — “Урганжи” қишлоғига етиб бордик. У ерда бизни тажрибали чўпон Комил Қурбонов кутиб олди.

– Ота-боболаримиз чўпонлар авлодидан. Уч авлодимиз шу фахрли касб эгалари бўлишган, – дейди Комил чўпон. – Отамдан 20 ёшимда шу таёқни қабул қилганимдан сўнг чўпон деган ҳақиқий мавқега эришганман. Бу таёқни отамнинг отаси унга берган, у менга, мен эса фарзандимга бераман. Бу аجدодларимиздан қолган мерос. Биз учун жуда қадрли. У доим отамни эслатиб туради. Мана 40 йилдан ортиқ шу чўлда чўпонлик қилиб келаман. Бу йил кайфиятимиз яхши, кўклам серёғин келиб, ўт-ўлан мўл бўлмоқда. Касбимни севаман, кенг дала, кўй-қўзиларҳамроҳим. Чўлда яшашимдан, чўпон эканимдан ҳечам афсусланмайман. Бу йилги мавсумни яхши бошлаб олдик. Ўтган йили етарли озуқа захира қилганимиз сабабли, қишлоқдан яхши чиқдик. Кўклам ёмғиридан кейин яйловларимизда ўтлар янаям кўкляпти. Олган қўзиларимизни аксариятини ўсишга қолдирапмиз.

Дарҳақиқат кўкламнинг илк нафаси, баҳорнинг ёқимли эпкинни эсиб турган бу далаларда ўзгача ҳаёт нафасини ҳис этасиз. Яйловларни айланарканмиз, жажжи қўзичоқларнинг териси, нафис, бежирим, жудаям чиройли эди. Ростдан ҳам бу териларга замонавий ишлов берилса, унинг жилоси ҳар қандай савдо расталарини безаши, ўз мижозини топиши аниқ.

Суҳбат анча давом этди, отарларни айландик, қош қорая бошлагач қайтишга чоғландик. Чўпонлар манзилдан олислаб туриб, шу шароитни ўзи учун кўникма ҳаёт, тақдир деб билган бу одамларга яна бир бор қойил қолдим. Теварак-атроф қум, ёлғиз кўналға, қўни-қўшни узоқ, дардқашингиз фақат қўй-қўзилар. Шу шароитда улар бахтдан масрур яшамоқда. Балки улар бахтни — ҳашаматдан эмас, оддийликдан, шу соқинликдан топган бўлсалар не ажаб.

Ўз мухбиримиз.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



TOMCHI

СУВНИ ТЕЖАШ

ҳар бир инсоннинг бурчидир



Бугун дунёнинг барча минтақаларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам сув масаласи тобора долзарблашиб бораёпти. Глобал иқлим ўзгариши, турли экологик ҳолатлар, табиатга боғлиқ бўлмаган вазиятлар сув қадрини ошириб, уни асрашни тақозо этмоқда. Шу боис, дунё ҳамжамияти, давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар сувни тежашга эътибор қаратиб, аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқяпти, бу борадаги эзгу сайъ-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаяпти.



Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилаётган, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги миллий ҳамкори бўлган лойиҳамиз ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

2016 йилдан буён фаолият кўрсатаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси” сувни самарали бошқариш, сув тежовчи технологиялар, рақамлаштириш, Марказий Осиёда фермерлар ва маҳаллий сувдан фойдаланувчиларнинг салоҳиятини ошириш орқали иқлим ўзгаришига қарши курашишга ҳисса қўшиб келмоқда.

Лойиҳа ҳар йили “22 март – Бутунжаҳон сув куни”ни ўзига хос тарзда нишонлайди. Жамоатчилик, айниқса, ёшлар эътиборини сув мавзусига қаратиш учун танловлар ўтказилади. Мисол учун, бу йил мазкур сана арафасида лойиҳа томонидан “Сувни тежаш ҳар бир инсоннинг бурчидир” мавзусида анимация ва видеороликлар танлови уюштирилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан “Ёшлар музликларни асраш учун нима қилиши мумкин? Қандай қилиб?” мавзуси бўйича викторина (жамоавий) танлови, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети томонидан “Музликларни асраш” мавзусида фотосурат (постерлар) танлови ҳамда “Сув хўжалигини ривожлантиришдаги инновациялар: ғоялар ва технологиялар” мавзусида техно-кўргазма ташкил қилинди. Ғолиблар миллий тадқиқот институтида бўлиб ўтган тантанали маросимда тақдирланди.



“Сувни тежаш ҳар бир инсоннинг бурчидир” мавзусидаги анимация ва видеороликлар танлови ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг олди-га аҳолининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳимлиги ҳақида хабардорлигини ошириш, атроф-муҳит муаммоларига ижодий ёндашувни ривожлантириш ва сувдан масъулиятли фойдаланишга ундайдиган ижтимоий видео ва анимацияларни яратишни рағбатлантириш мақсади қўйилган эди. Шу билан бирга, иштирокчиларни телеграм ижтимоий тармоғидаги “ТОМЧИ” каналига жалб қилиш назарда тутилган эди. Бунинг учун анимация ёки видеороликни яратиш, уни тегишли телеграм каналига юбориш ва имкон қадар кўпроқ овоз тўплаш шарти қўйилди. Танлов ташкилотчилари ўз мақсадига эришишди, деб ўйлайман. Чунки, танлов кунларида 124 000 яқин одам “ТОМЧИ” каналининг мазмуни ва контенти билан танишди.



Танловга тақдим этилган анимация ва видео роликлар, асосан, оригинал, ибратли ва сувни тежашга ундайдиган материаллар бўлиб, бу бебаҳо неъматни ҳар бир инсон тежаш керак деган умумий ғояни ўзида акс эттиради.



“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ректори Б.Мирзаев тақдирлаш маросимида танловлар юқори савияда ўтказилганини эътироф этган ҳолда, бундай тадбирлар жамоатчилик, жумладан талабалар ўртасида сувга муносабатни ўзгартириб, уни тежаш зарурлигини тарғиб этишга хизмат қилишини таъкидлади.

Матлуба МУХАММЕДОВА.

Сув ердаги энг оддий суюқлик бўлиши билан бирга барча тирик организмлар, мавжудотлар ва инсонлар учун энг муҳим ҳаётий унсур ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга кўра, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги 50–60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Узоқ йиллар “сув текин” қабилида иш юритиб, олдимиздан оққан сувни қадрламадик. Аммо сувдек оқиб кетаётган вақт тизгинида йиллар ўтиб, юқоридаги каби хавотирли рақамлар ошиб бормоқда.

ТЕЖАЛГАН СУВ – ҚЎШИМЧА ИМКОН



Шу мақсадда сўнгги йилларда Ўзбекистонда сув билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, сув ҳўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, сувдан фойдаланиш коэффициентини янада ошириш учун ирригация тармоқларидаги йўқотиладиган сув миқдорини камайтириш керак бўлади. Бунинг учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация-мелиорация объектларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, тиклаш зарур.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йил 7 ноябрь куни қишлоқ ҳўжалигида сув ва энергия манбаларидан оқилон фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда бутун дунёда кузатилаётган экологик муаммолар, табиий офатлар қайд этилиб, бизнинг минтақамизга сув танқислиги хавф солаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари бу муаммонинг ечимига тўхталар экан, мамлакатимизда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, канал ва ариқларни бетонлаштириш, сув бошқарувини ислоҳ қилиш масаласига алоҳида тўхталди.

Албатта, Президентимиз ташаббуси бўлган ва бугун долзарб вазифа саналаётган суғориш тармоқларини бетонлаштиришни афзал

жиҳатларини бугун кўплаб, деҳқон ва фермерлар англаб етган. Шу боис, бу усул тобора оммалашмоқда. Бу борада Самарқанд вилоятида 2024-2025 йилларда белгиланган режага кўра, 5 та муҳим туманлараро каналларнинг жами 15 км реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари ҳисобидаги 364 км суғориш, кластер ва фермер ҳўжаликлари ҳисобидаги ички суғориш тармоқларидан эса 1 минг 345 км масофада бетонлаштириш ишлари амалга оширилди.

“ – Авваллари ҳудудимиздаги қишлоқ ҳўжалик экин майдонларига борувчи канал ва ариқларнинг катта қисми бетонлаштирилмаган эди. Шунинг ҳисобига улардан оқиб ўтувчи сувнинг ерга сизиб кетиши натижасида сарфи юқори бўларди. Бу борада сув сарфини тежашда энг муҳим тадбир – мавжуд канал ва ички ариқларнинг бетонлаштириш бўлиб, бу ишлар амалга оширилиши натижасида 35 фоиз сув йўқотилишининг олдини олишга эришиш мумкин. Шунингдек, мазкур тадбирлар орқали деҳқон даласига сув етиб бориши вақти тежалади, сувчи миробларнинг меҳнати енгиллашади, – дейди каттақўрғонлик қишлоқ ҳўжалиги фидойиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Ҳосилов.

Пастдарғом туманидаги “Хончорбоғ КРС” туманлараро канали суғориш тизимидаги муҳим объект ҳисобланади. Режага кўра мазкур каналнинг 5 минг метр масофаси ҳам пудратчи “Соғда Зарафшон сув қурилиш” МЧЖ томонидан реконструкция қилинмоқда. Унинг самарадорлиги ва аҳамиятига тўхталсак, ушбу туманлараро каналда сувнинг тезлиги ошиши ҳамда ерга сингиб кетишининг олди олиниши натижасида йилига ўртача 1,5 млн. метр куб сув иқтисод қилиниб, 25 та фермер хўжалигининг 1 минг 800 гектар ер майдони кафолатли сув билан таъминланишига эришилади.

“ – Сув танқислигининг олдини олиш учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳозирдан сувнинг ҳар томчисини тежаш барчамизнинг энг асосий вазифамиз эканлигини англашимиз лозим, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор Зоҳид Ўролов. – Бугун Президентимиз барчанинг эътиборини қаратаётган долзарб вазифа – канал ва ариқларни бетонлаштирилиши натижасида эса сувдан фойдаланиш коэффициенти 90-95 фоизгача ошиб, йўқотишларнинг олди олинади. ”

Республикамызда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда, илғор тажрибалар ва янги суғориш технологияларини қўллаш, сув ресурсларидан оқилона ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Самарқандда амалга оширилаётган ташаббуслардан кўзланган асосий мақсад ҳам, тобора долзарб масалага айланиб бораётган сув танқислигининг олдини олиш ва ҳосилдорликни оширишдан иборат.

Шуҳрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Ўзбекистон қаҳрамони Аваз Ҳосилов (ўнгда) “Ҳосил” фермер хўжалиги аъзолари билан бетонлаштириш жараёнида

Мироб-шоир Огаҳий ҳазратларининг шундай сатри бор:

**Бўлса ҳар одам қаноат нуридин равшанзамир,
Улдурур иззат сипеҳри
авжсида бадри мунир.**

Маъноси: Кимнинг кўнгли қаноат нури билан чароғон бўлса, ҳурмату иззат кўкининг чинакам тўлин ойи ўшадир.



ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Самарали меҳнати орқали жамоада ҳурмат ва эътиром топган, ўз касбидан фахрланувчи жонкуяр сувчилардан бири Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг тажрибали мутахассиси Даврон Бобожонович Кенжаевдир.

Умрининг 29 йилини вилоят сув хўжалиги ривожига бағишлаган бу инсон малакали, тиришқоқ кадрлар тайёрлашда ҳам “Корхона-коллеж” дастури асосида қатор олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорлик ўрнатиб, сўнгги уч йилда 83 нафар талаба ва ўқувчиларнинг амалиёт ўташларига амалий ёрдам берди. Улардан 52 нафари сув хўжалиги соҳасида ишга кириб, меҳнат фаолиятини йўлга қўйишида кўмаклашди.

Даврон ака Кенжаев ёшлар учун ўзининг бой касбий тажрибасини бажонидил ўргатадиган доно ва сабрли мураббийдир. У меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ҳозирги кунда улар вилоятимизнинг сув хўжалиги соҳасида самарали меҳнат қилиб келишмоқда.

“ Мен отам касбини танлаб кам бўлмадим, ҳурмат-эътибор орттирдим. 2019 йилда камтарин меҳнатларим эътироф этилиб, “Сув хўжалиги аълочиси” кўкрак нишонига муяссар бўлдим. Ҳозирда менинг ўғлим ҳам изимдан бориб, шу соҳада фаолият юритиб келмоқда. Сувчилик касбини танлаганимдан ҳеч афсусланмайман. Сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилиш мени қувонтиради, чунки мен севимли ишим билан фахрланаман! – дейди Даврон ака. ”

Наргиза МАШАРИПОВА,
Чапқирғоқ Амударё ИТХБ матбуот котиби.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БАРЧАНИНГ МАЖБУРИЯТИДИР

Республикаимизда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар боис салмоқли натижаларга эришилмоқда. Кенг қамровли бунёдкорлик ишлари ва ўсиш суратлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларига ривож бахш этапти. Шунини таъкидлаш керакки, мана шундай янгиликлар жараёнида айрим салбий иллатлар ҳам борки, улар тараққиётимизга, олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эришишимизга раҳна солмоқда. Коррупция ва манфаатлар тўқнашувини ана шундай иллатлардан.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида бу жиноятни келтириб чиқарувчи омилларга чек қўйишга қаратилган қатъий ва кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишга ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга оид қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, давлат дастурлари мисолида кўриш мумкин.

Жорий йил 5 март куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг навбатдаги ҳисобот йиғилишида бундай иллатнинг олдини бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгусида ушбу йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш борасида вазифалар белгиланди.

Давлат раҳбари масъул ходимларнинг ўз фаолияти доирасидаги ишларни жамиятимизнинг қуйи бўғинларигача тушиб ташкил этиши юзасидан кўрсатмалар бунди, коррупцияга қарши муросасизларча муносабатда бўлишни мактабдаги тарбиядан бошлашни, “маиший” коррупцияга ҳам эътибор қаратиш кераклигини, ушбу иллатга қарши курашни аҳоли онига синг-

дириб бориш орқали яхши натижаларга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Ушбу тадбирда белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан жорий йилнинг 11 март куни Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳам барча тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда коррупцияга қарши курашиш бўйича келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳозирда Қишлоқ хўжалиги соҳасида коррупция иллатига қарши курашиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш юзасидан мажмуавий чора-тадбирлар асосида унинг олдини олиш ва профилактика қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, вазирлигимиз ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотла-

ри ҳамда муассасаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга мувофиқ бошқарув тизими жорий этилди. Шунингдек, вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш, уни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда барвақт бартараф этиш бора-сида тизимли чоралар кўрилмоқда. Жумладан, “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” ва шу хусусда ўндан ортиқ ички идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, вазирликнинг тегишли буйруғи билан амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, вазирлик ва унинг ҳузуридаги республика ижро ҳокимияти органларида мазкур йўналиш бўйича фаолият юритаётган масъул ходимлар томонидан бу иллат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган вазифалар ҳамда йўналишлар белгилаб олиниб, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, шунингдек, бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича тегишли тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Вазирлик тизимида молиявий жиноятга ҳамда манфаатлар тўқнашувига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уни олдини олишга доир тарғибот тадбирлари, ходимларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бора-сида ўқув семинарлари, тренинглар, брифинглар ва давра суҳбатлари мунтазам ташкил этиб борилмоқда.

Бош Прокуратура ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда соҳа ходимларини Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг “Виртуал академия” махсус платформа-сида малакасини ошириш йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги 2024 йил 5 июнда қабул қилинган қонунининг мазмун-моҳиятини вазирлик марказий аппарати ходимлари ҳамда барча қуйи ташкилотлар ходимларига кўргазмали тақдирот материаллари, буклетлар, флаерлар ва видеодарсликлар орқали тушунтириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун нималарга эътибор қаратиш, бундай ҳолат юзага келганда ёки гувоҳ бўлганда қандай ҳатти-ҳаракатлар қилиш бўйича ташвиқот ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда.

Биз шуни унутмаслигимиз керакки, жамият ҳаётидаги бу иқтисодий иллат маълум бир тармоққа эмас, балки бутун соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига салбий

таъсир кўрсатади. Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш мақсадларига фақат ташкилий-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, ушбу иллатга қарши курашда нафақат соҳада фаолият юритаётган давлат хизматчилари, балки кенг жамоатчилик, барча фуқароларимиз масъулдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз лозим. Шундай экан, давлат ва жамоат ташкилотлари, жонкуяр фуқароларимиз бу иллатнинг олдини олишда ва унга қарши курашда ҳамжиҳат бўлиши самарали натижаларга эришишнинг энг мақбул йўлидир. Бу борада жамоатчилик назорати айна дамда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.



Шу ўринда жамоатчилик вакилларидан, ватандошларимиздан қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган ходимларнинг қонунчиликка зид ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларига гувоҳи бўлишса, ёхуд уларнинг коррупция ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлган ҳолларда, вазирлик расмий Веб-сайтида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатларини қолдиришлари мумкинлигини эслатиб ўтмоқчиман. (алоқа каналлари: anticorruption@agro.uz электрон почтаси, @UzAgroAnticorruptionBot Телеграм боти, 12-43 қисқа рақами орқали, +998712067060 рақамли ишонч телефони ҳамда масъул ходимлар 71-206-70-57, 71-206-70-58 рақамлари).

Йўлланган мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича қонуний чоралар кўрилади.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, жамоатчиликнинг ёрдами биз учун ҳар доим, ҳамиша муҳимдир. Бу иллатга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаровий бурчимиз эканлигини асло унутмайлик.

Жамшиджон АБДУЗУҲУРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари.

ВЕТЕРИНАРИЯ

ХИЗМАТИ РАВНАҚ ТОПМОҚДА

Республикамизда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш, наслчилик ишларини ташкил этиш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда ветеринария хизматлари фаолиятини такомиллаштириш борасида ўтган беш йил давомида Президентимизнинг 5 та фармони, 35 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 47 та қарори қабул қилинди. Уларда соҳани ривожлантириш бўйича аниқ мақсадлар ва устувор вазифалар белгилаб берилган.



Соҳани ривожлантиришда маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилишда “Хўжалиқдан дастурхонгача” тамойили асосида механизм йўлга қўйилди ҳамда олдин бўлмаган вертикал бошқарув тизими ташкил этилди.

Эпизоотик барқарорликни таъминлаш мақсадида республикамизга қўшни ҳудудлардан касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш борасида 38 млн бош чорва молида 11 турдаги ҳамда 100 млн бошдан ортиқ паррандада 4 турдаги касалликларга қарши профилактик эмлаш тадбирлари ўтказилиши тизимли йўлга қўйилди.

Бугунги кунда барча деҳқон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Давлат ветеринария хизмати ходимлари томонидан аҳолининг бирламчи маҳсулотлари доимий равишда ветеринария лабораторияларида текширувдан ўтказилиб, бозор расталарига йўналтирилмоқда.

Маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилигини аниқлаш мақсадида Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари

хавфсизлиги давлат маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилиб, миллий ва халқаро аккредитациядан ўтган лабораториялар сони 6 тага етказилди.

Четдан кириб келаётган ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларининг сифатини аниқлаш ва муомиласини назорат қилиш бўйича ҳам алоҳида тизим йўлга қўйилди.

Давлат чегараси ва транспорта давлат ветеринария назорати бошқармаси томонидан чегара ўтказиш пунктларида ахборот коммуникация технологиялари орқали ветеринария назорати остидаги товарлар айланмаси тўлиқ электрон тизимга ўтказилди.

Аҳолининг чорвачилик билан шуғулланиши бўйича кўникмаларини шакллантириш ва бу борадаги ишларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб сут ва гўшт маҳсулотлари етиштирувчи ҳамда қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида чорва моллари етказиб бериш жорий этилди. Натижада, уч йил давомида 210 та корхона томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида 19 минг бош чорва моли етказиб берилди.

ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ НАТИЖАСИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, 2024 ЙИЛ ЯКУНИДА БАРЧА ТОИФА ХЎЖАЛИКЛАРДА ПАРВАРИШЛАНАЁТГАН ҚОРАМОЛЛАР БОШ СОНИ 14,4 МЛН БОШГА (2020 ЙИЛГА НИСБАТАН 109 ФОИЗ), ҚЎЙ ВА ЭЧКИЛАР СОНИ 24,6 МЛН БОШГА (109,3 ФОИЗ), ПАРРАНДАЛАР БОШ СОНИ 106,6 МЛН БОШГА (119 ФОИЗ) ЕТКАЗИЛИБ, 2,9 МЛН ТОННА (ТИРИК ВАЗНДА) ГЎШТ (108 ФОИЗ), 12,4 МЛН ТОННА (105,5 ФОИЗ) СУТ ВА 8,8 МЛРД ДОНА (104 ФОИЗ) ТУХУМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ.

Яна бир муҳим масалани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Охирги 4 йилда ветеринария ва чорвачилик тармоқларини ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтларининг 750 млн АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари жалб этилди. Шунингдек, жорий йилда яна 350 млн АҚШ доллари жалб этилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, охирги беш йилда лойиҳа ташаббускорлари томонидан хорижий давлатлардан 733 минг бош (шундан 89 минг бош насли) қорамол ва 792 минг бош (509 минг бош насли) қўй-эчки олиб келинди. Наслчилик ишларини ривожлантириш мақсадида 2024 йилда 2,4 млн бош (2020 йилга нисбатан 114 фоиз) сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш мақсад қилиб олинган бўлиб, 2,5 млн бошдан ортиқ сигир ва таналар сунъий уруғлантирилди. Сунъий уруғлантириш тадбирларини амалга ошириш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги кўмағида ҳар йили банд бўлмаган 1,5 минг нафар техник-осеменаторлар жалб этиб келинмоқда.

Албатта, олиб борилган ислохотларни тизимли ташкил этишда мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж ортади. Президентимиз бу борадаги муаммоларни ҳам чуқур ҳис этган ҳолда 2018 йилда собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этди. Орадан кўп ўтмай институтнинг Нукус ва Тошкент филиаллари фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бундан

ташқари, ўрта бўғин кадрларига бўлган реал эҳтиёжларни қондириш мақсадида Самарқанд, Андижон, Қашғари ва Нукус ветеринария медицинаси техникумлари ташкил этилди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 31 март куни "Ветеринария ва чорвачилик соҳаларида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Самарқанд ветеринария медицинаси институтини трансформация қилиш орқали Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети сифатида қайта ташкил этилди.



Университет ташкил этилгандан сўнг жаҳоннинг соҳага оид 90 га яқин энг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, ўқитиладиган фанлар бўйича фан дастурлари ва ўқув режалари халқаро стандартларга мослаштирилди. Натижада 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб мамлакатда "ветеринария медицинаси" таълим йўналиши тўрт йиллик босқичдан 5 йиллик босқичга ўтказилиб битирувчиларнинг дипломлари халқаро меҳнат бозорида тан олиншига эришилди.

Бундан ташқари, Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлигини ҳимоя қилиш ташкилотининг 100 йиллигига бағишлаб Самарқанд вилоятида 80 га яқин давлатларнинг экспертлари иштирокида ўтказилган халқаро конференция доирасида ташкилот бош директори др. Emmanuelle Soubeyran хоним Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига ташриф буюриб, мазкур олий таълим муассасасини ветеринария медицинаси соҳасида Марказий Осиёдаги ягона олий таълим муассасаси эканлигини алоҳида эътироф этди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ветеринария хизматларида 10 мингдан ортиқ мутахассис фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг билим ва

кўникмаларини замон билан ҳамоҳанг равишда шакллантириб бориш мақсадида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Жумладан, Президентимизнинг 2024 йил 4 декабрдаги қарори билан Ветеринария ва чорвачилик соҳаларида педагог ҳамда мутахассис кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ташкил этилди. Институтда йилига 1000 дан ортиқ мутахассиснинг малака оширишлари учун қулай шароитлар яратилди.

Президентимиз томонидан амалга оширилаётган жадал ислохотлар негизда аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулот етиштириш ва бозор расталарини гўшт ҳамда гўшт ва сут маҳсулотлари билан бекаму кўст таъминлаш мужассамдир. Бу борада эса ветеринар ва чорвадорларнинг меҳнатлари доимо қадрланади.

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, ветеринария фанлари номзоди.

“

Маълумки, 2000 йил Халқаро ветеринария ассоциацияси ва Халқаро ҳайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан ҳар йили апрель ойининг охириги шанбаси “Халқаро ветеринария куни” деб белгиланиши ҳақида қарор қабул қилинган эди. Сана муносабати билан республикамызда фаолият юритиб келаётган кўп минг сонли ветеринария мутахассисларини чин юракдан табриклайман. Машшаққатли ва зарворли ишларида улкан зафарлар тилайман.

Жонажон ватанимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини ва эпизотик барқарорликни таъминлашда ўз ҳиссангизни қўшишдан асло чарчаманг.

”

“
Mamlakatimizda fidokorona mehnat qilayotgan fidoyi veterinarlarimizni, soha xodimlarini, barcha chorvachilik tarmoqlari mehnatkashlarini

XALQARO VETERINARIYA KUNI

bilan qizg'in tabriklaymiz.

Xalqimiz dasturxonini chorvachilik mahsulotlari bilan to'kin-sochin qilish yo'lidagi xayrli ishlarida muvaffaqiyatlar tilaymiz.”

**VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI
RIVOJLANTIRISH QO'MITASI**
jamoasi

**Aprel oyining
so'nggi shanbasi**



ИЛМ ВА АМАЛИЁТ

УЙЁУНЛИГИ

СОҶА РИВОЖИГА

ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази аграр соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлашга, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кластерлари, кооперациялари ҳамда илғор хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан манфаатли илмий-ишлаб чиқариш ҳамкорлигини йўлга қўйишга, янги илмий ишланмалар, инновациялар ҳамда рақамли технологияларни жорий этишга масъул давлат органидир.

Бугунги кунда ушбу ташкилот таркибида 16 та илмий-тадқиқот институти ҳамда уларга тегишли илмий-тажриба станциялари, Республика агрохизматлар маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, элита уруғчилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

2024 йилда Миллий марказмиз тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан салмоқли натижалар қўлга киритилди. Барча ишлар йил бошида тасдиқланган илмий-инновацион фаолият бўйича режа ҳамда илмий-тадқиқотларни янада ривожлантиришга қаратилган драйвер илмий йўналишлар асосида ташкиллаштирилди. Бу борадаги натижалар ҳақида айрим мисоллар келтираман.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти пахтачилик соҳасида нафақат республикамизда, балки дунёда тан олинган нуфузли илмий муассасалардан биридир. Пахта етиштирувчи мамлакатда ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган Жаҳон пахта тадқиқотлари конференцияси



(World Cotton Research Conference – WCRC-8) нинг 2024 йил 3-8 октябрь кунлари Тошкентда илк марта ўтказилишини мазкур институт илмий жамоасининг кўп йиллик меҳнатлари жаҳон миқёсида эътироф этилгани дейиш мумкин. Конференцияда турли мамлакатлардан 300 нафардан зиёд олим долзарб мавзудаги тадқиқотлари билан иштирок этди.

Мазкур конференция пахта бўйича тадқиқотлар олиб боровчи дунё олимлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, илмий маълумотлар алмашиш, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга хизмат қилади, албатта.

Бу илмий-тадқиқот институтида ўтган йили илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида 19 та амалий, 1 та халқаро (Ўзбек–Хитой), Жаҳон банки иштирокида 2 та амалий, Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган ҳамда БМТТД ҳамкорлиги доирасида 3 та инновацион лойиҳа амалга оширилди.

Ўзанинг “Манғит-1” нави Қорақалпоғистон Республикаси бўйича районлаштирилди. Ўзанинг “ЎзПТИ-203” нави Андижон вилояти бўйича, “СП-41” нави Хоразм вилояти бўйича, “С-8296” нави Фарғона вилояти бўйича, “С-7306” нави Қашқадарё вилояти бўйича, “Шарофат” нави Навоий вилояти бўйича истиқболли деб топилди. Институт олимлари томонидан ўрта толали ўзанинг 10 та янги нави яратилиб, Давлат нав синовига тавсия этилди.

2024 йилда республиканинг суғориладиган 1 012 436 га майдонида пахта етиштирилди. Шундан институтда яратилиб, районлаштирилган 33 та ўрта толали ва 4 та ингичка толали ғўза навлари 900 306 га майдонга, яъни умумий майдоннинг 90 фоизига экилди.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошка-чилик илмий-тадқиқот институти олимлари олдида ҳам зироатчиларимизни турли стресс омиллари ва касалликларга чидамли, маҳаллий сабзавот, полиз ва картошка навлари билан таъминлашдек вазифа ҳамиша долзарбдир. Шунинчун олган ҳолда бу илмий жамоа томонидан хорижий дурагайлар билан рақобатлаша оладиган сабзавот ва полиз экинларининг жами 7 та, шундан, қовуннинг “Баҳор” F, бақлажоннинг “Баркамол” F, ширин қалампирнинг “Турон” F, помидорнинг №20075 F, №20076 F, №20077 F, бодрининг “Стар” F, дурагайлари яратилди. 8 турдаги сабзавот ва полиз экинларининг 16 та навиغا Интеллектуал мулк марказидан ихтиро патенти олинди.

Сўнгги йилларда республикада боғдорчиликни ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар сархил мевалар етиштириш, бу борада мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган.



Институт олимлари изланишлари натижасида шафтолининг йирик мевали (80-100 г.), серҳосил, совуққа чидамли ва экспортбон “Ифора” дурагайи, олманинг қуёқчиликка чидамли “Дилдор”, олтинсимон қорағатнинг “Равшан”, лимоннинг серҳосил, мевалари йирик (80-90 г.), совуққа чидамли “Гулшан” ва “Мамлакат” дурагайлари яратилди.

Маълумки Ўзбекистон шולי етиштириш ва илми бўйича дунёда етакчи давлатлардан биридир. Шолчилик илмий-тадқиқот институти илмий жамоаси томонидан ҳам шолчининг 2 та, соянинг “Само”, мошнинг “Замин” нави яратилди.

Илк маротаба шולי гермоплазмаси стрессларга чидамлилиги бўйича генотипик баҳолаш ишлари ўтказилиб, Халқаро шолчилик илмий-тадқиқот институтидан олиб келинган 837 шולי тизмалари орасидан қимматли хўжалик белгиларига эга 8 та, шўрга чидамли 5 та нав ва намуналар танлаб олинди.

Шולי навларини чатиштириш, мақбул экиш муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш, уруғлик материалларини тайёрлаш, шולי ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига зарар етказадиган касалликлар ва заракуналаларга қарши курашиш бўйича самарадор технологиялар ишлаб чиқилди. Шолчининг “Ихлос”, “Зийнат”, “Манзур”, “Йўлдош”, соянинг “Хумо”, “Нурафшон” ҳамда мошнинг “Ҳосилдор” каби янги навларида синов жараёни кетмоқда.

Техника – деҳқон қаноти деймиз. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан 2024 йилда Ўзбекистон тупроқ иқлим шароитига мос 9 турдаги янги ресурстежамкор техника воситалари яратилди.

Жорий йилда институт жамоаси илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириб, иш кўрсаткичларини рақамли технологиялар асосида назоратлаш ва бошқариш қурилмалари билан жиҳозланган тупроққа ишлов бериш машиналарини, сув танқислиги шароитида сабзавот экилган пушталар сатҳини электрон назорат тизими остида органик ўғитлар билан мулчалайдиган замонавий смарт техника воситасини ҳамда кичик фермер ва деҳқон хўжаликлари учун майда уруғли қишлоқ хўжалик экинлари учун дон тозалаш қурилмасини ишлаб чиқишни мақсад қилган. Бундан ташқари, турли схемадаги интенсив боғ қатор ораларига мосланувчан тупроққа ишлов берадиган универсал қурилма, қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланиб полиз экинлари уруғининг сифат кўрсаткичларини ошириш учун электр саралагич, полиз экинларини етиштириш учун универсал плёнка тўшагич қурилмалари ҳамда чорвачиликка ихтисослашган кичик деҳқон ва фермер хўжаликлари учун гранулали омухта озуқаларни тайёрлайдиган смарт қурилмалар ҳам ишлаб чиқилади.

Толали экинлар илмий-тадқиқот институтида толали экинларни етиштириш, улардан сифатли тола ажратиб олиш, тола сифатини ўрганиш ва саноатга жорий этиш, тола саноати учун техник воситаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Институт олимлари томонидан кичик ҳажмли роликли узатмага эга “2СБ-6” русумли қуришти барабани, “1ХКН” русумли пахтани майда ифлосликлардан қия тозалаш машинаси, “2ПТМ” русумли пахтани йирик ифлосликлардан тозалаш машинаси, “8ДПМ-90” русумли аррали жинлаш ва “5ВПМ” русумли тола тозалаш машиналари ишлаб чиқилиб, “Seeds of diversity” МЧЖ корхонасига жорий этилди.

Институтда хориждан келтирилган уруғлик чигитларнинг механик шикастланганлиги, Хитой агротехнологияси асосида қўшқатор усулда чигит экиш, плёнка ва томчилаб суғориш мосламаларини бир жараёнда бажарадиган агрегатнинг конструкцияли барабани тайёрланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳоли томорқаларидан юқори ҳосил олиш, илғор тажрибаларни республикаимиз кенг миқёсда татбиқ этиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Миллий марказимиз томонидан илмий-тадқиқот лойиҳаларни амалга оширишнинг янги – хонадонбай тизими йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳалар доирасида олимлар ва хонадон эгалари ҳамкорликда ишлаб, якунда аниқ илмий натижа ва салмоқли даромадга эга бўладилар.

Бу хусусда батафсилроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Хонадонбай усулда бажариладиган лойиҳалар аграр соҳада томорқа ер эгалари ва деҳқон, фермер хўжаликларига ажратилган ерлардан самарали фойдаланиш, деҳқончилик амалиёти ва илмий-тадқиқот ишларини муштарак ҳолда ривожлантириш, аҳоли томонидан етиштириладиган экинларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мос уруғчилик тизимини такомиллаштириш, улардан юқори ҳосил олинишини таъминлаш, пировардида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини оширишга хизмат қилади, албатта.

Бундай лойиҳаларнинг афзаллиги шундаки, у олимлар эришган илм-фан ютуқларини тезкорлик билан амалиётга татбиқ этиш имконини беради. Масалан, олим помидорнинг янги нави-

ни яратди. Бу нави деҳқонлар ўртасида тарғиб қилиш, уларнинг ишончини қозониш ва бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш анча қийин масала. Таклиф этилаётган лойиҳаларда олим ўзи яратган нави уруғларини хонадонларга тарқатади, йил давомида томорқа эгалари билан ишлаб, маслаҳат бериб боради. Томорқачи эса уруғ сотиб олиш учун ортиқча харажатдан қутилади, касалликка қарши қандай курашиш, қачон сув бериш, қандай агротехнологияларни амалга ошириш кераклиги бўйича илмий асосланган маълумотларни олади.

Бугунги кунда республикаимизда иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ва қишин-ёзин ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ республиканинг турли вилоятлари тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган иссиқхоналарнинг мақбул стандартлари ҳануз ишлаб чиқилмаган. Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти жамоаси томорқалардаги иссиқхоналарни бир йилда уч марта ҳосил олишга мослаштириш ва маҳсулотни қуриштиб сотишга оид илмий ёндашувлар орқали иқтисодий самарадорликни ошириш ташаббуси билан чиқдилар.

Миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлар томонидан эришилган натижаларни бир мақола доирасида батафсил таҳлил қилиш имконсиз. Муҳими, олимларимиз иқлим ўзгариши жараёнида қишлоқ хўжалиги экинларининг турли хил стресс омилларга (шўрга, қурғоқчиликка, касаллик ҳамда зараркунандаларга) чидамли навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, ресурстежамкор, инновацион агротехнологияларни такомиллаштириш устида тинимсиз изланишлар олиб боришмоқда.

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази зиммасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳага илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича долзарб вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда кўп сонли илмий жамоамиз асосий бўлиб хизмат қилади.

Шухрат ОТАЖОНОВ,

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори, иқтисодиёт фанлари доктори.

ТУПРОҚ – ТАБАРРУК НЕЪМАТ

**ЕР РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ,
ТУПРОҚЛАР УНУМОРЛИГИНИ САҚЛАШ ВА ОШИРИШ
ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИДИР**

Инсониёт ривожланишида тупроқнинг ўрни беқиёс бўлиб, унинг пайдо бўлиши, тарқалиши унумдорлик қобилиятининг шаклланиши тасодифий ҳол бўлмасдан, табиат қонуниятлари асосида юз беради. Бу қонуниятларни ўрганиш, тупроқларнинг хосса ва хусусиятларини мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини чегараловчи омилларни аниқлаш, хусусан, тупроқ ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.



Маълумки, тупроқ шўрланиши дунё миқёсида катта муаммога айланиб, кўплаб минтақаларда суғориладиган ва суғорилмайдиган ҳудудларда ҳам тезлик билан тарқалиб бормоқда.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, сайёрамизда тупроқ шўрланиши муаммоларининг ўсиб бориши ҳар йили қарийб 1,5 миллион гектар ерларни ишлаб чиқаришдан чиқиб кетишига ва яна 40 миллион гектаргача бўлган майдонларда ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда дунёда «шўрланишга учраган ерлар 100 дан ортиқ давлатлар ҳудудида, тахминан 1 млрд. гектар майдонларда учрайди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда, тупроқлар шўрланишига қарши кураш, суғориладиган ерлар тупроқ-мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳимдир.

Ер муаммоларига инсониятнинг эътиборини қаратиш мақсадида 1970 йилдан бошлаб, ҳар йили 22 апрель куни жаҳондаги барча мамлакатларда турли тадбирлар ва акциялар ўтказилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2009 йилнинг 1 майдаги 63-сессиясида қабул қилинган резолюцияда Ер ва унинг экотизими инсониятнинг уйи экани, биз сайёра-мизни авайлаб-асрашимиз лозимлиги белгилаб

қўйилган. Глобал экологик муаммоларга бутун инсониятнинг эътиборини жалб этиш, табиатга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни тарғиб этиш мақсадида ҳар йили 22 апрель – Халқаро Ерни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Республикамизнинг фойдаланиб турган умумий ер майдони 44 млн гектар бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 25,3 млн гектарни ташкил этади ва умумий ер майдонининг 56,8 фоизига тўғри келади. Жумладан, суғориладиган ерлар 4,3 млн гектар ёки умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил қилади. Мазкур ерлар ҳар хил табиий-қишлоқ хўжалик минтақаларида жойлашган бўлиб, турли мелиоратив, экологик шароитларда турли даражадаги унумдорлик билан тавсифланади.

Бугунги кунда тупроқларимизда саҳроланиш, сув ва шамол эрозияси, дегумификация ва шўрланиш каби деградация жараёнлари учрамоқда. Жумладан, турли даражада шўрланишга учраган ер майдонлари 1980 минг гектарни ташкил этади.

Суғориладиган ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш республикамизнинг барча ҳудудлари учун асосий муаммолардан биридир. Охириги маълумотларга қараганда суғориладиган ерлардан

мунтазам равишда фойдаланиш улар хосса ва хусусиятларининг ёмонлашишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда суғориладиган тупроқларимизда шўрланиш, эрозия жараёнларига учраш, ифлосланиш, гумус ва озиқа моддаларининг камайиши каби салбий жараёнлар ривожланмоқда, оқибатда улар унумдорлик даражаси пасаймоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шўрланиш, суғориш ва шамол эрозияси, саҳроланиш, яйловларда қорамолларни меъёридан ортиқ боқиш каби деградация жараёнлари кузатилмоқда. Сўнгги 30 йилда суғориладиган тупроқларда гумус миқдори 10-15 фоизга камайган, бунинг натижасида эквивалент ҳисобда 450 минг гектар суғориладиган экин майдонлари йўқолган. 90 фоиздан ортиқ ҳолларда суғориладиган тупроқлар гумус миқдори бўйича ўртачадан паст даражада таъминланган тупроқлар гуруҳига мансуб, худди шундай ҳолат ҳаракатчан фосфор бўйича деярли 70 фоиз тупроқларда ва алмашинувчи калий бўйича деярли 80 фоиз тупроқларда кузатилади.

Республикаимиздаги суғориладиган ерларнинг 1,94 миллион гектардан ёки 45,7 фоиздан ортиғи иккиламчи шўрланиш жараёнларига учраган бўлиб, шундан 31,5 фоизи кучсиз, 12,1 фоизи ўртача шўрланган, 2,1 фоизи кучли ва жуда кучли шўрланган гуруҳларга киради. Бундан ташқари 297,4 минг гектар кучсиз, 200,0 минг гектар ўртача, 66,9 минг гектари эса кучли даражада эрозияга учраган.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг 22 миллион гектар ери чўлланишга мойил ҳудудлар ҳисобланади.

Масалан, Оролбўйи ҳудудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари суғориладиган жами 766 минг гектар ерларининг 91,4 фоизи турли даражада шўрланишга учраган. Орол денгизининг қуриши, нафақат Оролбўйи мамлакатларининг, балки глобал миқёсдаги муаммолардан бирига айланган. Орол денгизининг қуриган тубида ҳосил бўлган Оролқум чўлидан атмосфера ҳавосига кўратилаётган чанг, тўзон ва тузлар заррачалари минглаб километр масофаларга тарқалмоқда.

Ушбу жараённинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида Президентимизнинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюцияси қабул қилинди ва унда белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор амалий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келган салбий жараёнларни юмшатиш ва уларнинг оқибатларни бартараф этиш борасида халқаро муносабатларни тартибга солувчи кўплаб конвенция ва келишувлар (Рио Декларацияси, Иқлим ўзгариши Конвенцияси, Кито Протоколи, Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси ва бошқалар) доирасида ҳам белгиланган ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ер масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг кўплаб Қонунлари ва Ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва ер муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 2 февралдаги “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2024 йил 13 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни кўплаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Мазкур Қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан бир қатор тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу борадаги илмий ва амалий ишларимизни мухтасар баён этмоқчиман. Институтимиз ва унинг минтақавий бўлинмаларида республиканинг пахта-тўқимачилик кластерлари ва барча турдаги мулкчиликка эга бўлган бошқа ердан фойдаланувчиларга хўжалик шартномалари асосида бевосита далада тупроқ хизмати кўрсатувчи “Тупроқ клиникаси” мобил лабораторияси ташкил этилган бўлиб, 2021-2024 йиллар мобайнида 200 дан ортиқ ердан фойдаланувчиларга тупроқ хизмати кўрсатилди.

Шунингдек, республикаимиз бўйича 4,2 миллион гектар суғориладиган ерларнинг контурлари бўйича тупроқ сифати баҳоланди, тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилди, 3,2 миллион гектар суғориладиган ерлар тупроқларининг агрокимёвий ҳолати аниқланди ва асосий озиқа моддалари бўйича агрокимёвий харитограммалар тузилишга эришилди.

Мамлакатимиздаги шўрланишга мойил бўлган 2,5 млн. га суғориладиган майдонлар тупроқларининг ҳолати тўлиқ ўрганиб чиқилди ва шўрланиш картограммалари тузилди.

Геоахборот технологиялари асосида Орол денгизи қуриган туби деградацияга учраган тупроқларнинг экологик-мелиоратив ҳолатини аниқлаш ва ўрта масштабли тупроқ харитасини яратиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди.

АҚШ, Япония, Канада, Европа давлатлари, Хитой ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларда тупроқ сифатини комплекс баҳолашнинг замонавий услуби сифатида фойдаланилаётган тупроқ сифати индекслари (Soil Quality Index) кўрсаткичлари Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш жорий этилди. Республикамиз шароитида тупроқ сифати индекслари (SQI) кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда тупроқ сифатини баҳолаш бўйича дастлабки ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон шароитида биринчи мартаба шўрланган тупроқларни кимёвий мелиорацияси тизимига янги усул – “Биосолвент” полимер композицияси ёрдамида ювиш киритилди. Шунингдек, ушбу жараёнларни ўрганишга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан “Шўрланган тупроқ” мобил иловаси ишлаб чиқилди ва ундан кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

Тупроқлар шўрланишининг олдини олишда замонавий илмий инновацион ёндашувлар, сунъий интеллект ва географик ахборот тизимлари технологияларидан, ерни масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиш, тупроқлар унумдорлиги кўрсаткичларининг геофазовий маълумотлар базасини яратиш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан асосий устувор йўналишларнинг бири сифатида белгилаб олинган.

Республикамызда иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий таъсирнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясини камайтириш, тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтириш орқали экинлар ҳосилдорлиги ва тупроқ унумдорлигини ошириш борасида ҳам давлатимиз томонидан илмий жамоамиз зиммасида бир қатор вазифалар юклатилган. Бу борада институтимиз олимлари томонидан Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти ходимлари билан ҳамкорликда “Марказий қизилқум фосфоритлари, қорамол гўнги, қўнғир кўмир асосида гумусли ўғитлар олиш ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш бўйича қўлланма” ишлаб чиқилди. 13 та туманга бириктирилган илмий ходимларимиз туманлардаги пахта етиштириш билан

шуғулланувчи ердан фойдаланувчиларнинг пахта майдонлари тупроқ ҳолати бўйича хулоса, тупроқлар унумдорлигини ошириш бўйича агротехника тадбирлари режасини ишлаб чиқишди. Жойларда тупроқлар унумдорлигини ошириш, пахтадан юқори ҳосил олиш бўйича дала семинарларини ташкил этишди.

ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ РЕЖАСИГА АСОСАН ИНСТИТУТИМИЗ ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН БУХОРО, ФАРҒОНА, ХОРАЗМ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ЖАМИ 734,2 МИНГ.ГА СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА АГРОКИМЁВИЙ ТАҲЛИЛЛАР ЎТКАЗИШ ВА АГРОКИМЁВИЙ ХАРИТАЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ;

744,5 МИНГ.ГА ЭКИН МАЙДОНИНИНГ ТУПРОҚ ХАРИТАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА СИФАТИНИ БАҲОЛАШ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ;

ҚАШҚАДАРЁ, СУРХАНДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ ШЎРЛАНИШГА МОЙИЛ БЎЛГАН ЖАМИ 565,6 МИНГ.ГА ЕРЛАРНИНГ ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШ СЪЁМКАСИНИ ЎТКАЗИШ;

ШУНИНГДЕК, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2022 ЙИЛ 10 ИЮНДАГИ ВА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2024 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛДАГИ ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАРИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА КЕНГ КўЛАМЛИ ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.

Хулоса қилиб айтганда, ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш – табиат иноми, тириклик манбаи бўлган Она тупроқни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишга хизмат қилади. Агар тупроқ ривожланиши ва унумдорлиги шаклланиши қонунийлатлари ўрганилиб, атроф-муҳитга шикаст етказмасдан, экологик мувозанатни бузмасдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ташкил этилса, унинг унумдорлиги камаймайди, аксинча ошиб боради.

Ризқ-рўзимиз манби бўлган тупроқни асраб, уни қадрига етиб, келажак авлодларимизга соғлом унумдор ҳолатда қолдиришга, наинки биз олимлар, деҳқону фермерлар, балки кенг жамоатчилик ҳам масъулдир.

Шуҳрат БОБОМУРОДОВ,

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти директори, биология фанлари доктори.



TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY TADQIQOTLAR INSTITUTI jamoasi

Dehqon va fermerlarimizni, qishloq va suv xo'jaligi
mehnatkashlarini hamda keng jamoatchilikni

22-APREL – XALQARO YERNI MUHOFAZA QILISH KUNI

munosabati bilan Ona zaminni asrash yo'lida
yanada faolroq bo'lishga chorlab qoladi.
Bu xayrli ishda hammamiz hamjihat bo'laylik,
aziz yurtdoshlar!



Журналист сифатида жуда кўп соҳа ходимларининг қувонч ва ютуқларига шерик бўлганман. Бундан бир неча йил бурун дўстим Улуғбек Жумаев билан Қизилқум чўлларидан туркум мақолалар тайёрладик. Бепоеън Қизилқум чўллари чиндан-да мўъжизанинг ўзи. Унинг совуғи гоҳо чўпон-чўлиқни қийнаса, гоҳо жазирама иссиғи ҳам ҳолдан тойдиради. Чорвадорларнинг ҳар қандай пайтда ҳам ёнига мададкор бўладиган соҳа ходимлари эса ветеринария ходимларидир. Улар ҳайвонларда учрайдиган касалликларни вақтида аниқласа, чорванинг беталофат кун кечириши таъминланади.

Қизилқум қаҳрамони

Бундан кўп йиллар олдин ана шундай сафарларнинг бирида ажойиб инсон – Конимех тумани ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази раҳбари Низом ака Исмоилов билан танишиб қолдик. Олис Қизилқум кенгликларидаги отарларда икки уч-кун сафарда бўлдик. У кишининг камтарлиги, ўз касбининг ўта билимдони эканлиги яна Қизилқум чўлларининг тарихини яхши билиши мени лол қолдирди. Шу боис Навоий вилоятига пойтахтдан бориб қолсам, у киши билан, албатта, кўришиб, суҳбатида бўламан.



“

— Ветеринария тизимида ҳайвонлар касаллиги ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги марказларига ниҳоятда катта маъсулият ва талаб қўйилган, — дейди суҳбатдошим. — Биринчи галда, бу соҳага шунчаки ишлайдиган ходим керак эмас. Сабаби, соҳамизга шунчаки ёндашиб битта ташхисни хато қўйсақ ёки озиқ-овқат хавфсизлигига юзаки ёндашсак, у қанчалаб муаммолар олиб келишини тасаввур қилиб кўринг-а? Шу боис бозорлардаги чорвачилик маҳсулотлари доимо сифатли кўриқдан ўтган ва талабга жавоб бериши керак. Унинг истеъмолчиси ўзимиз, халқимизку ахир?

”

Низом ака чорвадорлар овулида униб-ўсгани боис, бу соҳага қизиқиб улғайган. 1969 йилда Тимирязов номидаги техникумни тугаллагач Конимех туманидаги “Шўркўл” хўжалигида веттехник бўлиб ишлади. Ке-йинчалик ветеринар бўлди. У таниқли ветеринар Шамил Богданов қўлида шогрд сифатида соҳанинг сир-асрорларини пухта ўрганди. Кейинчалик қишлоқ хўжалик институтида сиртдан таҳсил олди.

Конимех тумани ҳайвонлар касаллиги ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази мамлакатимизда таянч муассаса ҳам ҳисобланиди. Узоқ тарихга эга Конимех туманида бу соҳа ўрнатилган оларли даражада шаклланиган. Бу эса Низом ака Исмоилов сингари ўнлаб кекса авлод вакилларининг мактаб яратарлик иш тажрибаси маҳсулидир.



— Умумий иш фаолиятимга 53 йил бўлди, шундан раҳбарлик даврим 26 йилга тўғри келади, — дейди у суҳбатларимизнинг бирида. — Инсон ўзи танлаган соҳанинг қийинчилигига бардош бериши, доим олдинга, ғалабага интилиши керак. Меҳнатларим муносиб тақдирланган. Бизлар соҳанинг мустақилликдан кейинги машақатларига шерикмиз. Ўзбекистон Республикасининг мутақиллиги 15 йилиги, 25 йиллиги нишонлари, “Дўстлик” ордени билан мукофотландим. Худога шукр, кам бўлмадим. Ҳаётимдан, оилам фарзанду неваралар, шогирдларимдан розиман.

Ҳозирда марказда бешта бўлим иш олиб боради. Айниқса, серрология ва бактериология бўлимининг иш жараёни ўта маъсулиятли. Зоя Чернова, Қобул Раисов, Гулшар Нуржавбоева каби ходимлар марказнинг тажрибали ва ҳозиржавоб вакиллари. Конимех тумани маркази, Зафаробод бозори ва туман марказидан 280 км олисдаги Учтёбе лабораториясида шу жамоа вакиллари иш олиб боришади. Аммо, кузатиб билдимки, ходимларнинг маоши айтарли кўп эмас экан. Улар зиммасидаги юмуш эса оғир.

Низом Исмоилов 74 ёшда ҳам бардам, ҳаётдан мамнун. У фарзандларини ўқимишли тарбияли бўлишига интилган инсон. Икки ўғли ветеринария соҳасида нуфузли лавозимларда билими ва тажрибаси билан ота касбини давом эттираяпти. Яна бири ўрмон соҳаида, яна бири эса врачлик касбини эгаллаган. Агар улар Конимехдаги ота уйи — Низом Исмоилов хонадонига йиғилишса неваралар бир қишлоқ бўлиб кетади. Ана шунинг ўзи энг катта бахт-толе.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯЛПИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТИ ҲАЖМИ 5 ЙИЛДА 18,5 ҲОИЗГА ЎСДИ

Ўзбекистонда 2024 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми 444,6 триллион сўмга етди ва 5 йил ичида 18,5 ҲОИЗГА ЎСДИ, деб хабар бермоқда Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ушбу институт мутахассислари қишлоқ хўжалигининг сўнгги 5 йилдаги ривожланишини таҳлил қилди. Унга кўра, сўнгги 5 йилда ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 103,5 ҲОИЗНИ ташкил этди.

Ўзбекистоннинг аграр соҳаси минтақада етакчи ўринни эгаллаб келмоқда: ялпи маҳсулот ҳажми Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистоннинг кўрсаткичларидан юқори бўлиб, бу унинг кўлами ва стратегик аҳамиятини акс эттиради.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир кишига тўғри келадиган қўшилган қиймат дунёдаги ўртача даражадан 4,4 баравар юқори бўлиб, бу аграр секторнинг самарадорлиги ва унинг унумдорлиги ортиб бораётганини кўрсатади.

Мамлакат аҳолисининг фаол ўсишига қарамай, аҳоли жон бошига нисбатан қишлоқ хўжалигининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарор ошиб бормоқда:

- дон экинлари — 238,2 кг (+7,6 %)
- картошка — 100,0 кг (+8,7 %)
- сабзавотлар — 322,7 кг (+6,1 %)
- мева ва резаворлар — 88,0 кг (+7,4 %)
- узум — 49,1 кг (+2,9 %)
- полиз экинлари — 72,2 кг (+17,2 %)
- гўшт — 79,2 кг (+7,5 %)
- сут — 334,8 кг (+4,9 %)
- тухум — 236,9 дона (+2,4 %).

Ўзбекистонда 2025 йилда 4 миллион 800 минг гектарда экинлар етиштириш мўлжалланган. Шундан 2 миллион гектардан зиёд ерда мева-сабзавот, картошка, дуккакли ва полиз маҳсулотлари экилади. Уларнинг далаларда жойлаштирилиши ва ҳосилнинг захирага жамланиши мониторинг қилиб борилади. Хусусан, аҳолига бирламчи зарур бўлган 10 турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг тизимли ҳисоб-китоби юритилади.

Манба: daryo.uz



ИМТИЁЗЛАР — ТАРАҚҚИЁТГА ЗАМИН

Жамиятимизда кўплаб касб эгалари қатори фермер аёллар ҳам фидойилик билан фаолият юритмоқда. Бугун, шубҳасиз, уларнинг манфаатларини муҳофаза қилишнинг тегишли ҳуқуқий асоси яратилган. Натижада фермер аёллар пахта, ғалла етиштиришда, умуман қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Самарадорликнинг ошиб бориши аёлларимизни ўз фаолияти кўламини янада кенгайтиришга ундамоқда.

Нарпай туманида ҳам ўз хўжалигида қўшимча тармоқлар ташкил этиб, қайта ишлаш, хунармандлик, касаначиликни йўлга қўйган мулк соҳибалари талайгина. 17 йилдан буён “Ҳамида Юсупова” фермер хўжалигини бошқариб келаётган “Илғор фермер” кўкрак нишони ва яна кўплаб мукофотлар соҳиббаси Ҳамида опа Юсупова ҳам меҳнатидан барака топган аёллардан. Ҳозирда опа 65 гектар экин майдонида деҳқончилик қилиб, кўпчиликка ўрناق бўлиб келмоқда.

– Бизга яратилаётган имкониятлар сабаб, юртимиз хотин-қизлари барча жабҳада ўз фаоллигини намойён этмоқда. Ўзим мисолимда олсак, аёл киши бўлсам ҳам, 33 нафар ишчи-ҳодимга бош бўлиб, ҳар йили юқори ҳосил яратиш, даромаддан янги-янги иш ўрни очиш каби эл манфаати йўлида бор имконият билан меҳнат қилмоқдаман. Агар давлатимиз бизни қўллаб-қувватламаса, бугунгидай натижаларга эришмаган, кўзланган ҳосилни ололмаган бўлардик, — дейди Ҳамида опа. – 33 гектар ғалла, 32 гектар пахта майдонида деҳқончилик қиламиз. Техника ва ишчи кучимиз етарли. Хўжалигимизда янги тармоқларни ишга туширмоқдамиз. Иссиқхона-миз, мўъжазгина совуттич омборимиз бор. Очиғи, илгари оддий қишлоқ аёлининг мулк эгаси бўлиб, бундай ишларни амалга ошира олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Ўзбек аёли ўзининг фидойилиги билан оилаларни, жамиятни чароғон этади. Хотин-қизларимиз юртимизда яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда асосий вазифа – фарзанд тарбиясидек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, жамиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда.

Ҳамида Юсупова эндиликда яратилаётган имкониятлардан, ажратилаётган субсидиялардан унумли фойдаланиб, тез орада хўжаликда яна янги йўналишни ташкил этишни ва томчилатиб суғориш технологиялари жорий этиш ниятида.

Аёл киши бўлса-да, ши-жоатда эркак фермерлардан қолишмайдиган нарпайлик Ҳамида опа тимсолида нафақат қишлоқ хўжалиги фидойиси, шу билан бирга садоқатли ёр, меҳрибон она, ишбилармон етакчилар гавдаланади. Албатта, аввало оила, шу қаторда жамиятга ҳам файз киритадиган, хонадонларни меҳр-муҳаббат, эзгулик нури билан мунаввар этадиган бундай фидойи хотин-қизларимизнинг эзгу ишлари, умр йўллари барча аёлларимизга йўлчи юлдуз кабирдор.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) фермер хўжалиги иш юритувчиси Умид Бозоров, хўжалик раҳбари Ҳамда Юсупова, Нарпай туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими Бекзод Назаровлар

ЕРЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ УЧУН

ЯНГИ МАШИНАЛАР

Ерларни экишга тайёрлаш барча қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва улардан юқори ҳосил олиш бўйича ўтказиладиган жуда муҳим агротехника тадбиридир. У тупроқни белгиланган чуқурликка юмшатиш, дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш, сифатли текислаш ва талаб даражасида зичлаш орқали далаларда куз-қиш ва эрта баҳорда тўпланган намни сақлаб қолиш, униб чиққан бегона ўтларни йўқотиш ва энг муҳими чигит ва бошқа экинларни бир текис экиш ҳамда уларни қийғос ундириб олиш учун қулай шароитлар яратади. Бунга эришишда сўнги йилларда институтимизда яратилиб, ҳозирги кунларда кенг қўллаётган деҳқонларимиз юқори қувватли тракторларга қўшиб ишлатиш учун ишлаб чиқилган икки изли осма борона ҳамда кенг қамровли чизел-култиватор ва мола-текислагичлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

ИИБ-4 икки изли осма борона



1-расм. Икки изли осма боронанинг иш жараёнидаги кўриниши

Ушбу икки изли осма борона ерларни эрта баҳорда ва экиш олдидан бороналашда қўлланилади. У осма рама ва унга занжирлар воситасида уланган икки қатор тишли бороналардан ташкил топган. Рама уни дала юзасидан маълум баландликда ушлаб туришни таъминлайдиган таянч чангилар ҳамда трактор ғилдиракларидан ҳосил бўладиган изларни юмшатадиган иш органлари, яъни изюмшаткичлар билан жиҳозланган. Изюмшаткичлар ўқёйсимон панжа кўринишида ишланган ва улар раманинг олдинги кўндаланг брусига параллелограмм механизмлар воситасида шарнирли ўрнатилган. Бу изюмшаткичларни белгиланган чуқурликка яхши ботишини таъминлайди.

Боронанинг иш жараёнида изюмшаткичлар трактор ғилдираклари таъсирида зичланган қатламни 12-14 см, бороналар изюмшаткичлар томонидан юмшатишдан изларни ва дала юзасини 4-6 см чуқурликка юмшатади ва қисман текислайди.

Далаларга сифатли ва талаблар даражасида ишлов бериш учун агрегат бир хил турдаги бороналардан ташкил топган ҳамда уларнинг тишлари ўткирланган ва ўткирланган учи билан олдинга қараган бўлиши керак.

Эътиборлиси мазкур борона қўлланилганда бороналарни тикилиб қолган ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтлардан тозалаш ҳамда уларни бир даладан иккинчи далага ўтказиш учун ҳеч қандай қўшимча ишчи кучи ва транспорт воситаси талаб этилмайди.

КЧК-6 дала юзасини текислайдиган ва унда майин тупроқ қатламини ҳосил қиладиган мослама билан жиҳозланган кенг қамровли чизель-култиватор

Мазкур техника шўри ювилган ва тупроқда нам тўплаш учун баҳорда сўғорилган ҳудудларда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун ерларни тайёрлашда қўлланилади. У даладан бир ўтишда тупроқни 12-20 см чуқурликка юмшатади, дала юзасини текислайди ва унда майин тупроқ қатламини ҳосил қилиб, уни экишга тайёрлайди.



2-расм. Мослама билан жиҳозланган кенг қамровли чизель-культиваторнинг иш жараёнидаги кўриниши

Чизель-культиваторнинг тупроқни юшатадиган иш органлари рамада шахмат тартибида икки қатор ўрнатилган ва улар юшатувчи ва ўқёйсимон панжалардан ташкил топган.

Чизель-культиваторнинг дала юзасини текислайдиган ва унда майин тупроқ қатламини ҳосил қиладиган мосламаси тупроқни кўндаланг ва бўйлама йўналишларда сурадиган пластиналар билан жиҳозланган текислагичлар ва планкали ғалтакмолалардан ташкил топган бўлиб, текислагичлар чизель-культиваторнинг ҳар бир юшаткич панжасининг орқасидан, планкали ғалтакмолалар эса ҳар бир секциянинг орқасидан алоҳида ўрнатилган.

Чизель-культиваторнинг юшаткич ва ўқёйсимон панжалари рамага қўзғалмас ва ечиб олинадиган этиб маҳкамланган, текислагич ва ғалтакмолалар рама билан мос равишда параллелограмм механизмлар ва тортқилар воситасида шарнирли боғланган.

Иш жараёнида чизель-культиваторнинг юшаткич ва ўқёйсимон панжалари тупроқни белгиланган чуқурликка юшатади, текислагичлар улардан ҳосил бўлган нотекисликларни текислайди, ғалтакмолалар тупроқни талаблар даражасида зичлайди ҳамда дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилади.

Иш жараёнида чизель-культиваторнинг иш органлари бўйлама ва кўндаланг йўналишларда бир хил чуқурликка ботиб юриши лозим. Бунга трактор осиш қуримасининг марказий тортқиси ҳамда пастки тортқисининг кашакларини узайтириш ва қисқартириш орқали эришилинади

ОМТ-8 кенг қамровли мола-текислагич

Бу қурилма пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари экиладиган ерларни якуний текислаш ва талаб даражасида зичлаш учун мўлжалланган.



3-расм. Мола-текислагичнинг иш жараёнидаги кўриниши.

Мола-текислагич осма бўлиб, ҳудди кенг қамровли чизель-культиватор каби марказий ва ўнг ҳамда чап ён секциялардан ташкил топган. Бу ерда ҳам ён секциялар марказий секция билан шарнирли боғланган ва гидроцилиндрлар воситасида иш ҳолатидан транспорт ҳолатига ва транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказилади.

Кенг қамровли мола-текислагичнинг ҳар бир секцияси кўндаланг ва уларни бир-бири билан боғловчи бўйлама бруслардан ташкил топган бўлиб, ҳаракат йўналиши бўйича биринчи бўлиб жойлашган кўндаланг брус текислайдиган, иккинчи брус эса зичлайдиган ишчи қисмлар билан жиҳозланган.

Иш ҳолатида мола-текислагичнинг марказий ва ён секциялари бир-бири билан қўзғалмас боғланади ва бир бутун қаттиқ системани ташкил этади. Бунинг учун марказий ва ён секциялар махсус фиксацияловчи кронштейнлар билан жиҳозланган ва уларга фиксацияловчи бармоқлар ўрнатилади.

Саёз чизелланган (10-12 см) ерларни молалашда трактор осиш қурилмаларининг бўйлама тортқилари мола- текислагич осиш қурилмасининг кронштейнларида очилган пастки тешикларга, чуқур чизелланган (16-20 см) ерларда – ўрта тешикларга, шудгорланган ерларда эса юқори тешикларга ўрнатилиши лозим.



Иш бошлашдан олдин ён секциялар гидроцилиндрлар воситасида иш ҳолатига ўтказилади ва фиксацияловчи бармоқлар кронштейнларга ўрнатилиб, марказий ва ён секциялар бир бутун яхлит системага келтирилади, яъни кўндаланг-тик текисликда улар бир-бири билан қаттиқ (кўзгалмас) боғланади. Шундан кейин мола-текислагич иш ҳолатига ўтказилади, яъни дала юзига туширилади ва молалаш жараёни бошланади.

Молалаш жараёнида агрегат даланинг диагонали бўйича мокусимон усулда ҳаракатланади. Бунда агрегат олдинги ўтган изига параллел ва шу изни 15-20 см кенгликда қоплаб юриши лозим.

Қайтишлар мола-текислагич дала юзасидан қўтарилган ҳолда амалга оширилади.

Иш жараёнида мола-текислагич дала юзасига параллел бўлиши лозим. Бунга трактор осииш қурилмаси юқориги марказий тортқиси ҳамда пастки тортқилар кашакларининг узунлигини ўзгартириб эришилинади.

Даладан чиқиб кетишда агрегат тўхтатилиб, ёнбош секциялар фиксациядан чиқарилади ва гидроцилиндрлар воситасида йиғилиб, транспорт ҳолати учун фиксацияланади.

Таклиф этилаётган икки изли осма борона, кенг қамровли чизел-культиватор ва мола-текислагични қўллаш тупроққа ишлов берилиш сифатини яхшилайдиган, иш унумини 1,3-1,4 мартага оширади ҳамда ерларга экиш олдида ишлов беришда меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфини 1,2-1,3 марта камайтиради.

Хулоса. Ерларни экиш учун тайёрлашда ишлаб чиқилган икки изли осма борона ҳамда кенг қамровли чизел-культиватор ва мола-текислагичларни қўллаш тупроққа ишлов берилиш сифатини яхшилайдиган, иш унумини 1,3-1,4 мартага ошириш ҳамда ерларга экиш олдида ишлов беришда меҳнат ва ёнилғи-мойлаш материаллари сарфини 1,2-1,3 марта камайтириш имконини беради.

Абдусалим ТҲТАҚҶЗИЕВ,
т.ф.д., профессор,
Абдурахмон РАСУЛЖОНОВ,
т.ф.ф.д., катта илмий ходим,
ҚХМИТИ.

ҚАЙСИ ҲУДУДЛАРДА ЭНГ КЎП ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИЛГАН

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2024 йилда энг кўп етиштирилган маҳсулотлар статистикаси:



Фарғонада энг кўп – **998,5 минг тонна** донли экинлар етиштирилган;



Андижонда энг кўп – **1 833,7 минг тонна** сабзавотлар етиштирилган;



Самарқандда энг кўп – **747,6 минг тонна** картошка етиштирилган;



Сурхондарёда энг кўп – **351,5 минг тонна** полиз экинлари етиштирилган;



Андижонда энг кўп – **699,9 минг тонна** мева ва резаворлар етиштирилган;



Самарқандда энг кўп – **666,1 минг тонна** узум етиштирилган;



Қашқадарё вилоятида энг кўп – **345,9 минг тонна** гўшт (тирик вазнда) етиштирилган;



Самарқандда энг кўп – **1 456,0 минг тонна** сут олинган;



Тошкент вилоятида энг кўп – **1 608,1 миллион** дона тухум олинган;



Хоразмда энг кўп – **33,0 минг тонна** балиқ овланган;



Самарқандда энг кўп – **1 765,8 минг** бош йирик шохли қорамол бор;



Қашқадарёда энг кўп – **5 109,7 минг** бош қўй ва эчкилар бор;



Тошкент вилоятида энг кўп – **57 009** бош отлар бор.

САВР СОХОВАТИ

ЁКИ ҒАЛЛА ПАРВАРИШИДА АПРЕЛЬ ОЙИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР ХУСУСИДА



Сўнги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариши март ойининг бошида бир қатор вилоятларда қор ёғиб ҳаво ҳароратининг кескин совуши кузатилди ва қишлоқ хўжалиги экинларига ўзининг жиддий таъсирларини кўрсатди. Бунинг натижасида ғаллани озиклантириш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари ҳар йилгига нисбатан 7-10 кун кечикиб амалга оширилмоқда. Ғаллачиликда апрель ойи ғалла ҳосилининг тақдирини ҳал қиладиган ой ҳисобланиб, бу даврда ғалладан мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган муҳим агротехник чора-тадбирларни ўз муддатида, сифатли амалга оширишни тақозо этади.

Республикамызда бугунги кунда айрим фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластер раҳбарлари ғалла майдонларини озиклантириш, суғориш ҳамда касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ишларини кечиктириб амалга оширишмоқда. Зеро апрель ойида бошоқли дон кинлари тўлиқ найчалаш фазасида ривожланади.

Кузги бошоқли дон экинлари найчалаш даври 30-35 кун давом этиб, бу даврда ўсимлик ўзи учун ўсув жараёнида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди. Апрель ойида баҳорги озиклантириш ишларини ғалланинг ривожига қараб мақбул муддатларда экилган,

ҳозирги кунда найчалаш фазасида ривожланаётган ғалла майдонларига физик ҳолда азотли ўғитлар билан (карбамид 260 кг/га, аммиакли селитра 350 кг/га) озиклантириш, ривожланиши орта қолаётган ғалла майдонларида азотли ўғитларни ўзлаштириш ҳолатига қараб икки марта озиклантириш ишларини амалга ошириш тавсия этилади. Бунда, биринчи озиклантириш (гектарига физик ҳолда аммиакли селитра 200-250 кг, 15-20 кун ўтказиб, иккинчи озиклантиришда гектарига физик ҳолда 100-150 кг) ўтказиш лозим. Бошоқли дон экинларининг эрта муддатларда сентябрь ойида экилган майдонларида апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида бошоқлаш фазасига ўтиши кузатилади. Ғалла бошоқлаган даврда азотли ўғитлар билан қўшимча озиклантириш ишларини амалга ошириш ҳосилдорликнинг 5-6 центнерга ортишини таъминлайди. Бунда (гектарига физик ҳолда 150-200 кг.дан аммиакли селитра) азотли ўғитни бериш жуда самарали бўлиб, ўсимликларни ўсиш-ривожланиши яхшилайди. Умуман олганда апрель ойида ғаллазорлардаги тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғимиغا нисбатан доимий равишда 70-75 фоиз бўлишини таъминлаш зарурдир.

“

Ғалла майдонларида озиклантириш ишлари амалга оширилгандан сўнг минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектар ҳисобига 700-750 м³ меъёрда шарбат усулида суғоришни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

”

Маълумки ғалла майдонларини озиклантиришдан ташқари ўсимликларга барг орқали қўшимча озиклантириш ўсув даври давомида 3-4 марта амалга ошириш ижобий натижалар бериши тажрибаларда ўз исботини топган. Бунда, яъни суспензия сепиш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кислоталарга эга бўлган биопрепаратларни суспензия қилиб қўллаш самарали усул ҳисобланади. Ривожланиши кечиккан ғалла майдонларига қўшимча барг орқали озиклантириш учун ўсимликни ўсиш ва ривожланишини жадалаштирувчи янги Биовак 24 органик биопрепарат билан гектарига 1 л/га қўллаш тавсия этилади.

Бундан ташқари ғалла майдонларини суспензия билан барг орқали ҳам озиклантириш ўзининг ижобий самарасини беради. Суспензия эритмаси тайёрлашда гектарига 12-15 кг карбамид минерал ўғити 200-300 литр сувга ишчи эритма тайёрланиб, ғалланинг туплаш, найчалаш ва бошоқлаш фазаларида ишлов берилди. Бундан ташқари ғалла майдонларида баргидан озиклантиришда биоперепаратлардан УзГуми, Гумимакс (0,5 л/га), Гео Гумат (1 л/га), Зеребраагро (100 мл/га), Аминозол (1,0-3,0 л/га), Лебозол (3,0-5,0 л/га), Фитовак (0,4 л/га), каби перепаратлар билан 300 литр сувга аралаштириб сепиш ўсимлик баргида ҳосил бўладиган органик моддаларнинг кўпайиши эвазига дон ҳосилини 15-20 фоизга ошириб, дон таркибидаги клейковина миқдори 2-3 фоизга, оқсил миқдори 1,5-2 фоизга, дон натурасини 10-15 фоизга, 1000 дона дон вазни 2-3 граммга ортишини таъминлайди.

Баҳор ойларини серёғин, ҳаво ҳарорати паст бўлиши ғаллазорларда занг ва бошқа замбуруғлик касалликларни, зараркунандаларнинг кўпроқ тарқалишига олиб келади. Шунинг учун уларни олдини олиш ва қарши кураш чораларини кўриш ўта муҳимдир. Айниқса ғалланинг сариқ ва қўнғир занг касалликлари ғалла ҳосилига жиддий таъсир этади.

Ушбу касалликларга қарши эртaroқ кураш чоралари олиб борилмаса ҳосилнинг 45-50 фоизи йўқотилиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб занг касали тушушини кутиб турмай зудлик билан кимёвий 1-профилактик ишловни ўтказиш зарур. Айниқса эрта муддатларда экилган ғаллани зудлик билан зангга қарши кимёвий ишловини ўтказиш лозим.

Ғалла майдонларида учрайдиган замбуруғли касалликларнинг олдини олиш ёки касалликлар билан зарарланган майдонларга ўсимликлар ҳимояси ва карантин агентлиги рўйхатидан ўтган фунгицидлардан УЛТРА Супер 33% к.е 0,3 л/га, Колосал Про м.е.к. 0,2-0,3 л/га, Суперфар 50% э.к. 0,16-0,18 л/га, Тилтазол 500 к.е.к. 0,170 л/га, Алто Супер 33% э.к. 0,3 л/га, Супер Коназол 33% э.к. 0,3-0,35 л/га, Виалто Супер 33% 0,3 л/га, Титул Дуо к.е.к. 0,2 л/га, БИ-КОНАЗОЛ 40% к.е.к. 0,2-0,25 л/га, Уредазол 40% к.е.к. 0,2-0,25 л/га, Топ-Кроп 40% к.е.к. 0,25-0,3 л/га, Титус Микс 40% к.е.к. 0,2 л/га, Торсо 22,5% э.к. 0,3-0,5 л/га, Энтоликур 22,5% э.к. 0,3-0,5 л/га, Рейкон 28% сус.к. 0,5 л/га каби фунгицидлар билан гектарига 250-300 литр меъёردа ишчи эритма сарфлаган

ҳолда ишлов беришни амалга ошириш муҳим агротехник тадбир ҳисобланади.

Ғаллага жиддий зарар келтирувчи зараркунандаларга, зарарли ҳасва, шилимшиқ қурт пъявица, ғалла ширалари, буғдой триписи, поя арракаши, швед ва гессен пашшалари ғалланинг тупланиш давридан бошлаб жиддий зарар етказади. Зараркунандалар кучли тарқалганда ҳосилнинг 25-35 фоизи йўқотилиши мумкин.

Ғалла майдонларида учрайдиган зараркунанда хашаротларга қарши Дефентокс 2,5% э.к. 0,25 л/га, Имидашанс, с.е.к. 0,1 л/га, Имидаклоприд Оригинал 35% сус.к. 0,1 л/га, Моспиан 20 % с.п 0,2 кг/га, Имитрин 20% э.к. 0,1 л/га, Киллер экстра 10% э.к. 0,1 л/га, Агрофос-Д 55/% э.к. 0,5 л/га, Дуэт 55% э.к. 0,5 л/га, Фосшанс, э.к. 0,15 л/га, Энтопучо 25% к.е. 0,25 л/га, Карате 25% к.е. 0,2-0,3 л/га каби инсектицидларни сепиш тавсия этилади. Ғаллазорларда зараркунандаларга қарши курашда кимёвий препаратлар билан ишлов беришда дала атрофларига экилган ипак қурти озукаси бўлган тут дарахтларига теккизмасдан ишлов бериш ўта муҳимдир.



Ғаллазорлар март ойининг 3 декадасида касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий перепаратлар билан ишланган бўлса, апрель ойида яъни, 20 кундан сўнг 2 чи марта кимёвий перепаратлар билан ишлашни ташкил этиш лозим.



Бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштиришда юқоридаги тавсиялар асосида белгиланган агротехника чора-тадбирлар ўз муддати ва меъёрларига амал қилган ҳолда сифатли бажарилса ғалладан кафолатли юқори ва сифатли ҳосил олиш учун пухта замин яратилади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,

директор, қ.х.ф.д., профессор,
Россия ва Турон ҒА академиги,

Иброҳим ХОШИМОВ,

қ.х.ф.д., Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича директор ўринбосари,

Шухратжон РАҲМОНОВ,

лаборатория мудири,

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот
институту.

БАРГДАН ОЗИҚЛАНТИРИШ — ҲОСИЛГА БАРАКА

Баргдан озиқлантириш – бу замонавий қишлоқ ҳўжалигида экинлар учун зарур бўлган озиқ моддаларни тақдим этишнинг самарали ва экологик тоза усулидир. Баргдан озиқлантиришнинг фойдалари экинларнинг ташқи муҳитнинг ноқулай омиллардан сақлаш, сифатини яхшилаш, ҳосилини ошириш ва тупроқ унумдорлигини сақлаш каби кўплаб афзалликларни ўз ичига олади. Шунингдек, экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитга зарар етказмасликда муҳим рол ўйнайди. Шу боис қишлоқ ҳўжалиги экинларни муҳим агротехник омиллардан бири бу минерал ўғитларга қўшимча равишда баргдан озиқлантиришдир. Бу усул жуда қўлай, чунки кўп ҳолларда фунгицид, гербицидлар, инсектицидлар билан биргаликда қўллаш имконини беради. Барг орқали озиқлантириш ўсимликни вегетация давомида озуқа элементлари билан таъминлаб турувчи қўшимча восита.

Куз-қиш ойларида буғдой илдиз тизими яхши ривожланмайди. Натижада буғдой майсаси эрта баҳорда илдизи ер қатламининг 10-15 сантиметрида бўлиб, найчалаш ва бошқа жараёнлар секин кечишига олиб келади. Шу сабабли берилган маҳаллий ва минерал ўғитларни секин ўзлаштиради. Шунингдек, илдизлар ҳали нозик бўлганлиги сабабли сувга талабчан ва иссиққа чидамсиз бўлади. Шу боис ғалла ривожини тезлатиш учун майсаларни эрта баҳордан минерал ўғитларга қўшимча равишда баргдан озиқлантириш тизимини ташкил этиш лозим. Барг орқали озиқлантиришни меъёрларини белгилашда кўчат қалинлигига, ривожланиш даражасига, барг сатҳи юзасига эътибор бериш лозим. Барг орқали озиқлантиришда азотли, фосфорли, калийли ва микроэлементлар билан бойитилган ўғитлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Бошоқли экинлар ҳосилдорлик шакиллантириш учун кўплаб элементлардан фойдаланади. Уларнинг аксарияти жуда оз миқдорда талаб қилинади, аммо қайсидир элементнинг йўқлиги ўсимликнинг ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади. Озуқа моддаларига бўлган талаби ўсиш ва ривожланиш фазасига қараб ўзгаради.


Баргдан озиқлантиришнинг афзалликлари

Баргдан озиқлантириш ўсимликларнинг озиқа моддаларини тез ва самарали қабул қилишини таъминлайди. Барглар орқали озиқлантириш анъанавий усулларига қараганда тезроқ таъсир қилади.

Озиқ моддаларининг зарарли йўқолиши ка-

маяди, чунки озуқа моддаларини тўғридан-тўғри ўсимликларга етиб боради.

Стимуляторларни таъсири механизми ва барг оғизчалари орқали кириб бориши.



Баргдан озиқлантириш ўсимликларнинг иммунитетини кучайтиради ва касалликлар ва зараркунандаларга нисбатан чидамлилигини оширади.

Баргдан озиқлантириш экологик жиҳатдан тоза бўлиб, кимёвий ўғитлар миқдорини камайтиради. Бунинг натижасида тупроқнинг табиий таркиби ва тузилиши сақланиб қолади. Бундан ташқари, ўсимликларга зарарли кимёвий моддаларнинг камроқ миқдори етказилади, бу эса атроф-муҳитга зарар етказмасдан экинларни бойитиш имконини яратади.

Ўсимликлар керакли озуқа моддаларини ўз вақтида олишлари натижасида уларнинг ривожланиши тезлашади ва ҳосилдорликни 10-15% оширишга эришилади.

Кузги буғдойнинг лаборатория унувчанлиги ва биомассасига Биовак-24 препаратининг таъсири.

Экин тури	Вариантлар	Лаборатория унувчанлиги		Дала шаронти		
		Униш кучи энергияси, %	Унувчанлиги, %	Илдиз оғирлиги, гр	Илдиз узунлиги, см	Ер устки массаси, гр
Буғдой	Назорат	97,0	98,8	15,5	15,2	20,5
	Биовак-24	99,8	100	28,7	35,0	45,8

Суспензия сепиш тартиби

Суспензия билан ишлов беришдан олдин пуркагичнинг ишчи тезлиги ва қамров кенглиги, суюқлик босими ва сарфи ростланиши, ҳалқачалар тўғри ўрнатилиши ва филтрлар тозаллиги таъминланиши лозим.

Суспензияни пуркагич орқали сепишда эритма имкони борица майда томчилардан иборат бўлиши, эритма баргларга бир текис сепилиши лозим. Бунинг учун ҳалқачаларни тўғри ўрнатиб, суюқлики 2-4 атмосфера босими остида сепиш мақсадга мувофиқ.

Пуркагичнинг ишчи кенлигини сошлашда соплони ердан экин ривожига қараб 0,5-1,0 метр баландликка ўрнатиш, уни марказий ўқидан 10-12 даража (градус) га тик ҳолатига келтириш талаб этилади.

Суспензияни пуркаш ишлари ўтказилаётганда ҳаво очик бўлиши керак. Баргдан озиклантириш эрталаб ва кечки пайт оғизчалари очик ҳолатда бўлиб, яхши ўзлаштиради. Ёгингарчилик эҳтимоли бўлганда пуркаш ишларини камида 4 соат олдин якунлаш ёки ёмғир тугашини кутиб, ўсимликлар қуригандан сўнг амалга ошириш зарур.

Суспензияли озиклантириш меъёр ва муддатлари

Суспензия тайёрлаш учун азотли ўғитлардан бири бўлган мочевинадан (карбомид) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки мочевина сувда яхши эрийди. Ундан ташқари, бу ўғитнинг молекулалари ўсимлик барглари томонидан яхши ўзлаштирилади. Мочевина эритмаси реакцияси нейтрал бўлиб, ўсимликка салбий таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, мочевина таркибидаги таъсир этувчи модда энг юқори ҳисобланади.

Кузги буғдойга карбомидли суспензиясини туллаш даврида гектарига 5 кг, найчалаш даврида 7-8 кг, бошоқлаш даври бошида 10-12 кг ни 300 литр ишчи эритма ҳисобида қўллаш тавсия этилади. Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, кузги буғдойни бошоқлаш даврида карбомидли эритмасига биоўғитлар қўшилган ҳолда комплекс ҳолда озиклантирилганда дон

таркибидаги оксил ва клейковина миқдорининг яхшиланиш илмий исботланган. Шу боис карбомидли суспензия қўлланганда “Биовак-24”, «Фитовак», “Иммуноактив”, “Дуо дуэт”, “Новорганик”, “Фитобиосол”, «Агрозим», «Гумимакс» ва бошқа турдаги биоўғитлар қўшилган ҳолда комплекс ишлов бериш яхши самара беради.

Таркибида азот, фосфор ва калийли макроэлементлардан ташқари бор, молибден, мис, темир каби микроэлементлар ҳам мавжуд мураккаб ўғитлар билан март ойида 2 марта ва апрель ойида 1 марта озиклантириш яхши самара беради. Бу эса ўсимлик томонидан тупроқда етишмаётган микроэлементлар билан таъминланишига замин яратилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки фосфорли ўғитлар тавсия этилган миқдорда берилмаган майдонлардаги ўсимликларга бу озика моддалари етишмаслигини олдини олиш учун, фосфордан унумли фойдаланиш, уларнинг сув танқислигига чидамлилигини ошириш ва ҳар хил касаллик ва зараркундаларга бардошлилигини ошириш мақсадида таркибида фосфор элементларга бой бўлган биостимуляторлар билан ғаллани барга орқали озиклантириш мақсадга мувофиқдир. Мисол учун Ifo PZN (таркибида 25% фосфор) ва YaraTera KRISTALON 13-40-13 (таркибида 40% фосфор) хелатланган суюқ фосфор ўғитларни буғдой ўсимликларининг тулланиш ва найчалаш фазаларида гектарига 2-3 литр қўллаш юқори самара беради.

Ғаллачиликда баргдан тўғри озиклантирилиши ҳосилдорлик ва дон сифатига катта таъсир кўрсатади. Бу жараёнда баргдан озиклантириш стимуляторларни тўғри танланиши, ўз вақтида ўтказилиши ва ўсимлик талабига кўра фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Деҳқонлар ва фермерлар учун эса барглاردан озиклантиришнинг аҳамиятини тушуниш ва ўсимликларга тўғри эътибор қаратиш, ҳосилдорлигини ошириш учун ёрдам беради.

Ойбек АМАНОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Нилуфар БАХРАМОВА, қ.х.ф.ф.д., кат.и.х.,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

ШОЛИЧИЛИКДА ЕРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Шолидан юқори ҳосил олишда биринчи навбатда тупроққа ишлов бериш, дала четларини бегона ўтлардан тозалаш, ресурсежовчи технологияларни қўллаш даркор.



ЭКИШ ОЛДИДАН ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ

Шоли экиладиган майдонларда тупроққа ишлов бериш орқали ҳайдов қатлами юмшатилади, поллар текисланади ва ҳайдов қатламида озиқа моддаларини ўзлаштириш учун шароит яратилади. Шолипоярларда тупроққа асосий ишлов бериш тури — кузги шудгорлаш ҳисобланади. Кузда шудгорланган ерлар эрта баҳорда тупроққа экишдан олдинги ишлов беришни ўз вақтида ўтказишга катта имкон беради.

Кўп йиллик ўтларни йўқотиш учун ерларни икки ярусли (ПЛН-4-35) плугда 22-25 см чуқурликда кузда ёки баҳорда ағдариб ҳайдаш маъқул. Бунда илдиэпоия қамиш, сув ҳилоли, курмак кўп тарқалган далаларни тозалашда ерни апрел ойининг иккинчи ярмида 15-18 см чуқурликда қайта ҳайдаш яхши самара беради.

Тариқсимон бегона ўтларни шоли экишдан олдин униб чиқишига шароит яратиб, яъни кузда ҳайдалган дала майдониға енгил сув югуртирилади ҳамда тариқсимон бегона ўтлар яхши униб чиққандан сўнг апрель ойида ҳайдалиб ташланади. Тупроқни қуритиш мақсадида қўшимча 1-2 марта ҳайдаш ёки 2-3 марта ҳар 10-15 кунда 12-14 см чуқурликда чизеллаш керак. Бунда шўрланган ва оғир тупроқларни ҳамда Хоразм вилоятининг қумоқ тупроқларини шудгорлашдан кўра чизеллаш самаралироқ. Шоли майдонида сувни бир хил ушлаш учун ерни ± 5 см қилиб текислаш зарур. Бунда юқорида айтиб ўтилгандек шоли майдонларини экишга тайёлашда ресурсежовчи технологиялар Лазерли текислаш амалға ошириш зарур ҳисобланади.

Лазерли текислаш амалға оширилган далалар текис, бир хил текисликда бўлиб, сувнинг тенг тақсимланиши ва суғориш самарадорлигининг юқорилиги билан ажралиб туради. Ерни лазер билан текислашнинг моҳияти нафақат ерни дастлабки тайёрлаш усулида, балки сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сақлаш усулида ҳамдир. Махсус техника ёрдамида ерни лазер билан текислаш шоли майдонларида сувни тежаш, суғориш

сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириши кенг қўламда иэботланган. Лазерли текислашнинг қиймати анъанавий механик текислаш харажатларидан анча юқори. Бироқ, далаларда сув сарфининг камайиши (25%) га, шу билан бирга 1 м² даги шоли кўчатлари туп сони кўпайишиға, ўсув даври мобайнида ўсимликининг илдиз, поя, барг сатҳи, рўвагининг яхши шаклланиши ва тўлиқ донлар кўп бўлиши нуқтаи назаридан ҳосилдорликининг ошиши ва юқори ҳосил дастлабки харажатларни қоплайди ва ернинг деградациясини (масалан, шўрланишни) камайитишға ёрдам беради. Бундан ташқари, лазерли текислашдан сўнг 5-8 йил ичида 1 мартадан кўп бўлмаган ҳолда амалға оширилиши мумкин.

Шоли майдонларида ерга ишлов бериш олдиан бир қанча агротехник тадбирлар: дала четлари, шолипоя майдонларини кўп йиллик бегона ўтлардан тозалаш, бу тадбир зарарқунанда ва ҳашоратлардан шоли ўсимлигини униб чиқиш даврида зарарқунандалардан сақланиш даражасини оширади, сув йўлларини ариқ, зовур ва каналларни тозалаш, сув кириш жойларига сув меъёрини ўлчаш усқуналарини жойлаштириш ишларини амалға ошириш зарур бўлади.

Ерни текислашда шудгор қилинган майдон чизелланади ва узунбазисли текислагич ёки ГН-2,8 гредер ёрдамида пол юзаси сифатли қилиб текисланади. Ерни текислашда энг содда ва самарали қадимий агротехника тадбири, яъни сув бостириб текислаш энг самарали усул ҳисобланади. Бу усул уруғликни сувда экишға мўлжалланган далаларда амалға оширилади. Бунда экишдан олдин бир неча кун поллар 10 см қалинликда сув билан тўлдирилади. Ҳайдов қатламидаги кесаклар ивигандан кейин, поллар юзасиға занжирли (С-150, Т-4, ДТ-75) ва гилдиракли (МТЗ-1025, ТЛ100) тракторлар ёрдамида чизелланади ёки фрезакаток (ГФ-2,8) билан ишлов берилади ва мола тиркаб майдон юзаси текисланади. Бу усулда ерни текислаш бегона ўтларға қарши курашда юқори самара беради. Полларнинг юза қисмидаги тупроқ яхши аралашади, сифатли текисланади. Бунда қуруқ ерга ишлов беришға қараганда сувнинг

филтрацияси, техникадан фойдаланиш, меҳнат сарфи ва ҳаражатлари бир неча марта камаяди.

**ШОЛИНИ ҚУРУҚ ЕРГА ЭКИШ УЧУН
ЕРНИ ТЕКИСЛАШ**

Ерни текислашда шудгор қилинган майдон чи-зелланади ва узунбазисли текислагич ёки гредер ёрдамида пол юзаси сурилади. Шундан сўнг шоли майдонида сувни бир ҳил ушлашни таъминлаш учун лазерли ер текислагич ёрдамида ер ±5 см қилиб текисланади. Шудгорланган майдон экиш-дан олдин трактор орқасига «зиг-заг» тиркама ва кейин тиркалган мола бостирилиб ер текисланади. Оғир тупроқли ерлар баҳорда орқасига «зиг-заг» тиркама тиркалган оғир диски тиркама билан ишланади. Шу тартибда ишланса ер яхши текис-ланади ва юмшайди. Бу жараёнда қуйидаги ишлар амалга оширилади. Ерни текислашда занжирли ёки ғилдиракли тракторларга тиркаладиган ГН-2,8 осма грейдерлар ёрдамида текисланади.

Экишдан олдин калийли ўғитининг 50% ва азотли ўғитининг 33% берилади. Текисланган май-донга берилган ўғит оғир диски бороналар билан тупроққа кўмилади. Ерни текислашда энг содда қадимий агротехника тадбири сув бостириб текис-лаш энг самарали усул ҳисобланади. Бу ҳолатда текислаш учун занжирли тракторларга тиркалган ГН-2,8 грейдердан фойдаланилади. Сўнгра сувда ерга фреза-каток (ГФ-2,8) билан ишлов берилади. Экишдан олдин шу тартибда ишланса меҳнат ва энергия сарфини 2-3 баробар камайтиради.

**ШОЛИНИ СУВЛИ ЕРГА ЭКИШ УЧУН
ЕРНИ ТЕКИСЛАШ**

Ерни текислашда энг содда ва самарали қадимий агротехника тадбири, яъни сув бостириб текислаш энг самарали усул ҳисобланади. Бунда олдидан шудгорланган майдонларга уруғ экишдан бир неча кун олдин поллар 10 см қалинликда сув билан тўлдирилади. Ҳайдов қатламидаги кесак-лар ивигандан кейин, поллар юзаси занжирли ва ғилдиракли тракторлар ёрдамида чизелланади ёки фреза билан ишлов берилади ва мола тир-каб майдон юзаси текисланади. Бу усулда ерни текислаш бегона ўтларга қарши курашда юқори са-мара беради.

**ШОЛИНИ ЭКИШДАН ОЛДИН
ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИК ҲАМДА
БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ АМАЛГА
ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР**

Апрель ойида аввало далада қолган бегона ўт қолдиғи ҳамда шоли похolidан тозаланади.

Чунки асосан зараркунанда ҳамда касалликлар ўчоғи шу ер ҳисобланади. Сўнгра дала четларини бегона ўт қолдиқларидан тозаланиб, энди униб чиқаётган бегона ўтларга қарши Глифосат 75% 2-4 кг/га, А-глиф 5 кг/га, Глиф 75,5% 2,0-2,6 кг/га, Глифорт 50% СЛ 3,0-4,0 л/га, Глифосат оригинал 75,7% 1,5-3,0 кг/га ҳисобида;

Дала четларидаги зараркунандаларга қарши Каратэ 5% эм.к 0,2 л/га, Эмолюкс 0,5 кг/га, Эма-мектин бензоат 5% 0,3 кг/га, Карат Голд Плюс 10 %, эм.к. 0,075 л/га, Каратэ-Зеон 5% (Каратэ Зеон 5%) сус.к. 0,15 л/га билан олдини олиш бўйича қарши кураш чора-тадбирларини ўтказиш тавсия этилади.

Шоличиликда ҳосилдорликни оширишнинг асосий омилларидан бири-ишлаб чиқаришга янги навларни жорий этиш ва уруғликни яхши-лаш ҳисобланади. Одатда маҳаллий шарoитда етиштирилган уруғлик энг юқори ва турғун ҳосил олишни таъминлайди. Шу билан бирга уруғликни юқори ва турғун ҳосил олишни таъминлайдиган тупроқ-иқлим шарoитли ҳудудларида жойлашти-риш керак.

Шолининг районлаштирилган ва истиқболли ҳамда янги навларини бошланғич уруғчилик (оила, кўпайтириш) кўчатзорларини ташкил этиш орқали юқори авлодли уруғлик матери-алларини етиштириш, шунингдек, навларнинг уруғшунослик (биологик ва ҳўжалик белги хусу-сиятлари, уларни сақланиш даражаси ва бошқалар) кўрсаткичларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича Шоличилик илмий-тадқиқот институти шуғулланиб келмоқда. Бугунги кунда институтда 2024 йилда шoлининг Лазурный, Искандар, Садаф, навларини оригинал ва элита авлодли уруғлик материаллари етиш-тирилиб, “GIGANT-K-531” саралаб, ундан чиққан уруғларни бегона навлардан тозалаш мақсадида SORTIMAT уруғ тозалаш машинасида яна қайта тозалаб, жами 140189 кг уруғликлар институт омборларида сотиш учун сақланиб келинмоқда.

Тр	Маҳсулот номи	Авлоди	Миқдори, кг
1	Лазурний	Супер элита	56 640
2	Лазурний	Элита	50 700
3	Искандар	Супер элита	37 540
4	Искандар	Элита	61 409
5	Садаф	Супер элита	3 900

ШОЛИНИНГ «ЛАЗУРНЫЙ» НАВИ

Муаллифлар: Исхаков Т.Э., Пулина П.А., Рихсиева С. **Келиб чиқиши:** Ўзбекистон Шоличилик илмий тадқиқот институтида яратилган. Ўсимлик бўйи -115-120 см. Ўсув даври 130-135 кун. Рўваги узунлиги 22-24 см ни ташкил этади. 1000 дона дон оғирлиги 34–35г. Шишасимонлиги 100%. Қобиклиги 20,0-22,0%. Гуруч чиқиши 63-65%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 65–70%. Ётиб қолишга чидамлилиги. Ҳосилдорлиги 65–70 ц/га.

Агротехникаси. Уруғидан сепиб экилганда. Экиш муддати 25 апрел–1 май. Бир гектарга сарфланадиган уруғ меъёри 5,0 млн.дона. Бир гектарга сарфланадиган сув меъёри–23000–25000 м³. Фойдали ҳарорат йиғиндиси 3000–3200°С. Ўғит меъёри – $N_{180} P_{150} K_{150}$.

Кўчат усулида. Механизмлар ёрдамида. Кўчатхонага (кассеталарга) экиш муддати 1 апрел -10 апрел, асосий далага экиш 1 май – 10 май. Бир гектарига 180-200 дона кассета, ҳар бир кассетага 150-170 гм шולי уруғи гектарига эса 45-50 кг сарфланади. Бир гектарга сарфланадиган сув меъёри–17000–19000 м³. Ўғит меъёри – $N_{180} P_{150} K_{150}$.

Қўл кучи ёрдамида. Шולי кўчати махсус кўчатхоналарда тайёрланади. Кўчат экиладиган майдон тайёр бўлгач шולי уруғи асосий экин сифатида 1 апрел-10 апрелда 100 м² майдонга ўртача 6-7 кг ҳисобида экилади ёки шולי кўчатзори асосий экиладиган майдоннинг 1/10 қисмини ташкил қилиш керак. Кўчатларни қўлда экиш учун 1 гектар майдонга 70-80 иш куни сарфланади.

ШОЛИНИНГ «ИСКАНДАР» (АЛАНГА-3) НАВИ

Муаллифлар: Исхаков Т.Э., Бараев Х.А., Саидахмедова М. **Келиб чиқиши:** Ўзбекистон Шоличилик илмий тадқиқот институтида яратилган. Ўсимлик бўйи -120-125 см. Ўсув даври 118-122 кун. Рўваги узунлиги 18-20 см ни ташкил этади. 1000 дона дон оғирлиги -31-32 г. Шишасимонлиги 98-100%. Қобиклиги 18,0-18,5%. Гуруч чиқиши 71-72%, шу жумладан бутун гуруч чиқиши 92-95%. Ётиб қолишга ва тўкилишга чидамли. Ҳосилдорлиги 80-85 ц/га.

Агротехникаси. Уруғидан сепиб экилганда. Экиш муддати 5-20 май. Бир гектарга сарфланадиган уруғ меъёри 160-180 кг/га. Бир гектарга сарфланадиган сув меъёри 16000-18000 м³. Фойдали ҳарорат йиғиндиси 2200–24000С. Ўғит меъёри $N_{120} P_{120} K_{150}$.

Кўчат усулида. Механизмлар ёрдамида. Кўчатхонага (кассеталарга) экиш муддати 5 апрел – 20 апрел, асосий далага экиш 5 май – 20

май. Бир гектарига 180-200 дона кассета, ҳар бир кассетага 150-170 гр шולי уруғи гектарига эса 40-45 кг сарфланади. Бир гектарга сарфланадиган сув меъёри–13000–15000 м³. Ўғит меъёри – $N_{120} P_{120} K_{150}$.

Қўл кучи ёрдамида. Шולי кўчати махсус кўчатхоналарда тайёрланади. Кўчат экиладиган майдон тайёр бўлгач шולי уруғи асосий экин сифатида 5 апрел-20 апрелда 100 м² майдонга ўртача 6-7 кг ҳисобида экилади ёки шולי кўчатзори асосий экиладиган майдоннинг 1/10 қисмини ташкил қилиш керак. Кўчатларни қўлда экиш учун 1 гектар майдонга 70-80 иш куни сарфланади.

ШОЛИНИНГ “САДАФ” НАВИ

Келиб чиқиши: Ўзбекистон Шоличилик илмий тадқиқот институтида яратилган. Ўсув даври 125-127 кун. Ўсимлик бўйи 128-130 см. Ҳосилдорлиги 90-95 ц/га. Гуруч чиқиши 72-73 %. Шу жумладан бутун гуруч чиқиши 91-94%. Ётиб қолмайдиган, дони тўкилмайдиган, касалликларга чидамли, механизация ёрдамида ўриб олинадиган нав. Экиш муддати 15 - 25 май. Уруғ экиш меъёри гектарига 6,0 млн.дона. Йиллик ўғит меъёри азотли ўғит - 120 кг, фосфорли ўғит 120 кг ва калийли ўғит 150 кг. Йиллик сув сарфи 16000-20000 м³.

Кўчат усулида. Механизмлар ёрдамида. Кўчатхонага (кассеталарга) экиш муддати 5 апрел -10 апрел, асосий далага экиш 5 май – 10 май. Бир гектарига 180-200 дона кассета, ҳар бир кассетага 240-250 г шולי уруғи гектарига эса 45-50 кг сарфланади.

Қўл кучи ёрдамида. Шולי кўчати махсус кўчатхоналарда тайёрланади. Кўчат экиладиган майдон тайёр бўлгач шולי уруғи асосий экин сифатида 5 апрел-20 апрелда 100 м² майдонга ўртача 6-7 кг ҳисобида экилади ёки шולי кўчатзори асосий экиладиган майдоннинг 1/10 қисмини ташкил қилиш керак.

Уруғчиликда нав алмаштириш, нав янгилаш, элита, суперэлита, репродукция каби тушунчалар қўлланилади. Фан ютуқлари тажрибасидан маълумки, тўғри танланган уруғлик экинлар ҳосилдорлигини 25-30 фоизга оширади. Шу йўл билан етиштирилаётган қўшимча ҳосил ҳеч қандай ҳаражатларсиз олинади ва катта иқтисодий самара беради.

Масъуджон САТТАРОВ, к/х.ф.д., к.и.х.,
Мухаммаджон ЭРГАШЕВ, к/х.ф.н., к.и.х.,
Чулпаной ҚАШҚАБОВА, к/х.ф.ф.д., к.и.х.,
Нодирбек ОТАМИРЗАЕВ, к.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Мақсадбек ХАЙИТОВ, к.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Шоличилик илмий-тадқиқот институти.

ЛИМАН УСУЛИДА СУҒОРИШ

ВА ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ОЛИШ



Қадимдан ота-боболаримиз ҳар доим қурғоқчиликка қарши курашиб келганлар. Чунки бизда сув тақчиллиги ўтмишдан мавжуд бўлган. Сув бизнинг ҳудудларда ҳам худди Африка мамлакатларидек қимматбаҳо, бебаҳо ҳисобланган. Суғориладиган текис жойлар камлигидан аجدодларимиз ҳатто тоғ олди ҳудудларга мевали дарахтлар экишганлар, чунки тоғли ҳудудларда ёгинлар миқдори кўпроқ бўлгани маълум. Эндиликда қияликларда, тоғ ён бағирларида, айрим-айрим жойларда бир донга ўрик ёки бир туп ёнғоқ дарахтларининг якка ҳолда турганини кўраемиз. Бу ўрик ва ёнғоқлар шу даврлардан қолиб кетган ёдгорликлар бўлади. Аҳолининг ўзиям кўпинча баҳорда бўладиган селлар ва сув тошқинларидан қочиб баланд ерларга уйларни қуришган.

ТОҒ, ТОҒ ОЛДИ ҚИЯЛИКЛАР ВА АДИБЛАРНИ ҚАДИМДАН ЛИМАН УСУЛИДА СУҒОРГАНЛАР. ХЎШ БУ ҚАНДАЙ УСУЛ ЭКАН?

Лиман усули билан суғориш – кўпинча қишлоқ ҳўжалигига суғорма деҳқончиликда фойдаланиши қийин бўлган тоғ олди, адир ва қияликларда, баъзан текис майдонларда ҳам баҳорги тошқин ёки ёмғир сувлари билан суғориш усули бўлиб ҳисобланади. Бу усул

тупроқда нам тўплашга ўхшайди, аввал режалаштирилиб, қурғоқчил майдонларда сув кам талаб қиладиган ўсимликлар ва дарахтлар танлаб олинади. Аслида бу усулдан фойдаланишда, суви кам, тоғ олди ён бағирларидаги қурғоқчил ерлар аниқланиб ва ушбу майдонларда ёмғир ва қор сувлари тўпланиб, уларни табиий намланиши орқали ёки тўпланган сув тупроққа сингиб, тупроқни нам билан таъминлаб туради.

Бу ҳақда қадимги деҳқончилик суғориш усулларида ҳам маълумотлар келтирилган. Афсуски бу усул бугунги кунда бизда унутилган. Аммо бу усулни бугун яна қайтадан тикласа бўлади. Модамики, деҳқон у боғбонлар бу ишга бир киришсалар, яна қайтадан урф бўлиб кетиши аниқ. Ана шунда яна бир қанча майдонларни деҳқончиликка киритиб, қўшимча ҳосил олиш имконига эга бўлардик.

ЛИМАН УСУЛИНИНГ АФЗАЛЛИГИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Аслида тепадан тушиб келаётган ёмғир ёки эриган қор сувлар ўзи билан тупроқнинг устки қатламини оқизиб келади ва ўша кавланган ариқларга озиқа моддалар келиб тушади. Бу жойларга экилган дарахтлар июн ойи ўрталаригача ўзини ўзи сув билан таъминлайди. Июнь ойининг охиридан бошлаб, дарахтларга дастлабки икки йил сув бериш лозим бўлади. Кейинчалик эса, дарахтлар катта бўлади, бир-бирини соялатади, тупроқнинг намлиги сақланиб қолади. Лиман усули билан суғорилганда дарахтларнинг зичроқ экиш тавсия қилинади. Чунки зич экилган дарахтлар бир бирига соя ташлаб микроклимат ҳосил қилишади.

Ҳозир ҳам тоғ олди ён бағирларига синчиклаб қарасангиз айланасига ариқларнинг изи кўзга ташланади. Ота-боболаримиз тепадан бошлаб тоғларни айлана қилиб бир метр ёки янада чуқурроқ қилиб қазиганлар, ҳар бир айлана лиман ариқнинг ўртасида 10-12 метр масофа қолдирилган ва тепадан тушиб келаётган ёмғир ва қор сувлари инсон қўли ёрдамида қазилган ариқларга келиб тушган ва тўпланган. Биринчи

арикдан тўлиб тошиб чиққан сув яна пастга қараб оқиб иккинчи ариққа ва сўнгра учинчи ариққа шундай қилиб тоғ бағирларида нам тўплашни йўлга куйганлар.

Албатта, бу ишга қиш ойларида хашар йўли билан биргалашиб киришганлар. Маълум ҳудудлар айрим инсонлар томонидан бўлиб олганлар ва ҳар киши ўзига ажратилган жойга февраль ойини иккинчи яримдан бошлаб ўз дарахтларини экишга киришган. Шу йўсинда иш олиб борилмаса, тоғларга ёққан ёмғир ва қор сувлари беихтиёр нишабликлардан пастга оқиб тушиб пастки сойликларни тўлдирган.

Ёғин сувларини тўплаш учун қазилган ариқлар имкон қадар чуқур (100 см.) қилиб қазилади ва жўяг чуқурлигининг яримига (50 см. ларига) мевали дарахтлар экилган кўчатни жуда юқорига экиш ярамайди. Албатта, бу вақтда сувга кам талабчан дарахтлар танлаб олинади, бунда- хандон pista, ёнғоқ, ўрик, қароли (слива), оддий сал аччиқроқ сариқ ва тўқ қизил олчалар, бодом, аччиқ бодом, дўлана дарахтларининг кўчатларини экиш самара беради (А. Абдураимов, Я. Ғуломов, Е.П.Горелов).

Лиман усулидан суғоришни тоғ адирларда йўлга куйишда Тошкент –Наманган йўлидаги тоғ

олди ҳудудларни тўлиқ шу усулда ўзлаштириш мумкин, бундан ташқари Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Бойсун, Нурота, Ғўбдин тоғлари жойлашган ҳудудларда лиман усулида мевали дарахт майдонлари -пистазорлар, ўрикзорлар, ёнғоқзорлар, қора слива ва тоқзорлар барпо қилиш мумкин бўлади. Республикада бундай майдонларни истаганича топиш мумкин фақатгина истак ва хоҳиш керак. Даромад истаган инсон бу ишларга кўрқмай қўл уради ва келажақда аввола ўзини ва фарзандларни даромад билан таъминлаган бўлади.

Лиман усулида ёки терассаларда экин экиш қадимги Инклар империясида жуда яхши йўлга қўйилган. Тезлик билан кўпайиб бораётган аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Инклар яқинларидаги тоғларда терасса услида дарахтлар ва экинлар эка-бошлайди. Ҳатто айрим жайларга унумдор тупроқларни олиб чиқиб, текислаб маккажўхори ва картошка етиштирганлар. Испанлар уларни босиб олгунича бу мамлакатда деҳқончилик қўлбола ирригация усули билан жуда яхши тараққий этган. Марказий Анд мамлакатлари ҳудудларида бугун ҳам бу усулда суғориш ва экин экиб ҳосил олишни ҳеч ким ман қилган эмас.



ЛИМАН УСУЛДА СУҒОРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ АСЛИДА НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Бу усул бугунги яшил энергия ёки экологик тозалikka мос келади. Чунки мутлақо катта миқдордаги энергия ва алоҳида сарф харажатларни, техника воситаларини талаб қилмайди. Биргина харажат бу чуқур ёки ариқларни кавлашда техникадан қиш фаслида фойдаланилади, қиш фаслида кўпинча техникалар бизда бўш туради, демак бемалол бу ишга кириши мумкин.

ЛИМАН УСУЛИДА СУҒОРИШ НАТИЖАСИДА ТУПРОҚНИНГ ПАСТКИ ҚАТЛАМЛАРИДАГИ ТУЗЛАР, ШЎРЛАР УСТКИ ҚАТЛАМГА ЧИҚИБ ҚОЛМАЙДИ, ЕРЛАР БУ УСУЛДА ШЎРЛАНМАЙДИ. ТУПРОҚНИ МИКРОБИОЛОГИК ВА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ ЎЗГАРМАЙДИ, БАЛКИ ЯХШИЛАНАДИ.

Лиман усулида деҳқончиликни бемалол боғдорчиликда ва узумчиликда қўллаш мумкин, мевали дарахтлар ва ток кўчатларини экиб орадан 4-5 йил ўтгач иқтисодий самарадорликка эришилади. Ушбу майдонлардан олинган мева ва узумлар ниҳоятда ширин бўлиши билан бошқа жойда етиштирилган мевалардан ажралиб туради. Бу жойларда тошлар бўлгани учун иссиқ ҳарорат миқдори юқори бўлиб, олинган узумлардан тайёрланган майизлар жуда ширадор бўлади. Агарда паст текисликларда ёгин сувлари тўпланса, бу сувлардан лалми майдонларга экилган кузги ва баҳорги бўғдойларни, кунжут ва зигир каби экинларни суғоришда фойдаланиш мумкин. Сел ва тошқин сувлари ҳақида сўз кетганда алоҳида махсус ҳудуд— сувни тўплаш учун табиий пастқам ёки чуқур сув тўпланиши мумкин бўлган жойлар бўлиши шарт. Баҳор пайти оқиб келадиган ёмғир ва қор сувларни тўплаш ва уларни кейин тежаб тергаб ишлатишга бугун киришимиз керак.

Эндиликда қўшнимиз бўлган Афғонистонда “Қўштепа” каналини ишга туширилиши бизнинг сувни янада тежаб ишлатишимизга олиб келади. Тоғли ҳудудларда жойлашаган аҳоли пунктларида мутасадди кишилар, ирригация масаласи билан билан шуғулланувчилар, қолаверса маҳалланинг эътиборли инсонлари хашар йўли билан беҳудага оқиб кетадиган сувларни тўплашга кичик ҳовузлар, кичик сув омборчалари қуришларни зарурдир. Очиқ ай-

тишимиз керак. баҳорда тоғ олди ҳудудларидан қанча сувлар бекорда бекорга пастлик ерларга оқиб буғланиб кетади. Аммо ёз пайти сув йўқ деб раҳбариятни қийнаб талаб қилабошлаймиз. Иккинчидан аҳолини ҳовлиларда оқиб келадиган сувларни махсус резервуарларга йиғиб кейин ишлатишга ўргатиш зарур. Ўзлари бетонланган ҳовузлар қилишса ҳам чорва моллари учун ва томорқаси учун сув тўплаш мумкин бўлади. Нега Саудия Арабистонида ҳар бир том ёки турар жой ҳовлиларнинг устида катта резервуарлар қуйилган? Улар ёгин сувларни тўплаш орқали тўлдирилади. Ҳар бир уй эгаси томи устидаги сувни филтрлаб ўз эҳтиёжига ишлатади. Бизда эса ҳамма бефарқ, бемалол юришади ва сув беринг деб талаб қилишга ўтишади. Ёки қанча ҳудудларда кундалик эҳтиёж учун сувни сотиб олишади, бу ҳам моддий ва иқтисодий зарарку!

БОШҚА СУҒОРИШ УСУЛЛАРИ БИЛАН СОЛИШТИРИЛГАНДА САМАРАДОРЛИГИ:

1 **ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШДАН ФАРҚЛИ РАВИШДА, ЛИМАН УСУЛИДА СУВНИ БОШҚАРИШ ИМКОНИЯТИ КАМРОҚ, ЛЕКИН ХАРАЖАТЛАР АНЧА КАМ БЎЛАДИ.**

2 **АНЪАНАВИЙ СУҒОРИШДАН САМАРАЛИРОҚ, ЧУНКИ У СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАЙДИ, АММО СУВ МИҚДОРИ МАВСУМИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА БОҒЛИҚ.**

3 **ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИШДАН ФАРҚИ, НАСОС ВА ҚУВУРЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ, АММО ФАҚАТ МАЪЛУМ ЖОЙЛАРДА ИШЛАТИЛИШИ МУМКИН**

Қадимги даврларда мироблар ёки сувни тақсимлаб берувчилар ҳам оддий халқ ва ҳукумат ўртасида катта обрuga эга бўлишганлар, чунки одамларнинг томорқасидаги экинларнинг ўсиши ва ҳосил бериши мироб томонидан ажратиладиган сувга боғлиқ бўлганлиги маълумдир.

Чучук сувнинг қадри дунё мамлакатларида йил сайин, ошиб бормоқда, бунинг сабабларини инсоният ўзидан излаши лозим. Ер шарида одамлар сони ошиб борар экан, демак уларнинг сувга

бўлган талаби ҳам кун сайин ортиб бориши аниқ. Қадим Хоразм тарихидан ҳам маълумки, сув танқислиги кучли бўлган ҳудудларда деҳқонлар аввало маълум жойда экиладиган экин турини танлаган, чунки сув йўқми, қўлга тушган уруғни экиб бўлмаган. Боиси бутун Хоразм ҳудудидagi майдонларда суғорилиб деҳқончилик қилинган. Экин майдонларидан энг катта майдонни эгаллаган экин буғдой ва жўхори бўлган. Ғўза жаъми экин майдоннинг бешдан бир қисмига экилган, холос қолган майдонларда арпа, шולי, тарик, мош, зиғир, кунжут, қовун ва тарвуз экишган.

ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Бугунги кунда “Яшил Макон” ёки “Яшил” иқтисодиёт тамойилига амал қилиш ва атрофга учаётган чанг, қум ва тузларни ушлаб қолиш учун албатта тоғ олди ҳудудлари, саҳролар ва қуруқ тузли ҳудудларга албата дунё халқларининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда дарахт, буталар экишга киришимиз керак. Саудия Арабистонида бугунги кунда ёмғир сувларини тўплаш одатга айланган, ўта қурғоқчил бўлган бу мамлакатда аслида тушадиган ёмғир миқдори бир йилда 110-120 мм ни ташкил қилади. Мана шундай камгина ёғинни ҳам бекорга қумга сингиб кетишининг олдини олиб, улар қурғоқчил майдонларда ярим халқа шаклида чуқурлар қазийдилар, ёмғир сувлари шу ярим халқаларга тўпланади, ён томонлар сувларини аша шу чуқурларга келиб тушадиган қилиб қуйишади.

Ваҳоланки Ўзбекистонда 1 йилда 320-350 мм ёғингарчилик кузатилади. Бу Саудия Арабистонидан қарийб 3 барабар кўп демакдир. Шу рақамлардан ҳам хулоса чиқарсак бўлади.

Хитойнинг Гансу номли вилоятида йиллик ёғин миқдори 300 мм дан ошмайди, аммо улар ҳам тушган барча ёғинларни тўплайдилар, бир томчи сувниям нобуд қилишмайди. Сувни тўплаб алоҳида резервуарларга олишади ва бир резервуарга олинган сув 30-40 кубометр бўлиб, бу миқдордаги сув бир оилани беш ой давомида сув билан таъминлайди. Ёмғир сувларини тўплайдиган 3 миллионга яқин резервуар қуйилган бўлиб, шу идишларда сувларни филътраб ичишга яроқли ҳолга келтиришади. Бундан ташқари ушбу сувдан 367 000 гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳам суғорилади. Гансу вилоятининг вице-губернатори Це Басунинг айтишига кўра, бу ишни амалга оширишда олим-

лар ва муҳандислар ёрдам беришган. Эндиликда улар Африка мамлакатларига бориб, “Гансу Технологияси” деган номли технология билан уларга сувни тўплашларига ёрдам берилмоқда. Нигерияда 200 дан ортиқ сув тўплагич резервуарларни қуришди ва сувларни тозалаб, истеъмолга тайёр ҳолга келтирмоқдалар.

Хуллас, бугунги сув танқислиги кутилаётган бир даврда, қишлоқ хўжалик экинларни суғоришда турли хил янги технологияларни олиб кириш, эскиларни топиб яна улардан фойдаланиш кун тартибидagi биринчи рақамли вазифамиздир. Маълумки, эндиги вазифаларимкон қадар сувни тежаб ишлатиш, ариқ ва зовурларни бетонлаб чиқиш, томчилатиб суғориш ва деҳқончиликда сув кам талаб қиладиган экинларни экиш каби ишларига фермерларимиз тайёр бўлиши ва янги технологияларни беш бармоғидай билишлари мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини мўл қўл етиштириши имкон беради. Иккинчида фермерларимиз тупроқ унумдорлигини сақлаб, ерларнинг деградацияга учрашидан сақлаб, янги қурилаётган инфра-структурани экин экиб, ҳосил олиб бўлмайдиган ҳудудларга кўчириши ҳам аҳолини озиқ овқат билан таъминлашига йўлидаги муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ХУЛОСА ҚИЛИБ АЙТГАНДА ЛИМАН СУҒОРИШ – СУВТАЪМИНОТИНОМУТАНОСИБ ВА МАВСУМИЙ ЎЗГАРУВЧАН ҲУДУДЛАР УЧУН САМАРАЛИ УСУЛ ҲИСОБЛАНАДИ. МУТЛАҚО ҲОСИЛ ОЛИБ БЎЛМАЙДИГАН МАЙДОНЛАРДАН ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ ОЛИШГА ВА ТУПРОҚ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ, КАТТА ХАРАЖАТ ТАЛАБ ҚИЛМАЙДИ, ЛЕКИН ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ТЎҒРИ БОШҚАРИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

Лиман усулини бизда қўллашнинг мумкинлиги шундаки, бизда тоғ ва тоғ олди ҳудудлари жуда катта майдонини ташкил қилади. Яна бизда шу жойларда икки йил парваришлаб ўстириб олинса, кейин ўзини ўзи нам билан таъминлаб кетадиган дарахтлар бор. Хандон pista, ўрик, ёнғоқ, қорали, дўлана дарахтлари ҳарқандай иқлимни стресс омилларига бардош беради ва орадан 3-5 йил ўтиб биз уларнинг маҳсулотларни йиғиб оламиз.

Дилором ЁРМАТОВА,
профессор.



ЛЕС ПРЕОБРАЗОВЫВАЕТ АРАЛ

Начало научным исследованиям на осушенном дне Аральского моря положили ученые лаборатории защитного лесоразведения и лесомелиораций НИИЛХ в 1981 году и на сегодняшний день ими проработано 21 научный проект и столько же опубликовано научных рекомендаций, на базе которых проводят практические работы лесхозы Республики, а также прорабатывается Государственная программа, разработанная в 2018 году. В рамках данной программы уже создано 1 млн. 850 тыс. га защитных лесных насаждений. Некоторые скептики высказывались о том, что провести работы в таких больших масштабах невозможно. Но наши люди, вдохновленные данной идеей и поддержкой со стороны Главы государства, руководствуясь научными разработками НИИЛХ были уверены в правильности решения.

Люди далекие от реалий, вместо лесопосадок на осушенном дне начали предлагать подать воду в таком количестве, чтобы море восстановилось в прежних берегах, но для выполнения этого условия надо было бы отказаться от орошаемого земледелия, что практически невозможно сделать. На вопрос, где взять воду, возникала давно забытая идея о переброске части стока сибирских рек. Это сейчас звучит как фантастика.

Мы придерживаемся другой точки зрения и считаем, что для обуздания сложившейся экологической ситуации еще намного раньше необходимо было переориентировать проведение лесомелиоративных работ на осушенном дне Аральского моря, положив в их основу научно-обоснованный подход, плановость, очередность, открытость и расчетно-технологический расчет на проведение всех видов работ применительно к разным типам донных отложений.

В мире накоплен значительный опыт по созданию лесных насаждений на песках, однако на осушенном дне Аральского моря, где лимитирующими факторами являются недостаток влаги, засоление почвогрунтов и близкое залегание соленых грунтовых вод, требовалась особая технология и подбор ассортимента пустынных растений отдельно для каждого типа донных отложений. В процессе исследований выяснилось, что созданные лесные насаждения положительно влияют на аграрное производство за счет улучшения гидроклиматического режима, защиты почв от ветровой эрозии, смягчение засухи и ослабление суховеев, участие в биологическом благоустройстве экосистем, обеспечения рационального природопользования и улучшения жизни населения через обогащение воздуха кислородом и уменьшение в нем углекислоты. Как показали наши исследования, 1 гектар саксаула (*Haloxylon aphyllum*) и черкеза Рихтера (*Salsola*

Richteri) в возрасте 4 года поглощают 1158.2 кг и 1547.8 кг углекислоты и при этом выделяют 835.4 кг и 1116.4 кг кислорода соответственно. В лесных полосных саксауловых насаждениях через 7 лет после их создания дефляционные процессы почвогрунтов полностью прекращаются, а также появляется совершенно новый биоценоз с широкой флорой и многовидовой фауной. За 5-7 лет лес полностью преобразовывает осушенное дно Аральского моря, а также прибрежную зону бывшего Аральского моря. Это дает нам возможность всесторонне использовать облесенное осушенное дно через выращивание такого растения, которое еще называют «женшень пустыни» - цистанхе. Данное растение произрастает на корнях саксаула, что позволяет в саксаульниках закладывать плантации цистанхе и потом реализовывать в арабские страны, где корни этого растения пользуются большим спросом.

Нынешнее положение осушенного дна, где произрастают тысячи гектар разных древесных пустынных растений проявляет большой интерес у иностранцев, которые охотно приезжают и бродят по сыпучим пескам. Это наталкивает нас на мысль развивать экотуризм на научной основе и в первую очередь экстремальный на верблюдах, лошадях, квадроциклах, в пешем порядке. Трасса будет пролегать по маршруту Муйнак – Казалинск, т.е. группу туристов сопровождает научный работник - гид до следующей точки, где их ожидает домик на колесах и туристы смогут отдохнуть, Потом они опять двигаются 30-40 км, где их ожидает ученый – ботаник, потом 30-40 км – их ожидает лесовод и т.д. до границы и в г. Казалинск.

Можно развивать научный, научно – исследовательский туризм, а также лечебный, где туристы, останавливаясь в передвижных домиках на колесах смогут употреблять лечебное свежее верблюжье молоко «шубат», которое считается очень полезным.

Наши работы показали, что с помощью лесных насаждений можно полностью преобразовать Арал, т.е. для этого нами были приме-

нены уникальные методы и технологии посадки сеянцев и посева семян, к которым проявляют интерес ученые разных стран. Поэтому считаем целесообразным организовать Международный молодежный экологический Центр куда будут приезжать молодые ученые из разных стран и изучать наши методы и технологии создания лесных насаждений, писать диссертационные работы, а также в своих странах использовать наш национальный опыт. Эта работа будет сближать наших молодых ученых и народы в целом.

Однако, для проведения широкомасштабных лесомелиоративных работ с последующим введением в них кормовых растений с целью создания пустынных кустарниковых пастбищ необходимо создать Центр по выращиванию сеянцев кормовых растений (базисный лесной питомник) в котором будут задействованы лучшие инженера лесного хозяйства имеющие опыт выращивания сеянцев. Ежегодно лесхозы в данном базисном лесном питомнике будут заказывать необходимое количество сеянцев кормовых растений и высаживать в счет спущенного им плана. Так как сеянцы будут выращивать профессионалы, то и семена с лучших растений устойчивых против вредителей и болезней будут заготавливать тоже они.

При мониторинге созданных лесных насаждений, а это около 2 млн. га мы убедились, что в наших насаждениях имеется большое количество зайцев, лисиц, фазанов, а в тех местах, где поблизости имеется вода спокойно пасутся стада диких кабанов; с плато Устюрт на созданные пастбища спускаются сайгаки, а с Казахстана заглядывают в «гости» и куланы.

Следовательно, созданные лесные насаждения улучшают микроклимат прилегающей территории, создают благоприятные условия для проживания местного населения, служат кормовой и эстетической базой и преобразовывают зону Арала в прекрасный зеленый край.

Зиновий НОВИЦКИЙ,
Заслуженный работник сельского хозяйства Республики Узбекистан и Каракалпакстан, Заведующий лабораторией защитного лесоразведения и лесомелиораций НИИЛХ, доктор сельскохозяйственных наук, академик РАЕН.

КАРТОШКАНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ ТАЪРИФИ ВА УЛАРНИНГ ЎСИМТА ҲАМДА ЁЗДА ЯНГИ КОВЛАНГАН ТУГНАКЛАРИДАН ЎСТИРИЛГАНДАГИ ҲОСИЛДОРЛИГИ

2025 йилдан бошлаб ЎзР қишлоқ хўжалиги вазирлиги 34-сон буйруғига биноан қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш маркази 2024 йил 25 декабрдаги 47-сон қарори билан тасдиқланиб, унга мувофиқ картошканинг “Янги Ўзбекистон” (Yangi O‘zbekiston) ва Ультразшим (Ultraeshim) навлари Тошкент ва Самарқанд вилоятларида экиш учун тавсия этилиб, Давлат реестрига киритилди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”



Нав Қувонч-1656м ва Latona навлари ўзаро чатиштирилиб, олинган дурагай комбинациядан якка клонли танлаш йўли билан Қарши давлат университети ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий тажриба станциясида яратилган. Навнинг ёруғда нишлатилган туганаклари ўсимтаси ўртача йирикликда, сферик шаклда, бўялмаган, ўртача тукланган, ўсиш нуқтаси ярим ёпиқ, илдиз тугунчалари ўртача кўплиги билан характерланади. Ўсимлик яримтик ўсувчи, баланд бўйли, яхши баргланган. Барги ўрта йирикликда, очиқ. Поясининг кўндаланг кесими юмалоқ бўлиб, асосий нав белги ҳисобланади. Гултўплами йирик, гўж, яхши гуллайти. Гултожи йирик, оқ рангда. Резавор-мева ҳосил бўлиши кам кузатилади.

Тезпишар бўлиб, ўсув даври 82-86 кунни ташкил этади. Эртаги ва иккиҳосилли экинга мос. Бир тупда палак вазни 180-220 г, илдиз-26-30 г, туганак ҳосили 600-800 г, туганак сони 7,0-7,5 дона. Ҳосилдорлиги эртаги экин сифатида гектаридан 33-38 тонна. Иккиҳосилли экин қилиб ёзда янги

ковланган туганаклардан экилганда унвчанлиги 90-94%, поялар сони 3,0-3,4 дона, ҳосилдорлиги эса 28-32 т/га ни ташкил этади. Товар туганаклар чиқими 94-97 %. Туганак ўртача массаси 82-85 г. Сақланувчанлиги яхши бўлиб, 6,6-7,0 баллни ташкил этади. Экологик ва вирусли айнишга чидамли, айниган туганаклар салмоғи 1,5-3,0 % дан ошмайди. Туганак овал-юмалоқ, сариқ рангда, кўзлари майда, юза бўлиши, эти оч сариқлиги билан фарқланади. Муаллифлар: Т.Э. Остонақулов, Д.Т.Абдукаримов, Р.А.Низамов, А.И.Исмойлов, М.У.Холдоров, Н.Н.Шабарова

УЛЬТРАЗШИМ



Нав Яроқли-2010 ва Evolution навлари ўзаро чатиштирилиб, олинган дурагай комбинациядан якка клонли танлаш йўли билан Қарши давлат университети ва Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий тажриба станциясида яратилган. Навнинг ёруғда нишлатилган туганаклари ўсимтаси ўртача йирикликда, сферик, кучли бўялган ва тукланган, ўсиш нуқтаси ёпиқ, илдиз тугунчалари кўплиги билан характерланади. Ўсимлик тик ўсувчи, баланд бўйли, яхши бар-

Картошка янги навларнинг ўсимта ва туганаклардан экилганда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги (2022-2024 йиллар)

№	Нав номи	Уруғликтуганакларидан ўсимта чикими, донда	Ўсув даври, кун х-бида	Ўсимлик бўйи, см	Хар уяга барг сони, дона	Хар уядаги ўсимта ўсим-ликларининг барг сатхи, м²	Бир уядаги палак вазни, г	Бир уядаги туганак хосили, г	Йиллар бўйича хосилдорлик, т/га			Ўртача, т/га	Стандартга нисбатан қўшимча хосил	
									2022	2023	2024		т/га	%
Ўсимталар 90х20х2 тартибда экилганда														
1.	Gala (cr)	2,9	78	72,0	75,5	0,48	240,2	424,5	20,7	21,6	20,0	20,8	-	100,0
2.	Ultraeshim	3,3	74	76,3	84,4	0,60	292,4	558,6	24,4	24,8	23,5	24,2	3,4	116,3
3.	Yangi O'zbekiston	2,9	80	80,2	82,1	0,57	293,6	561,8	25,2	25,7	24,1	25,0	4,2	120,2
Ёзда янги туганаклардан иккиҳосилли экин сифатида 90х20х1 тартибда экилганда														
4.	Gala (cr)	1,8	76	65,2	72,3	0,41	201,4	393,5	18,1	16,8	17,6	17,5	-	100,0
5.	Ultraeshim	2,4	73	72,0	78,1	0,49	248,7	480,4	21,2	19,9	20,8	20,6	3,1	117,7
6.	Yangi O'zbekiston	2,6	79	74,3	80,4	0,54	265,2	504,7	23,2	21,2	22,4	22,3	4,8	127,4

гланган. Поясининг кўндаланг кесими беш қиррали. Гултўплами йирик, тарқоқ, яхши гуллайди. Гултожи йирик, кўкбинафша рангда. Резавор-мева ҳосил бўлиши кузатилади.

Ўртатеzipишар бўлиб,ўсув даври 74-79 кунни ташкил этади. Эртаги ва иккиҳосилли экинга мос. Бир тупда палак вазни 160-210 г, илдиз-27-30 г, туганак ҳосили 600-700 г, туганак сони 6,0-6,4 дона. Ҳосилдорлиги эртаги экин сифатида гектаридан 30-33 тонна. Иккиҳосилли экин қилиб ёзда янги қовланган туганаклардан экилганда унвчанлиги 88-93%, поялар сони 2,8-3,2 дона, ҳосилдорлиги эса 26-28 т/га ни ташкил этади. Товар туганаклар чиқими 95-97 %. Туганак ўртача массаси 88-95 г. Сақланувчанлиги яхши бўлиб, 6,5-7,0 баллни ташкил этади. Экологик ва вирусли айнишга чидамли бўлиб, айниган туганаклар салмоғи 2,0-3,0 % дан ошмайди. Туганак узунвал, қизил рангда, кўзлари тўқ қизил, майда юза бўлиши билан фарқланади. Муаллифлар: Т.Э. Остонакулов, Д.Т.Абдукаримов, Р.А.Низамов, А.И.Исмойилов, А.А.Шамсиев, Н.Н.Шабарова.

Картошка “Янги Ўзбекистон” ва Ультразэшим навлари Қашқадарё вилояти Қарши тумани суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида эртаги муддатда ўсимталаридан, кечки муддатда янги туганаклари ёзда қовланиб қайта иккиҳосилли экин сифатида экилиб, баҳоланди.

Дала тадқиқотлари Қарши тумани Акмал Ражабов фермер хўжалиги шароитида 2022-2024 йиллар давомида олиб борилди.

Тадқиқотларимизда аниқланишича, ўрганилган картошка навларининг нишлатилган II-репродукция уруғлик туганаклари феврал ойи биринчи ўн кунлигида кўчатхонага бир текис териблиб, усти 6-7 см қум билан қўмилиб, 18-27 кун давомида узунлиги 12-15 см ўсимталар тайёрланди. Олинган ўсимталар энг юқори (91,8-95,8%) тутувчанликка эга. Чунки, улар поясининг йўғонлиги 5-8 мм, барглари сони 4-5 дона, поянинг ер устки массаси 10-14 грамм, илдиз массаси 0,6-1,0 граммни, ўсимта таркибидаги намлик 89-92%, умумий узунлигининг 65-75 фоизи яшил рангга кирганлиги, механик қайишқоқлиги билан характерланади.

Ўсимталар 90x20x2 тартибда, яъни ҳар бир уяга 2 донадан экилганда стандарт Gala навига нисбатан Ультразшим ва Янги Ўзбекистон навлари уруғлик туганакларидан кўчат чиқими, баландбўйли, баргланган, барг сатҳили, бақувват палакли ва маҳсулдор бўлиши билан характерланди. Натижада ҳар гектардан 3,4-4,2 тонна қўшимча ҳосилни таъминланди.

Ёзда янги туганаклардан иккиҳосилли экин сифадида ўстирувчи стимуляторларда ишлатиб экилганда янги навлар кўрсаткичлари стандартдан юқори бўлди. Лекин, ўсимталардан ўстирилганга нисбатан паст эканганлиги маълум бўлди. Стандарт Gala навига нисбатан 3,1-4,8 т/га ёки 117,7-127,4% қўшимча ҳосил олинди (жадвал).

Демак, жанубий ҳудуд Қашқадарё вилояти

шароитида янги картошка навларини жадал кўпайтиришда ўсимталаридан 90x20x2 тартибда етиштириш, олинган ҳосилни бир қисmini ёзда қайта иккиҳосилли экин сифатида фойдаланиш кенг жорий этиш имконини беради.

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ,

Қарши давлат университети профессори,

Алишер ИСМОЙЛОВ,

СПЭКИТИ Самарқанд ИТС директори,

доцент,

Мирхалил ХОЛДОРОВ,

СПЭКИТИ лаборатория мудир,

б.ф.н., к.и.х.,

Анвар ШАМСИЕВ,

СамАТИ доценти,

Нилуфар ШАБАРОВА,

мустақил изланувчи.

UO'T: 633.111.1; 631.527.3

KUZGI YUMSHOQ BUG'DOY NAVLARINI 1-YIL OILALARI SINOV-TANLOVI

Dilmurodov Sherzod Dilmurodovich,

qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), katta ilmiy xodim,

Janubiy dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti.

ORCID: 0000-0003-1671-8554

Annotatsiya. Ushbu maqolada kuzgi yumshoq bug'doyni yangi yaratilgan navlarini birlamchi urug'chiligini olib borish, navdor urug'liklarini tayyorlash borasidagi ishlar yoritilgan. Respublikamizni sug'oriladigan va lalmikor maydonlari uchun yaratilgan 22 ta kuzgi yumshoq bug'doy navlarini 1-yil oilalari ko'chatzorida 5700 ta oilalari o'rganilib, 811,3 kg navdor urug'liklar tayyorlangan.

Kalit so'zlar: kuzgi yumshoq bug'doy, nav, oilalar, yaroqsiz, morfologik belgilar, hosildorlik, birlamchi urug'chilik.

Аннотация. В статье описана работа по первичному семеноводству вновь созданных сортов озимой мягкой пшеницы и заготовке оригинальных семян. В питомнике семей первого года изучено 5700 семей 22 сортов озимой мягкой пшеницы, созданных для орошаемых и богарных зон нашей республики, заготовлено 811,3 кг оригинальных семян.

Ключевые слова: озимая мягкая пшеница, сорт, семьи, непригодные, морфологические признаки, урожайность, первичное семеноводство.

Abstract. This article describes the work on primary seed production of newly created varieties of winter bread wheat and the preparation of original seeds. 5700 families of 22 winter bread wheat varieties created for irrigated and rainfed areas of our republic were studied in the nursery of the first-year families, and 811.3 kg of original seeds were prepared.

Keywords: winter bread wheat, variety, families, unsuitable, morphological characteristics, yield, primary seed production.

Kirish. Boshqqli don ekinlaridan yuqori va barqaror hosil yetishtirishga qaratilgan tadbirlar tizimida urug'chilik alohida muhim o'rinni egallaydi [4, 6]. Urug'chilikning asosiy vazifalaridan biri–yangi

yaratilgan, Davlat reestriga kiritilgan va ishlab chiqarishga tavsiya etilgan navlarning yuqori sifatli urug'liklarini ko'paytirish va ishlab chiqarishning talabini yetarli darajada taminlashdan iborat [1, 3].

Seleksiyada erishilgan yutuqlarni, muvaffaqiyatlarni keng amaliyotga, ya'ni ishlab chiqarishga joriy etish urug'chilik orqali amalga oshiriladi [2, 5].

Urug'chilik ishlarini to'g'ri olib borish uchun parvarish qilinayotgan navlarning biologik va o'zgaruvchanlik xususiyatlarini yaxshi bilish shart. Tanlash olib borilmaganda o'zidan changlanuvchi o'simlik navlarida ham, chetdan changlanuvchi o'simlik navlarida ham biologik va tasodifiy ifloslanish yuzaga keladi. Shu sababli navlarning qimmatli xo'jalik belgi va xususiyatlarini yaxshi bilgan holda urug'chilik sohasida yakka tanlash ishlarini amalga oshirish yuqori samara beradi.

Material va uslublar. Tadqiqotda tajribalarni joylashtirish va tadqiqot davomida fenologik kuzatuvlar, hisob va tahlillar «Butunittifoq O'simlikshunoslik instituti VIR» (1984) uslubi bo'yicha olib borildi. Tadqiqotlar doirasida kuzgi yumshoq bug'doyning ilmiy tadqiqotlar natijasida yaratilgan yangi navlari, davlat reestrtdagi va istiqbolli ekinlar ro'yxatiga kiritilgan navlari birlamchi urug'chiligi tashkil qilindi. Sug'oriladigan maydonlar uchun kuzgi yumshoq bug'doyning hosildor, kasallik va zararkunandalarga chidamli, don sifati yuqori bo'lgan Yaksart, Turkiston, G'ozg'on, Bunyodkor, Shams, Hisorak, Kesh-2016, Shukrona, Yuksalish kabi ekinlar reestrtdagi navlari, Turon, Sarbon, Roxat, Ishonch, Dovon Istiqbol kabi istiqbolli navlari, Ziyokor, Shijoat, Sardor va Yangi hayot kabi nav sinovidagi, lalmikor maydonlar uchun issiqlik, qurg'oqchilik, kasallik va zararkunandalarga bardoshli G'allakor, Ravon, Oqsaroy kabi navlarning boshlang'ich urug'chiligi tashkil etildi.

Dala tajribasi qarshi tumanidagi markaziy tajriba maydonida olib borildi. Qishloq xo'jaligi ekinlari ro'yxatiga kiritilgan navlarni har biridan 300 ta oilalar bir boshog'idan ekish ishlari amalga oshirildi.

Nav sinovidagi va lalmikor maydonlar uchun ekish rejalashtirilgan navlar urug'lariga talab kam bo'lganligi uchun 200 ta oilalari ekilib tanlov ishlari amalga oshirildi.

Natijalar va munozara. Kuzgi yumshoq bug'doyning Yaksart navining 300 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 12 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 4 ta, morfologik belgilari bo'yicha 13 ta, hosildorligi bo'yicha 16 ta, jami 45 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 255 tani tashkil qilib, umumiy 40,8 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Kuzgi yumshoq bug'doyning Turkiston navining 300 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 8 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 5 ta, morfologik belgilari bo'yicha 12 ta, hosildorligi bo'yicha 20 ta, jami 45 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 255 tani tashkil qilib,

umumiy 35,7 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Hozirda keng maydonlarga ekilib kelinayotgan kuzgi yumshoq bug'doyning **Hisorak** navining 300 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 7 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 7 ta, morfologik belgilari bo'yicha 15 ta, hosildorligi bo'yicha 14 ta, jami 43 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 257 tani tashkil qilib, umumiy 43,7 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

So'ngi yillarda yaratilgan iqlim o'zgarishlariga mos bo'lgan, issiqlik va qurg'oqchilikka chidamli kuzgi yumshoq bug'doyning **Yuksalish** navining 300 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 8 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 7 ta, morfologik belgilari bo'yicha 12 ta, hosildorligi bo'yicha 17 ta, jami 44 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 256 tani tashkil qilib, umumiy 48,6 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Intensiv tipdagi, sovuqqa va tuproq sho'rlanishiga bardoshli kuzgi yumshoq bug'doyning **Turon** navining 300 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 12 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 8 ta, morfologik belgilari bo'yicha 8 ta, hosildorligi bo'yicha 19 ta, jami 47 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 253 tani tashkil qilib, umumiy 48,1 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Kalta bo'yli, yotib qolishga chidamli, sovuqqa va tuproq sho'rlanishiga bardoshli kuzgi yumshoq bug'doyning **Yangi hayot** navining 200 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 7 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 4 ta, morfologik belgilari bo'yicha 5 ta, hosildorligi bo'yicha 9 ta, jami 25 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 175 tani tashkil qilib, umumiy 29,8 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Lalmikor maydonlar uchun yaratilgan qurg'oqchilik va suvsizlikka bardoshli kuzgi yumshoq bug'doyning **G'allakor** navining 200 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 5 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 2 ta, morfologik belgilari bo'yicha 4 ta, hosildorligi bo'yicha 12 ta, jami 23 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 177 tani tashkil qilib, umumiy 24,8 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Lalmikor maydonlar uchun yaratilgan qurg'oqchilik va suvsizlikka bardoshli kuzgi yumshoq bug'doyning **Ravon** navining 200 ta 1-yil oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 6 ta, don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra 5 ta, morfologik belgilari bo'yicha 6 ta, hosildorligi bo'yicha 8 ta, jami 25 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 175 tani tashkil qilib, umumiy 26,3 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Kuzgi yumshoq bug'doy navlarini 1-yil oilalar ko'chatzori

№	Nav nomi	Ekilgan oilalar soni, dona	Yaroqsiz qilingan oilalar, dona					Jami o'rib olingan oilalar soni,	Jam'arigan urug'lik miqdori, kg
			Rivojlanish fazalarida	Don tuzilishi, shakli va rangiga ko'ra	Morfologik belgilari bo'yicha	Hosildorligi bo'yicha	Jami		
1	Yaksart	300	12	4	13	16	45	255	40,8
2	Turkiston	300	8	5	12	20	45	255	35,7
3	G'ozg'on	300	11	6	14	18	49	251	45,2
4	Hisorak	300	7	7	15	14	43	257	43,7
5	Bunyodkor	300	12	4	14	17	47	253	48,1
6	Shams	300	9	8	13	19	49	251	42,7
7	Kesh-2016	300	10	5	12	21	48	252	40,3
8	Shukrona	300	12	6	8	18	44	256	43,5
9	Sarbon	300	15	4	7	22	48	252	42,8
10	Yuksalish	300	8	7	12	17	44	256	48,6
11	Roxat	300	10	5	11	16	42	258	38,7
12	Turon	300	12	8	8	19	47	253	48,1
13	Ishonch	300	9	5	9	21	44	256	43,5
14	Dovon	200	4	3	6	10	23	177	30,1
15	Istiqbol	200	7	4	5	12	28	172	25,8
16	Ziyokor	200	6	6	5	8	25	175	28,0
17	Shijoat	200	5	5	7	11	28	172	29,2
18	Sardor	200	6	3	6	12	27	173	31,1
19	Yangi hayot	200	7	4	5	9	25	175	29,8
20	G'allakor	200	5	2	4	12	23	177	24,8
21	Ravon	200	6	5	6	8	25	175	26,3
22	Oqsaroy	200	6	3	5	11	25	175	24,5
Jami		5700	187	109	197	331	824	4876	811,3

Xulosa. Kuzgi yumshoq bug'doyning 1-yil oilalari ko'chatzorida 22 ta yangi yaratilgan navlarning 5700 ta oilalari ekilib o'rganildi. Navdor oilalarni tanlash jarayonida 5700 ta oilalardan rivojlanish fazalari davomiyligiga ko'ra 187 ta, don tuzilishi, shakli va

rangiga ko'ra 109 ta, morfologik belgilari bo'yicha 197 ta, hosildorligi bo'yicha 331 ta, jami 824 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Kuzgi yumshoq bug'doyning yangi navlarini 4876 ta 1-yil oilalaridan 811,3 kg sara navdor urug'liklar jamg'arildi.

ADABIYOTLAR

1. Ostonaqulov T. E. Seleksiya va urug'chilik asoslari //Darslik, Toshkent—"Ilm ziyo"—2013. — 2017. — Б. 37-42.
2. Аманов А. Селекция и семеноводство пшеницы в Узбекистане //Материалы. — 2003. — С. 3.
3. Кишев А. Ю., Мамсиров Н. И. Семеноводство пшеницы озимой в условиях Центрального Предкавказья //Новые технологии. — 2018. — №. 3. — С. 199-204.
4. Лукьяненко П. П. Избранные труды. Селекция и семеноводство озимой пшеницы. — 1973.
5. Марченко Д. М., Филенко Г. А., Некрасов Е. И. Семеноводство озимой пшеницы в Ростовской области //Достижения науки и техники АПК. — 2016. — Т. 30. — №. 11. — С. 57-59.
6. Сиддигов Р. И., Муйдинов О. С. Организационные методы семеноводства зерновых колосовых культур в Узбекистане //Актуальные проблемы современной науки®. — 2019. — С. 114.

UO'T:633.31/37;631.84

TURLI DARAJADA SHO'RLANGAN TUPROQLARDA KUZGI BUG'DOYNI OZIQA REJIMLARI VA TUPROQNING MEXANIK TARKIBI HAMDA AGROKIMYOVIIY XOSSALARIGA TA'SIRI

Otaqulova Dilfuza Azamatovna, laboratoriya mudiri,
Beknazarov Dilmurod Nurmahmatovich, tayanch doktorant,
Sanayev Sirojiddin Qurbonsaidovich, kichik ilmiy xodim,
Janubiy dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti.

Annotatsiya. Hozirgi kunda Janubiy mintaqalarning turli darajada sho'rlangan tuproqlari sharoitida kuzgi bug'doy navlaridan mo'l hosil yetishtirish uchun urug'larni qulay muddatda, me'yorlarda va shuningdek qulay tuproq sharoitida yuqori hosil olish juda muhimdir. Shu bilan birga yetishtiriladigan ekin turining tuproqqa ta'siri ham juda muhimdir. Ushbu maqolada kuzgi bug'doyni mineral o'g'itlar bilan oziqlantirishning turli darajada sho'rlangan tuproqning mexanik tarkibi va kimyovioy xossalariga ta'siri haqida ma'lumotlar berilgan.

Kalit so'zlar: kuzgi bug'doy, janubiy mintaq, oziqlantirish, sho'rlangan yerlar, tadqiqot, iqlim sharoitlar.

Аннотация. В настоящее время в условиях различных уровней засоленных почв Южных регионов очень важно выращивать семена озимой пшеницы в удобные сроки, в нормированных количествах, а также в благоприятных почвенных условиях для получения высокого урожая. При этом влияние выращиваемой культуры на почву также имеет большое значение. В данной статье представлены данные о влиянии удобрения озимой пшеницы минеральными удобрениями на механический состав и химические свойства различных уровней засоленных почв.

Ключевые слова: озимая пшеница, южный регион, питание, засоленные земли, исследования, климатические условия.

Kirish. Bugungi kunda dunyo bo'yicha bug'doy 220,4 mln, gektar maydonga ekilib, o'rtacha don hosili gektariga 34,0 sentnerni tashkil qiladi. Xalqaro qishloq xo'jalik va oziq ovqat tashkilotining ma'lumotlariga ko'ra, dunyo mamlakatlariga 2023-yilda 777,0 mln tonna bug'doy doni yetishtirilgan bo'lib, keyingi o'n yillikda bu ko'rsatkich aholi sonining o'sishi bilan birga don va un maxsulotlariga bo'lgan talabni qondirish uchun 9,6% yoki 74,6 mln tonna ko'proq xosil etishtirishni taqozo etadi. Dunyoda qishloq xo'jaligi ekinlarini sho'rlangan yerlarda maqbul oziqlantirishni tabaqalashtirilgan xolda yuqori va sifatli xosil olishni taminlash jarayonlarida yer, suv, o'g'it va resurslarini integrasiyalashgan xolda boshqarish say harakatlari amalga oshirilmoqda. BMT ning oziq ovqat va qishloq xo'jaligi tashkiloti (FAO) ma'lumotlari bo'yicha dunyoda 833 mln gektardan ortiq qishloq xo'jalik yerlari sho'rlangan bo'lib bu sayyoramiz maydoning 8,7% dir. Xususan, global iqlim o'zgarishi sharoitida turli darajada (sho'rlanmagan, kuchsiz va o'rtacha) sho'rlangan tuproqlarda kuzgi bug'doyni ekib parvarishlashda, sug'orish va oziqlantirish samaradorligini ishlab chiqish bo'yicha olib boriladigan tadqiqotlar muhim ahamiyatga ega.

Tadqiqotning maqsadi. Global iqlim o'zgarish sharoitida kuzgi bug'doyni ekib parvarishlashda o'rtacha sho'rlangan tuproqlarda madan o'g'itlar bilan

oziqlantirish samaradorligini ishlab chiqishdan iborat.

Tadqiqotning usullari. Tadqiqotni olib borish jarayonida, dala-tajriba eksperimentlari, fenalogik kuza-tishlar, hajmiy og'irlik, statistik taxil va modellash-tirish usullari, shuningdek "Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari" ilmiy-tadqiqot instituti-ni "Dala tajribalari o'tkazish uslublari" tizimli taxil usullaridan foydalanilgan. (Toshkent 2007).

O'zbekistonda mo'l va sifatli don yetishtirish bo'yicha olimlar tomonidan keng qamrovli ilmiy tadqiqot ishlariga har bir hududning tuprog'ini va iqlimini hisobga olish, nav yaratish va ularni biologik va genetik xususiyatlarini inobatga olgan holda ekish parvarishlash to'risida tavsiyalar berilgan. Kuzgi bug'doy navlarining yaxshi o'sishi va rivojlanishi uchun boshqa omillar qatori almashlab ekishning ham axamiyati kattaligi ekanligi takidlab o'tilgan.

Qashqadaryo viloyati jami yer maydonining 19,2% yeri och tusli bo'z tuproqlardan iborat bo'lib, uning 24,6% ni sug'oriladigan yerlar tashkil etadi. Yoki viloyat-ni jami och tusli bo'z tuproqli yerlarining to'rt-dan bir qismini sug'oriladigan dehqonchilik yerlar tashkil etadi.

Olib borilgan tadqiqot tajriba dalasi sug'oriladigan, o'tloqlashayotgan och tusli bo'z tuproqlariga mansub bo'lib, tuproqlar sug'orib, dehqonchilik qilinadigan hududda joylashgan. Uzoq muddatli sug'orish, o'g'it-

lash, daryo va zovur (zakbur) chiqindilar cho'kishi oqibatida tuproqlarda agroirrigatsiya qatlami hosil bo'lgan.

Bu tuproqlarni o'zlashtirilishi natijasida sug'orilishi, sug'orish shaxobchalaridan sizib chiqqan suvlar hisobiga doimo nam bo'lishi, yer osti suvlari sathining yer yuzasiga (2m) ko'tarilishiga olib kelgan. Bu tuproqlarda mexanik tarkibi bo'yicha qatlamlanish kamroq namoyon bo'lgan, ancha zichlashgan, gidrogeologik jihatidan ham farq qiladi. Doimo nam bo'lganligi sababli unchalik sezilarli darajada bo'lmagan botqoqlanish alomatlari kuzatiladi, pastki

qatlamlarda temir zangi va ko'kimtir, uning qaytarilgan shakli (anaerob sharoitida) yani temir chala oksidi uchraydi. Bu tuproqlarda sizot suvlari yuza joylashganligi sababli, sho'rlangan, sahro mintaqasida gumus kamligi, suvga chidamligi, makroagregatlar miqdori kam, yaxshi shakllanmagan. Sho'rlanish jarayonlari mavjud bo'lganligi tufayli, bu tuproqlar melioratsiyalashga muhtoj.

Tajriba olib borilgan dala tuprog'ining mexanik tarkibi N.A.Kachinskiy usuli bo'yicha qatlamlar tarkibi aniqlandi;

haydalma qatlam 0-42 To'q kulrang, usti biroz, pastki qismi yuqori darajada namlangan, o'rta qumoqli, mayda tangasimon kesakchali, pastki tomon zichlashgan, ildizli, ko'p miqdorda jonivorlar izi bor, o'tishi sezilarli, rangi va mexanik tarkibiga ko'ra yengil qumoqdan tashkil topgan;

haydov osti qatlami 42-53 sm och kulrang, namligi o'rtacha, yengil qumoq, strukturali, biroz zichlashgan, mayda tomirlar mavjud, jonivorlar izi o'rtacha miqdorda, o'tishi yangi yaralmalarga ko'ra, namligi bo'yicha;

haydov osti qatlami 88-107 sm och kulrang, namligi yuqori, yengil qumoq, ustunsimon qumoq, strukturasiz, kam miqdorda mayda tomirlar mavjud, karbonat va tuzlar dog'lari mavjud.

Tajriba dalasi tuproqlarining morfologiyasi belgilarini aniqlash maqsadida tuproq kesmalari 1-chi kesmada

qazilib genetik qatlamlari yozib borildi va mexanik tarkibi haqida ma'lumotlar 1-jadvalda keltirildi.

1-jadval.

**Tajriba dalasi tuprog'ining mexanik tarkibi
(og'irligi % hisobida)**

Qatlam sm	Fraksiya kattaliklari, mm bo'yicha miqdori, %								Mexanik tarkib, N Kachinskiy tasnifi bo'yicha
	>0,25	0,25 -0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	<0,001	<0,01	
Sho'rlanmagan dala									
0-42	3,8	2,3	14,9	49,8	13,6	12,5	3,1	29,2	Yengil tuproq
42-53	4,6	2,7	18,8	43,0	14,8	12,6	3,5	30,9	Yengil tuproq
53-80	6,8	3,5	22,8	40,8	11,2	11,0	3,9	26,1	Yengil tuproq
80-107	4,1	1,3	14,8	54,3	9,3	13,1	3,1	25,5	Yengil tuproq
Kuchsiz sho'rlangan dala									
0-42	3,8	2,3	14,9	49,8	13,6	12,5	3,1	29,2	Yengil tuproq
42-53	1,1	1,9	52,9	5,1	15,8	7,3	15,8	38,9	O'rta tuproq
53-80	2,3	4,3	48,3	10,3	11,5	8,0	15,4	34,9	O'rta tuproq
80-107	6,3	18,3	23,6	19,6	16,8	14,6	1,0	32,4	O'rta tuproq
O'rtacha sho'rlangan dala									
0-42	3,8	2,3	14,9	49,8	13,6	12,5	3,1	29,2	Yengil tuproq
42-53	2,3	4,3	48,3	10,3	11,5	8,0	15,4	34,9	O'rta tuproq
53-80	6,3	18,3	23,6	19,6	16,8	14,6	1,0	32,4	O'rta tuproq
80-107	4,8	3,6	14,3	28,0	41,1	6,9	1,4	49,4	Og'ir tuproq

Ilmiy tadqiqotning tajriba maydoni tuproqlari mexanik tarkibini aniqlash bo'yicha laboratoriya tahlillari o'tkazilib natijalari olingan ma'lumotlarni jadvaldan ko'rish mumkin, haydalma qatlami yengil, pastki qatlamlari yengil va o'rta qumoqdan tashkil topgan, loysimon yotqiziqalarda joylashgan, sho'rlanishga moyil, sug'oriladigan o'tloqlashayotgan och tusli bo'z unimdorligi past tuproqlardan iborat.

Ilmiy tadqiqotlarni boshlanishida tajriba dalasining tuproq unumdorligini aniqlash bo'yicha tuproq namunalarini olinib, laboratoriyasida agrokimyoviy tahlillar o'tkazildi.

Olingan ma'lumotlarga qaraganda tajriba dalasining tuprog'i haydalma chirindi qatlamida chirindi miqdori 0,959 %, umumiy azot 0,098% va yalpi fosfor 0,263% ni, shuningdek harakatchan azot 20,6 mg/kg, kaliy miqdori 150,0 mg/kg va fosfor 34,5 mg/kg ni tashkil qildi (2-jadval).

2-jadval.

**Tajriba dalasi tuprog'ining dastlabki
agrokimyoviy tasnifi**

Tuproq qatlamlari, sm	Gumus, %	Umumiy shakli, %		Harakatchan shakli, mg/kg		
		Azot	Fosfor	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
0-30	0,959	0,098	0,263	20,6	34,5	150,0
30-50	0,931	0,072	0,241	15,4	34,0	140,7

Xulosa. Tuproq tarkibidagi gumus bilan o'rtacha, azot bilan taminlanishi klassifikasiya bo'yicha yetarli

emas, fosfor bilan o'rtacha, kaliy bilan esa kam taqminlanganligi kuzatildi.

ADABIYOTLAR

- 1.Abduraxmonov. S.O. Suv tanqis hudud doni. //O'zbekiston qishloq xo'jaligi jurnali, Toshkent 2009, №4 son B 15.
- 2.Abduraxmonov S.O. Abdullayev I., Atabayeva M., Xotamova N. Maqbul ekish muddati don hosili garovi. //Agro ilm O'zbekiston qishloq xo'jaligi jurnali ilmiy ilovasi, Toshkent. 2015 N5 (37). B 32.
- 3.Abduraxmonov.S.O. Abdullayev I.I. Noanaviy o'g'it ham don, ham somon. //Agro ilm. O'zbekiston qishloq xo'jaligi jurnali ilmiy ilovasi, Toshkent, 2018. N1 (51) B. 20-21.
- 4.Abduraxmonov.S.O. Abdullayev.I.I. Bentolet miqdori sug'orish me'yori //Ekologiya xabarnomasi jurnali, Toshkent, 2018, N1 27-29-betlar.
- 5.Abduraxmonov.S.O. Abdullayev.I.I. Kuzgi bug'doyning sug'orish me'yoriga bentolit loyqasining ta'siri. //Irrigatsiya va melioratsiya jurnali, Toshkent, 2018 N1 (11). B 31-35.

УЎТ: 633.1

ЗНАЧЕНИЕ АЛЬТЕРНАТИВНОГО ВИДА УДОБРЕНИЯ ПРИ ВОЗДЕЛЫВАНИИ ЯРОВОЙ ПШЕНИЦЫ В ПОЧВЕННЫХ УСЛОВИЯХ ПРИАРАЛЯ

Туреєв Абат Арисович,

д.ф.б/н. (PhD) заведующий лабораторией,

Научно-производственного объединения «Зерна и риса».

Аннотация. В данной статье отражается научная информация о влиянии биогазуса на густоту стояния и формирование биомассы у яровой пшеницы. Важность данного исследования связана с экологической устойчивостью растений и сохранении плодородия почвы. в результате безвожьи и климатических изменений в регионе Приаралья.

Ключевые слова: биогазус, органическое удобрение, минеральное удобрение, густота стояния, объём листа, площадь листовой поверхности.

Abstract. This article reflects scientific information on the effect of vermicompost on the density of standing and the formation of biomass in spring wheat. The importance of this research is related to the ecological sustainability of plants and the preservation of soil fertility. as a result of the lack of weather and climate change in the Aral Sea region.

Keywords: biohumus, organic fertilizer, mineral fertilizer, plant density and height, leaf volume, leaf surface area.

Аннотация. Ушбу мақолада биогазуснинг баҳорги бугдойнинг туп сони ва биомассанинг шаклланишига таъсири ҳақидаги илмий маълумотлар ақс эттирилган. Ушбу тадқиқотнинг аҳамияти сувсизлик ва иқлим ўзгариши натижасида Оролбўйи минтақасида ўсимликларнинг экологик барқарорлиги ва тупроқ унумдорлигини сақлаш билан боғлиқ.

Калим сўзлар: биогазус, органик ўғит, минерал ўғит, ўсимлик қалинлиги ва балантлиги, барг юзаси майдони.

Введение. Орошаемые земли Приаралья относятся к засоленным, легко подвергающиеся к ветровой и водной эрозии. Аральский кризис безвожьи, низкий гумус, отсутствие многопольного севооборота, повышение температуры воздуха сильно влияют на экологию сельскохозяйственного производства. Особо следует отметить чрезмерную химизацию в том числе на большую норму минерального удобрения являющаяся основным фактором в ухудшении экологического состоянии почв. [2].

Во избежания дальнейших последствия специалисты и практики утверждают о необходимости использования практики органического земледелия в частности использования органического навоза в сочетании с альтернативным видом удобрения в виде биогазуса. [4]

Недостаточность научно-обоснованных исследований применения биогазуса в сочетании с навозом в почвенно-климатических условиях Приаралья, стало причиной проведения полевых исследований.

Место, условия и методика проведения исследований. Исследование проводилось в 2022 году на экспериментальной базе «Научно-производственного объединения Зерно и рис». Методика по Б.Доспехову и Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланма (Ташкент-2007). Трёхкратная повторность, норма высева 5-6 млн. на гектар. Агротехника – общепринятая в республике Каракалпакстан.

Схема опыта

вар	Культура	Удобрения
1	Яровая пшеница	Без удобрения (контроль)
2	-/-	N-200кг; P-140кг; K-100кг;
	-/-	Навоз 10-т/га: +N-100кг; P-70кг; K-50кг;
4	-/-	Навоз 20-т/га: +N-100кг; P-70кг; K-50кг;
5	-/-	Навоз 30-т/га: +N-100кг; P-70кг; K-50кг;
6	-/-	Биогумус 5-т/га: +N-100кг; P-70кг; K-50кг;
7	-/-	Биогумус 10-т/га: +N-100кг; P-70кг; K-50кг;
8	-/-	Биогумус 15-т/га: +N-100кг; P-70кг; K-50кг;

Результаты исследования. По результатам опыта при одинаковой норме высева к уборке сохранились от 256 до 392 шт./м². Густота стояния растений динамичная, максимальная отмечено в первой повторности - от 240 до 392 шт, во второй - от 256 до 336 шт и от 268 шт до 316 шт в третьей.

Формирование биомассы и урожайность: Наибольший объём листовой поверхности - 9,7 см² сформирован во второй повторности в варианте № 8 при норме биогумуса - 15 кг, наибольший сырой вес зафиксирован во втором варианте первой повторности с традиционной нормой минерального удобрения «NPK», а наибольший рост растений - 77 см в варианте № 5 третьей повторности с навозом

в дозе - 20кг.

По данным опыта низкий показатель одного из элементов урожайности компенсировался более интенсивным развитием других элементов. Например при снижении густоты стояния растений число продуктивных стеблей практически не изменялся но урожайность незначительно повышался за счет массы зерна с колоса.

Формирование листовой поверхности: - По результатам опыта формирование листовой поверхности в вариантах как без удобрения так и с удобрениями была динамична. Особенно в вариантах с навозом и биогумусом, эти виды удобрения значительно повлияли на формирование биомассы растений. Так в седьмом варианте первой повторности с биогумусом - 10 кг, объём листовой поверхности достиг-7,7 см² в отличии от варианта традиционной нормой NPK - 6,5 см², средний сырой вес у 10 растений 37 грамм против 29,9 грамм.

В восьмом варианте второй повторности с биогумусом объём листовой поверхности составил - 9,7 см² против традиционной нормы NPK - 5,6 см², средний сырой вес у 10 растений - 35,6 граммов против 33,0 граммов у традиционного.

Такое же различие отмечилось в третьей повторности - 8,9 см² против второго варианта с NPK традиционной - 6,9 см², средний сырой вес у 10 растений 39,6 против 38,4 граммов.

Выводы:

- Данные опыта свидетельствуют об эффективности оптимальных доз органического удобрения но тем не менее нетрадиционный вид удобрения «биогумус» оказал более положительное влияние при формировании густоты стояния растений, биомассы растений, листовую поверхность и структуру урожая по отношению к традиционным видам удобрения;

- Установлено что, сила влияния биогумуса на рост побегов в начальной стадии было незначительным но с дальнейшим развитием растений эффективность его проявилась при формировании

Динамика изменении густоты стояния растений яровой пшеницы сорта «Саратов»

I - повторность			II - повторность			III - повторность		
вар	Фон (кг/га)	Кол-во растений на 1 м ² (штук)	вар	Фон (кг/га)	Кол-во растений на 1 м ² (штук)	вар	Фон (кг/га)	Кол-во растений на 1 м ² (штук)
1.	Без удоб	240	9	Без удоб	256	17	Без удоб	268
2.	NPK трад норма	276	10	NPK трад норма	264	18	NPK трад норма	316
3.	С навозом – 10кг	324	11	С навозом – 10кг	280	19	С навозом – 10кг	296
4.	С навозом – 20кг	392	12	С навозом – 20кг	288	20	С навозом – 20кг	312
5.	С навозом – 30кг	344	13	С навозом – 30кг	320	21	С навозом – 30кг	272
6.	С биогум – 5кг	296	14	С биогум – 5кг	316	22	С биогум – 5кг	284
7.	С биогум – 10кг	324	15	С биогум – 10кг	336	23	С биогум – 10кг	312
8.	С биогум – 15кг	316	16	С биогум – 15кг	324	24	С биогум – 15кг	312

густоты стояния растений в отличии с вариантами где был применён традиционный вид удобрения;
- По результатам опыта выявлено что экологическая устойчивость растений оптимально про-

явились в вариантах где были использованы органические составляющие, которые были отражены в таких показателях как биометрические показатели, структура урожая и урожай зерна.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований). 5-е изд., доп. и перераб.—М.: Агропромиздат, 1985. 351 с.
2. Эргашева Х. И. Перспективы экологически чистого биоудобрения - биогумуса // Ветеринарная медицина в XXI веке: роль биотехнологий и цифровых технологий: материалы Международной научно-практической конференции. Витебск, 2021. С. 259-262.
3. Бекенова У.С. Изучение влияния доз биогумуса на рост и развитие и урожайность сельскохозяйственных культур в лабораторных и полевых условиях. //Молодой учёный-2017г №46 (180), стр106-108
4. Самедов П.А. Деятельность дождевых червей и плодородие почв // Дождевые черви и плодородие почв. Междунар. Науч-практ конфер. Владимир-2004. Стр-11-13

УЎТ: 635.12:

БАҲОРГИ МАВСУМДА ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИНГ БАРГ ШОЛҒОМ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА БИОКИМЁВИЙ ТАРКИБИГА ТАЪСИРИ

Джалимбетов Муса Аяпбергенович,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти

Қорақалпоғистон илмий-тажриба станцияси директор ўринбосари,

Рахматов Анвар Маматович, қ.х.ф.д., катта илмий ходим,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лабораторияси мудир,

Дусмуратова Саодат Исмаиловна, қ.х.ф.д., профессор,

Астрахан давлат техника университети Тошкент вилояти филиали профессори.

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикасида тупроқ иқлим шароитида барг шолғом экиннинг етиштиришида ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва биокимёвий таркибига баҳорги экиш муддатларини таъсири ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: барг, илдизмева вазни, муддат, шалғом, кун, барг эни, барг узунлиги, барг сони, вариантлар, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье приведены данные по изучению влияния сроков весеннего сева на показатели урожайности и биохимический состав посевов лестовая репа в почвенно-климатических условиях Республики Каракалпакстан.

Ключевые слова: вес листа, срок, лестовой репы, день, ширина листа, длина листа, количество листьев, варианты, урожайность.

Abstract. The article presents data on the study of the influence of spring sowing dates on the yield indicators and biochemical composition of turnip crops in the soil and climatic conditions of the Republic of Karakalpakstan.

Keywords: leaf weight, root mass, timing, turnip, day, leaf width, leaf length, number of leaves, variants, yield.

Кириш. Ўзбекистонда ош кўкат сабзавотларидан укроп, петрушка, кашнич асосий экинлар қаторида етиштирилади, лекин ҳозирда мамлакатимизда баргли салат, руккола ва бошқа кам тарқалган кўкатларни экиш анъанага айланиб бормоқда. Ўз таркибида қимматли дармондорилар, темир моддасини сақлайдиган кам тарқалган кўкат сабзавот сифатида барг шолғомни кўрсатиш мумкин. Барг

шолғом Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида, Европада оммалашган экиндир. Мамлакатимизда сабзавот экинлари ассортиментини кенгайтириш, барг шолғом етиштиришни йўлга қўйиш учун маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларида экиш муддатларини илмий асослаш, биокимёвий таркибини ўрганиш замонавий сабзавотчиликнинг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Материаллар ва услублар. Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос иқлим шароитлари, турли даражада шўрланган тупроқлари бу ерда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинлари, жумладан маҳаллий аҳоли учун қимматли озуқабоп сабзавотларни етиштиришда қатор омилларни ҳисобга олиш муҳим саналади. Янги экин ҳисобланган барг шолғомни Қорақалпоғистонда экиш муддатлари ўрганилмаганлиги сабабли, баҳорги мавсумда очиқ майдонларда эртаги сервитамин сабзавотлар етиштиришнинг айрим элементлари ўрганилди. Жумладан, эрта баҳорда тўртта муддатда: 1-апрел, 10-апрел (назорат), 20-апрел ва 1-май саналарида барг шолғом уруғлари (50+20)/2х10 см схемада очиқ майдонларга экиб тадқиқ этилди.

Натижалар ва мунозара. Бунда 10 апрел санаси назорат вариант сифатида олинди. Биринчи муддат (1-апрел)да экилган барг шолғом уруғлари 30 кунда қийғос униб чиқди, биринчи чинбарг пайдо бўлишигача яна 15 кун талаб этилди. Униб чиқишдан сўнг 25 кунда беш-олтита чинбарг пайдо бўлиши кузатилди.

Уруғлар ёппасига униб чиққандан истеъмом учун яроқли ўсимликлар пайдо бўлишигача 27-29 кун талаб этилди. Биринчи муддатда экилган барг шолғом ўсимлиги ёппасига униб чиққандан сўнг ҳосил йиғишгача кетган вақт оралиғи 39 кунни ташкил этди.

Баҳорги муддатларда экилган барг шолғомнинг фенологик фазалари давомийлиги биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борди. Бунга сабаб, ҳавонинг суткалик ўртача ҳарорати ошиб бориши ҳисобланади. Тўртинчи муддатда (1-май) ёппасига униб чиққандан биринчи чин барг пайдо бўлишига 11 кун талаб этилди. Бу эса биринчи муддатга нисбатан 4 кун, ёппасига униб чиққандан 5-6 та чинбарг пайдо бўлиши 6 кунга, истеъмом учун яроқли ўсимликлар ҳосил бўлиши 3 кунга, ҳосилни техник пишиши эса 5 кунга олдинроқ амалга ошгани кузатилди.

Бизнинг фикримизча, барг шолғом етиштиришда ўсимлик ривожланиш фазаларининг давомийлиги биринчи муддатга нисбатан қолган муддатларда ўсув даврининг қисқариб бориши ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлиб, кейинги муддатларда етиштирилаётган ўсимликлар кунларнинг исиш пайтига тўғри келганлиги учун иккинчи муддатга нисбатан бироз вақтлроқ пишиб етилишига сабаб бўлди.

Баҳорги турли муддатларда экилган барг шолғомнинг морфологик белгилари ўрганилди. Бунда иккинчи муддатда экилган барг шолғом баргининг узунлиги 21,6 см ни ташкил этди. 10 апрелда экилган вариантда барг эни, битта ўсимликдаги барглар сони ҳам бошқа муддатларга нисбатан устунлиги кузатилди.

Баҳорги муддатларда экилган барг шолғом ҳосилдорлиги экиш муддатларига қараб турлича бўлди. Бунда иккинчи муддат - 10-апрелда экилган барг шолғом ҳосилдорлиги ўртача 13,4 т/га ни ташкил этди.

Вариантлар ўртасида умумий ҳосилдорлик назорат вариант иккинчи муддатдагига қараганда турлича бўлганлиги кузатилди. Бунда биринчи муддатда ҳосилдорлик 12,3 т/га ни ва тўртинчи муддатда эса 10,5 т/га ни ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 1,1 т/га ва 2,9 т/га кам ёки 91,8 % ҳамда 78,4 % бўлганлиги қайд этилди.

Ҳосилдорлик экиш муддатларига қараб ҳар хил бўлиши бизнинг фикримизча, агротехника тадбирларидан ташқари, ҳар бир экиннинг келиб чиқиши, биологик хусусиятлари ҳамда об-ҳаво шароитлари билан боғлиқдир.

Баҳорги турли муддатларда барг шолғомни экиш муддатларини аниқлаш бўйича қўйилган тажрибалар ўртасидаги хатоликлар ($ЭКТФ_{05}$ т/га) 0,36 т/га ёки вариантлар ўртасидаги фарқ (S_x , %) 0,25 % ни ташкил этди. Тажрибалар ўртасидаги фарқланиш унчалик катта бўлмаганлиги тажрибалар тўғри олиб борилганлигидан далолат беради.

Товарбоп ҳосилдорлик турли муддатларда умумий ҳосилнинг 93,3-98,6% ни ташкил этди.

Баҳорги турли муддатларда экилган барг шолғомнинг ўртача вазнига экиш муддатлари ўз таъсирини кўрсатди. Бунда иккинчи назорат муддатдан битта ўсимлик ўртача вазни 52,3 г ни ташкил этди. Биринчи ва тўртинчи муддатларда битта ўсимликнинг ўртача вазни иккинчи муддатга қараганда бироз пасайганлиги кузатилди. Баҳорги муддатларда экилган барг шолғом ўртача вазни бўйича энг юқори кўрсаткич учинчи муддатда бўлиб, 55,8 г ни ёки назорат муддатга нисбатан 3,5 г га куп бўлганлиги қайд этилди.

Баҳорги турли экиш муддатларида экилган барг шолғом баргини биокимёвий таркиби, қуруқ модда, қанд, С витамини ҳамда нитрат миқдори кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Баҳорги турли экиш муддатларида экилган барг шолғом баргининг биокимёвий таркибини таҳлил қилганимизда, иккинчи назорат муддатда қуруқ модда миқдори 18,9 % ни ташкил этган бўлса, биринчи муддатда экилган барг шолғомда бу кўрсаткич 17,7 %, ёки назорат муддатга нисбатан 93,7 % бўлди.

Экиш муддатларига қараб, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши кунларнинг иссиқ пайтига тўғри келиши барг шолғомнинг биокимёвий таркибини бироз пасайишига олиб келгани қайд этилди.

Ўрганилган экиш муддатлари ичида барг шолғом биокимёвий моддаларини ўзида сақлаши бўйича энг яхши кўрсаткичлар назорат ва учинчи муддатда кузатилди.

Хулосалар

1. Олиб борилган тадқиқотлардан Қорақалпоғистон тупроқ иқлим шароитида барг шолғомни баҳорги муддатларда экиб, ундан юқори ва сифатли ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатди. Ушбу мақсад учун барг шолғомнинг Дармон навини об-ҳаво шароитига қараб, апрел ойининг биринчи ун кунлигидан бошлаб қанча вақтли муддатларда етиштирилса, шунча кўп ҳосилдорликка эришиш мумкин.

2. Энг мақбул экиш муддатлари апрел ойининг

иккинчи ва учинчи декадасида Дармон навининг ҳосилдорлиги 13,4-14,7 т/га ни ташкил этди. Бу кўрсаткич назоратга нисбатан 2,4-4,7 т/га ёки 109,7 % юқори ҳосил олинди.

3. Барг шолғомнинг Дармон навини экиш муддатларини кечроққа суриш натижасида ҳаво ҳароратининг юқори пайтига тўғри келиши, унинг салқинсевар ўсимлик бўлгани учун биокимёвий сифат кўрсаткичларини бироз пасайишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бунин М.С. Салатная репа-новый овощ // Сад и огород.- 1994.- Вып. 2/10. 16-21-с.

2. Хакимов Р.А., Низомов Р.А., Азимов Б.Ж., Холдоров М.Ў., Расулов Ф.Ф., Ганиев Ф.К., Рахматов А.М. Сурхондарё вилоятида такрорий муддатда сабзавот, полиз ва картошка экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияси бўйича, Тавсиялар. Тошкент 2017 йил. 31-б.

3. Азимов Б.Ж., Низомов Р.А. "Сабзавот, полиз ва картошка экинларида тажрибалар ўтказиш услуги" // Тошкент: Baktria press, 2023. 10-28-б.

4. Рахматов. А.М., Арамов М.Х. Салатбоп шолғомни баҳорги муддатларда вақтинчалик шаффоф плёнка остида етиштиришнинг ҳосилдорликка таъсири. "Ўзбекитонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳаларида илм фаннинг ўрни ва истиқболлари. // Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами". Тошкент, 2016. 65-71-б.

УО*Т: 633.51:631.4:631.8

YERDAN SAMARALI FOYDALANISHDA SEBARGA EKININING AHAMIYATI

Ergashev Akramjon Mavlonboy o'g'li, tayanch doktorant (PhD),
Bozorov Xolmurod Maxmudovich, q.x.f.f.d., katta ilmiy xodim,
Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotekhnologiyalari ITI.

Annotatsiya. Ushbu maqolada qisqa navbatlab ekish tizimlarida kuzgi bug'doy bilan birga sebarga ekinini parvarishlashning ahamiyati, ko'k massa hosili va ildiz qoldiqlari bo'yicha tadqiqot natijalari bayon etilgan.

Kalit so'zlar: kuzgi bug'doy, oraliq ekin, sebarga, haydov, tuproq, ildiz, ko'k massa hosili.

Аннотация. В статье описываются результаты исследования важности выращивания клевера с озимой пшеницей в системах с коротким севооборотом, урожайности черники, а также остатков корней.

Ключевые слова: озимая пшеница, промежуточные культуры, клевера, плуг, почва, корень, урожайности черники.

Abstract. This article describes the results of a study on the importance of cultivating clever with winter wheat in short rotation systems, blueberry yield, and root residues.

Keywords: winter wheat, intercrop, clever, plow, soil, root, blueberry yield.

Kirish. Dunyo dehqonchiligida tuproq xossalarini yaxshilash va ekinlar hosildorligini oshirishda oraliq hamda siderat ekinlarni almashlab ekish tizimlarida keng qo'llash, ularni yangi ekinlardan foydalanish hisobiga takomillashtirish orqali yerdan foydalanish samaradorligini oshirish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Respublikamiz sharoitida asosiy ekinlardan biri kuzgi bug'doy bo'lib, bugungi kunda bir million gektardan ortiq maydonda parvarishlanadi. Kuzgi

bug'doy qoplama ekin sifatida foydalanish mumkin bo'lgan ekinlardan biri bo'lib, ushbu ekinning pishish hamda hosilni yig'ishtirish davri iyun oyi ikkinchi dekadasi boshlanadi. Bu esa keyingi asosiy ekin ekilgunga qadar bo'lgan vaqt mobaynida oraliq yoki takroriy ekinlar ekib ham ko'k massa hosili yetishtirishga, qolgan qismidan siderat sifatida foydalanib tuproq xossalarini yaxshilashga imkon beradi. Shu orqali g'o'za-g'alla tizimlarida tuproq unumdorligi va g'o'za hosildorligini oshirish muhim

masalalardan hisoblanadi.

P.V.Zaporozhev [1] Possiyaning Volgograd viloyati sharoitida bir yillik yem-hashak ekinlarini bir yilda ikki marta, ya'ni asosiy va takroriy ekinlar sifatida yetishtirilib, ushbu jarayonlarda ham asosiy ekinlar mineral o'g'itlar bilan yetarlicha oziqlantirilganda tuproqdagi qoldiqlari takroriy ekinlarning oziqlanishi uchun yetarlicha bo'lishligini qayd etgan.

S.F.Razanov, O.P.Tkachuk, V.V.Ovcharuk va I.I.Ovcharuk [2] larning fikriga ko'ra, sideratlar - bu unumdorlikni oshirish hamda, keyingi ekinlarning azot va boshqa elementlar bilan oziqlanishini yaxshilash uchun tuproqqa haydaladigan ekinlarning organik massasidir. Sideratlarni tuproqqa qo'llanilganda parchalangan va qisman parchalangan qismi ham boshqa organik o'g'itlardan tubdan ajratib turadi.

M.Tojiyevning [3] Surxondaryo viloyati Termiz va Qiziriq tumanlaridagi fermer xo'jaliklari dalalarida o'tkazilgan tadqiqotlarida kuzgi bug'doy o'rimidan so'ng turli takroriy, oraliq va siderat ekinlarining g'o'zaning bir ko'sakdagi paxta vazni hamda hosildorligiga ta'siri o'rganilganda, nazorat variantida 4,6-5,5 gr va oraliq ekinlardan so'ng birinchi terimda 4,6-5,7 gramm ekanligi aniqlangan. Kuzgi bug'doydan keyin ekilgan mosh, soya, loviya va suli ekinlarining eng yaxshi o'tmishdoshi bo'lib, ular qo'llanganda nazorat dalasiga nisbatan 2,4-4,7 s/ga qo'shimcha paxta hosili olingan.

F.Namozov [2] ning Toshkent viloyatining tipik bo'z tuproqlari sharoitida o'tkazilgan tajribalariga ko'ra, g'o'za almashlab ekish tizimlariga dukkakli don, oraliq ekinlar kiritilishi hisobiga tuproqda ko'proq organik qoldiqlar qolishi, bunda tuproqning hajm massasi 0,03-0,05 g/sm³ ga yaxshilanganligi va natijada paxtadan 2,8-3,7 ts/ga qo'shimcha hosil olinganligi kuzatilgan.

Demak, tuproq unumdorligi va g'o'za hosildorligini oshirishda oraliq ekinlar turi, ulardan foydalanish, turli agrotekhnika tadbirlari hisobiga takomillashtirib borish jahon tajribasida ham, Respublikamiz sharoitida ham muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Materiallar va uslublar. Tadqiqot Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotekhnologiyalari ilmiy-tadqiqot instituti Namangan ilmiy-tajriba stansiyasining och tusli bo'z tuproqlarida olib borildi.

Tadqiqotlar dala va laboratoriya sharoitida olib borilib, bunda "Dala tajribalarini o'tkazish uslublari" [5] uslubiy qo'llanmasi asosida amalga oshirildi.

Dala tajribalari 12 ta variant 3 takrorlanish va 3 yarusda olib borildi.

Tajribada kuzgi bug'doy bilan birgalikda sebarga ekini parvarishlanib, kuzgi bug'doy o'rimidan so'ng yozda ang'izni haydash, kuzda sebgani 15-20 sm qoldirib haydash va qishlovga qoldirib so'ng bahorda haydaldi.

Mazkur tajribada qisqa navbatli almashlab ekishning g'alla:g'o'za tizimida yerdan foydalanish

samaradorligini oshirish hamda tuproq xossalarini yaxshilash maqsadida kuzgi bug'doy orasiga bahorda sebarga ekini parvarishlash samaradorligini aniqlashga qaratilgan bo'lib, quyida ushbu ekinni ko'k massa hosili hamda tuproqda qoldirgan organik massasi bo'yicha ma'lumotlar bayon etiladi.

Tadqiqotda sebarga ekini haydash muddatlari belgilangan bo'lib, birinchi haydash muddatida kuzgi bug'doy o'rimidan so'ng haydash belgilangan bo'lib, bunda sebgani o'sishi va rivojlanishi o'rganilmadi.

Natijalar va munozara. Tadqiqot davomida yozda kuzgi bug'doy o'rimi oldidan sebganing o'rtacha bo'yi 53,6 sm ni tashkil qilib, bu kuzgi bug'doy somon hosildorligini va ozuqaviy qiymatini ortishiga sabab bo'ldi.

Kuzgi bug'doy orasiga ekilgan sebarga ekini g'alla o'rimidan, sebganing birinchi va ikkinchi o'rimlardan avval o'tkazilgan fenologik kuzatuvlardan olingan ma'lumotlar tahlil qilganimizda birinchi o'rimda o'simlikning bo'yi 67,8 sm, hosildorligi o'rtacha 106,8 s/ga ni va ikkinchi o'rimda o'simlikning bo'yi 75,2 sm, hosildorligi o'rtacha 124,5 s/ga ni, jami ikki o'rimda esa 231,3 s/ga ni tashkil qildi.

Tajribada kuzgi bug'doy o'rimidan so'ng sebarga ekini 2 marta ko'k massa hosili olishga erishildi. Sebganing ko'k massa hosildorligi 1-o'rimda 106,8, 2-o'rimda 124,5 s/ga va jami 2 o'rimda 231,3 s/ga ni tashkil etdi. Bu esa tadqiqot vazifalarida belgilangan yerdan foydalanish samaradorligini oshirishda muhim tadbir hisoblanadi.



1-rasm. Kuzgi bug'doy bilan birga parvarishlangan sebarga ekini ko'k massa hosili

Tajribada kuzgi bug'doy bilan oraliq ekin sifatida ekilgan sebgani parvarishlaganda tuproqda kuzgi bug'doy 3,478 t/ga, sebgani yozgi muddatda haydalganda 6,81 t/ga va kuzgi muddatda haydalganda 12,36 t/ga, qishlovga qoldirib so'ng erta bahorda haydalganda esa 12,751 t/ga ildiz va ang'iz qoldiqlari qoldirishi aniqlandi. Qoldirilgan organik massa tuproq unumdorligiga yuqori ta'sir etishi, tuproqni toza organik moddalar bilan boyitishi, natijada esa tuproqning biologik faolligi oshishi, o'simlik o'zlashtira oladigan oziqa moddalar va gumus hosil qiluvchi yangi, harakatchan moddalar miqdori ko'payishiga zamin yaratadi.

Xulosa. G'alla-g'o'za qisqa navbatli almashlab ekish tizimlarida tuproq unumdorligi va g'o'za hosildorligini, shuningdek, yerdan foydalanish samaradorligini oshirishda sebgani turli muddatlarda haydash va ma'dan o'g'it me'yorlarining tuproq

unumdorligi hamda g'o'za hosildorligiga ta'sirini ishlab chiqish orqali 2 marta ko'k massa yetishtirish imkoniyati yaratildi, qolgan qismini siderat sifatida haydash hisobiga tuproq unumdorligini yaxshilash mumkinligi ilmiy asoslandi.

ADABIYOTLAR

1. Запорожцев П.В. Питательная ценность однолетних кормовых культур в смешанных посевах при орошении // Известия Нижневолжского агроуниверситетского комплекса: наука и высшее профессиональное образование. 2008. № 4 (12). С. 3-7..
2. Razanov S.F., Tkachuk O.P., Ovcharuk V.V., Ovcharuk I.I. The effect of siderates on soil fertility. Balanced environmental management. 2021. №. 4. P. 144–152.
3. Tojiyev M. Kuzgi bug'doydan so'ng ekiladigan takroriy ekinlarning paxta hosildorligiga ta'siri. // "Agro ilm" 2019. №3(59), b. 18-19/
4. Namozov F. Almashlab ekish tizimlarida tuproqning hajm og'irligi va paxta hosili. Agroilm jurnali. №3(10). Toshkent, 2009. -B. 6
5. Dala tajribalarini o'tkazish uslublari. Toshkent. O'zPITI 2007. 148 b

УЎТ: 635.611:631.524.86

ҚОВУН СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН ДАСТЛАБКИ МАНБАЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ

Хакимов Рафиқжон Абдунабиевич,

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,

Ҳалимова Мастура Ўрунбаевна,

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,

Хусанов Бахриддин Бахтиёржон ўғли, стажер-тадқиқотчи,

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Дастлабки манба кўчатзорида Тайван, Туркия, Қозогистон, Хитой, Вьетнам, Голландия ва Саудия Арабистони селекциясига мансуб 38 та нав ва F1 дурагайлар синалди. Қовуннинг эртапишар навлар селекцияси учун Туркиянинг Az-92 GG86 F1 Ananas ва Қозогистоннинг Медовая намуналари (69-71 кун), қанд миқдори энг юқори Тайваннинг HV-132, HV-196, HV-198, HV-289, HV-309, K-012, Қозогистоннинг Виктория, Вьетнамнинг Dua Le Vang Happy 6 намуналари (14,1-16,5 %) селекция учун дастлабки манъба сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Калит сўзлар: қовун, дастлабки манба, селекция, нав, дурагай, эртапишар, эрувчан қуруқ модда миқдори, ҳосилдорлик.

Аннотация. В питомнике исходного материала испытано 38 сортообразцов дыни селекции Тайваня, Турции, Казахстана, Китая, Вьетнама, Голландии и Саудивской Аравии. Для селекции дыни на скороспелость выделились образцы Az-92 GG86 F1 Ananas (Турция, 69 дней) и Медовая (Казахстан, 71 дней), по содержанию растворимых сухих веществ образцы HV-132, HV-196, HV-198, HV-289, HV-309, K-012 (Тайвань), Виктория (Казахстан), Dua Le Vang Happy 6 (Вьетнам).

Ключевые слова: дыня, исходный материал, селекция, сорт, гибрид, скороспелость, растворимые сухие вещества, урожайность.

Abstract. 38 varieties of Taiwan, Turkey, Kazakhstan, China, Vietwan, Dutch and Saudi Arabia have been tested in the first traveling nulleting. Turkey's Az-92 GG86 F1 pineapple and medovayams of Kazakhstan (69-71 days), HV-196, HV-288, HV-289, HV-289, HV-289, HV-289, HV-289, HV-289, HV-289, KhV-289, KhV-289, HV-289, KhV-289, KhV-289, KhV-289, KhV-289, KhV-289, KhV-289, HV-289, KhV-289, 012, Victoria, Victoria, Victoria, Vietnam, Dua Le Vangu Happy 6 samples of (14.1-16.5%) is recommended to use it as the first source for selection.

Keywords: melons, early source, selection, selection, variety, hybrid, quantitative, soluble dry matter, yield.

Кириш. Ўзбекистон қовунлари мевасининг сифат кўрсаткичлари, қанд миқдори юқорилиги, хушбўйлиги, ҳар-хиллиги билан ажралиб туради. Қовуннинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар узоқ муддат сақланадиган навлари мавжуд. Ушбу навлар ички ва ташқи бозорда катта талабга эга. Қовуннинг аксарият навлари йирик, транспортбонлиги паст бўлиб, ташқи бозор талабларига мос келмайди. Шу билан бирга маҳаллий қовун навлари касалликларга чидамсизлиги натижасида меваларидаги қанд миқдори пасаймоқда.

Республикамызда ҳар йили ўртача 150 минг гектар майдонга полиз экилиб, шундан 35-40% ни қовун эгаллайди. Ҳар гектар ердан олинadиган ҳосил 20-24 тоннани ташкил этади. Қовун ҳосилдорлигига салбий таъсир этаётган омиллардан бири ун шудринг ва палак сўлиш касаллигидир. Бу касаллик кенг тарқалган йилларда ўртача 30-35% ҳосилдорлик пасайиб кетади. Шунинг учун қовуннинг меваси кичик ҳажмли 1,5-2,5 кг, транспортбон, касалликларга чидамли навларини яратиш талаб этилмоқда.

Материаллар ва услублар. Тадқиқотларда Тайван (9 та), Туркия (11 та), Қозоғистон (9 та), Хитой (2 та), Вьетнам (4 та), Голландия (1 та) ва Саудия Арабистони (2 та) селекциясига мансуб 38 та нав ва F_1 дурагайлар синалди. Стандарт нав сифатида Давлат реестрига киритилган Кичкинтой нави олинди

Селекция ишлари "Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда тажрибалар ўтказиш услуги"(2023), "Методика полевого опыта" (1985г), "Методические указания по селекция бахчевых культур" (1988), "Методика оценки устойчивости тыквенных культур к мучнистой росе" (1975), услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Тажрибалар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент тажриба участкаси майдонларида ўтказилди. Тажриба ҳўжалиги Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўк сарой қишлоғи ҳудудида жойлашган.

Натижалар ва мунозара. Дастлабки маньба кўчатзорида 2024 йилда Тайван (9 та), Туркия (11 та), Қозоғистон (9 та), Хитой (2 та), Вьетнам (4 та), Голландия (1 та) ва Саудия Арабистони (2 та) селекциясига мансуб 38 та нав ва F_1 дурагайлар синалди. Фенологик кузатувлар натижасида уруғлар 22 апрелда озуқа тўлдирилган стаканчикларга экилган бўлса, уруғлар 5 кун дастлабки ниҳоллар ва 7 кун 75% ниҳоллар тўлиқ униб чиқди. Кўчатлар очик майдонга 9 майда ўтказилди.

Намуналардан жуда эртапишар Туркиянинг Az-92 GG86 F_1 , Ananas ва Қозоғистоннинг Медовая намуналари бўлиб, 69-71 кунда пишди. Стандарт Кичкинтой (82 кун) навга нисбатан эрта ёки тенг

муддатда пишган Саудия Арабистоннинг K-014, Туркиянинг F_1 Toros satibal, F_1 Mira, Қозоғистоннинг Прима, Жансая, Хитойнинг M-5206 намуналари 80-82 кунни ташкил қилди.

Тайваннинг HV -450, SV -220, Туркиянинг F_1 Rirkaras 589, F_1 Sari Dilimbi, F_1 Burak, Unlu, Қозоғистоннинг Майская, Лада, Идиллия, Вьетнамнинг Rado 153 намуналар кечпишар бўлиб, 102-105 кунда пишди. Қолган дурагайларда бу кўрсаткич 83-98 кунни ташкил қилди.

Ўрганилган дурагайларнинг меваси турпи вазнда бўлиб, ўртача 0,3 кг дан 5,5 кг гача бўлди. Меваси жуда майда бўлган Тайваннинг HV-132, SV -220, Rado 153, Dua Le Vang Happy 6 намуналарида 0,3-0,5 кг. Меваси меъерли бўлган Тайваннинг V-130, HV -198, HV -414, HV -450, Туркиянинг F_1 Toros satibal, F_1 Mira, Ananas, Az-92 GG86 galiy, Қозоғистоннинг Медовая орг, Прима, Жансая, Муза, Виктория намуналарида 0,8-1,8 кг бўлди. (1-жадвал)

Меваси йирик бўлган Тайваннинг HV-196, HV-309, Саудия Арабистонининг K-012, Туркиянинг F_1 Rirkaras 589, F_1 Sari Dilimbi F_1 , F_1 Burak, Unlu, Қозоғистоннинг Майская, Хитойнинг M-5208 намуналарида 3,1-5,5 кг ташкил қилди.

Мевасининг шакли бўйича аксарият намуналар шарсимон бўлиб, индекси 0,8-1,1 тенг. Тайваннинг K-012, Туркиянинг F_1 Rirkaras 589, F_1 Sari Dilimbi, F_1 Burak, Az-94 Tiwa Anans, Хитойнинг M-5206, M-5208, Вьетнамнинг Rado 173, Dua Le Vang Happy 6 намуналарини шакли овал ва тухумсимон бўлиб, индекси 1,3-1,5 га тенг.

Мевадаги эрувчан қуруқ модда миқдори қанд моддаси билан юқори корреляцион боғлиқ бўлиб, г-85 га тенг. Қанд миқдори энг юқори Тайваннинг HV-132, HV-196, HV -198, HV -289, HV-309, K-012, Қозоғистоннинг Виктория, Вьетнамнинг Dua Le Vang Happy 6 намуналарида эрувчан қуруқ модда миқдори ўртача 14,1-16,5 %, энг юқориси 16,5-18% гача борди.

Қанд миқдори паст Туркиянинг F_1 Rirkaras 589, F_1 Sari Dilimbi, F_1 Burak, Қозоғистоннинг Жансая, Майская, Вьетнамнинг Rado 153, Rado 173 намуналарида бўлиб, 8,2-12,0% ташкил қилди. Қолган намуналарда стандарт Кичкинтой (12,5%) навига тенг бўлиб, 12,5-13,7% ташкил қилди.

Ўрганилган намуналар ичида умумий ҳосилдорлиги бўйича назорат Кичкинтой (19,8 т/га) навга нисбатан Тайваннинг HV-196, HV -289, HV -309, HV -450, K-012, Туркиянинг F_1 Rirkaras 589, F_1 Toros satibal, F_1 Mira, Unlu, Ananas, Az-92 GG86, Az-94 Tiwa, Қозоғистоннинг Прима, Эфопка, Жансая, Муза, Лада, Идиллия, Хитойнинг M-5206, Вьетнамнинг Rado 153 нав ва дурагайларида 21,4-35,2 т/га ёки назорат навадан 108,1% дан 177,7% юқори.

Стандарт навадан ҳосилдорлиги паст бўлган

Тайваннинг V-130, HV-132, HV-414, HV-414, SV-220, K-014, Вьетнамнинг Rado 173 намуналарида 9,8-14,7 т/га ёки стандарт навга нисбатан 49,5-74,2 % ташкил қилди.

Товар ҳосилдорлиги бўйича назорат Кичкинтой

(18,2 т/га) навга нисбатан ҳам Тайваннинг HV-196, HV -289, HV -309, HV -450, K-012, Туркиянинг F₁Rirkaras 589, F₁Toros satibal, F₁Mira, Unlu, Ananas, Az-92 GG86, Az-94 Tiwa, Қозоғистоннинг Прима, Эфопка, Жансая, Муза, Лада, Идиллия, Хитойнинг

1- жадвал

Қовуннинг нав ва дурагайлари хўжалик белгилари

Нав, дурагай	Меванинг ўртача вазни, кг	Мева индекси	Эрувчан қуруқ модда миқдори, %		Этини қалин- лиги, см
			ўртача	энг қўп	
Кичкинтой, st	0,9	1,0	12,5	16,0	3,6
V-130	1,2	1,0	13,7	18	3,5
HV-132	0,4	0,8	15,1	17,5	2,0
HV-196	3,1	1,2	16,0	17,0	4,2
HV -198	1,1	1,1	16,0	18,0	3,4
HV -289	2,7	1,1	16,5	17,0	4,3
HV -309	3,3	1,0	14,4	16,5	4,6
HV -414	0,8	1,0	12,8	14,5	3,3
HV -450	1,7	1,1	13,5	17,0	3,8
SV -220	0,5	0,8	13,7	16,5	1,2
K-012	4,0	1,5	14,1	14,3	4,7
K-014	2,8	1,2	12,0	13,0	4,9
F ₁ Rirkaras 589	3,5	1,4	10,0	12,0	4,3
F ₁ Rirkaras 589	2,5	1,4	9,3	10,0	3,8
F ₁ Sari Dilimbi	4,3	1,3	10,7	12,5	5,0
F ₁ Toros satibal	1,7	1,2	13,5	15,0	3,1
F ₁ Mira	1,2	1,0	12,4	14,0	3,7
F ₁ Burak	5,5	1,3	8,2	9,0	5,0
Unlu	4,2	1,1	11,5	12,0	4,8
Ananas	1,6	1,2	13,7	14,0	3,4
Ananas	1,3	1,2	13,0	14,0	3,0
Az-92 GG86	1,5	1,0	12,3	14,0	4,3
Az-94 Tiwa	2,5	1,3	12,6	14,0	4,3
Медовая	1,6	0,9	12,9	16,0	4,0
Прима	1,0	0,9	12,5	13,0	2,8
Эфопка	2,7	1,0	12,6	15,0	4,0
Жансая	1,4	1,0	11,0	15,0	3,1
Майская	4,2	1,2	10,7	11,0	3,8
Муза	1,5	1,2	12,2	16,0	3,6
Лада	2,2	1,1	13,8	14,0	3,2
Виктория	1,8	1,0	16,0	17,0	4,0
Идиллия	2,9	0,9	12,7	14,0	4,2
M-5206	2,5	1,3	12,7	15,0	4,3
M-5208	3,7	1,5	13,2	14,0	5,5
Rado 153	0,5	0,9	12,0	13,0	2,7
Rado 173	2,3	1,3	12,1	13,0	4,3
Dua Le Vang	0,3	1,6	15,8	18,0	1,8

М-5206, Вьетнамнинг Rado 153 нав ва дурагайларида 19,6-32,5 т/га ёки назорат навдан 107,6% дан 178,6% юқори бўлди.

Стандарт навдан ҳосилдорлиги паст бўлган Тайваннинг V-130, HV-132, HV-414, HV-414, SV-220, K-014, Вьетнамнинг Rado 173 намуналарида 9,8-14,7 т/га ёки стандарт навга нисбатан 49,5-74,2 % ташкил қилди. Товар ҳосилдорлик умумий ҳосилдорликка нисбатан стандарт Кичкинтой навида 92% бўлган бўлса, ўрганилган намуналарда 84,6-93,2% ташкил қилди.

Хулосалар. Қовуннинг эртапишар навлар селекцияси учун Туркиянинг Az-92 GG86 F₁ Ananas ва Қозоғистоннинг Медовая намуналари (69-71 кун), эртаўртапишар Саудия Арабистоннинг K-014, Туркиянинг F₁Toros satibal, F₁Mira, Қозоғистоннинг Прима, Жансая, Хитойнинг M-5206 намуналари (80-82 кун) тавсия этилади.

Қанд миқдори энг юқори Тайваннинг HV-132, HV-196, HV -198, HV -289, HV-309, K-012, Қозоғистоннинг Виктория, Вьетнамнинг Dua Le Vang Happy 6 намуналарида эрувчан қуруқ модда миқдори ўртача 14,1-16,5 %, энг юқориси 16,5-18% гача борди ва селекция учун дастлабки манъба сифатида фойдаланиш мумкин.

Умумий ҳосилдорлиги бўйича назорат Кичкинтой (19,8 т/га) навга нисбатан Тайваннинг HV-196, HV -289, HV -309, HV -450, K-012, Туркиянинг F₁Rirkaras 589, F₁Toros satibal, F₁Mira, Unlu, Ananas, Az-92 GG86, Az-94 Tiwa, Қозоғистоннинг Прима, Эфопка, Жансая, Муза, Лада, Идиллия, Хитойнинг M-5206, Вьетнамнинг Rado 153 нав ва дурагайларида 21,4-35,2 т/га ёки назорат навдан 108,1% - 177,7% юқори бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Низомов Р.А., Хакимов Р.А., Мавлянова Р.Ф. Ўзбекистон полизчилиги. Тошкент, 2023й, 199 б.
2. Хакимов Р.А. Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинлари селекцияси. СПЭВАКИТИ конференция тўплами. Тошкент, 2023 й.
3. Сабзавот, полиз ва картошка экинларида тажриба ўтказиш услуги. Тошкент, 2023 й.

УЎТ: 634.2.

ГИЛОС (*PRUNUS AVIUM*) КЎЧАТИ УЧУН МАҚБУЛ БЎЛГАН ТУРЛИ ПАЙВАНДТАГЛАРДА ФЕНОЛОГИК КУЗАТУВЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ

Акбаралиев Ислонбек Рахимбердиевич, қ.х.ф.ф.д.,
Хайитбоев Баходир Тоирович, кичик илмий ходим,
Ак. М. Мирзаев номидаги БУВИТИ Тошкент илмий-тажриба станцияси.

Аннотация. 2024 йилда академик М.М.Мирзаев номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Тошкент илмий тажриба станциясида 2 гектар ер майдонда гилоснинг уруғидан ҳамда вегетатив йўл билан кўпаядиган Солт, Крымский-5, САВ-6Р, Махма Делбард-14, Крымский-5 пайвандтаг турларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг морфобиологик хусусиятлари ўрганилган ҳамда вегетация даври, унвчанлиги ва ривожланиш даражаси аниқланган.

Тадқиқот жараёнида гилоснинг ярим пакана вегетатив пайвандтаглари ва маҳаллийлаштирилган камхастак олча уруғларининг униб чиқишидан сўнг пайвандтаглarning ўзаро таққосланганда Крымский-5 пайвандтагида қолган навлардан кўра эрта баҳорги совуқларга чидамлилиги мавжудлиги кузатилди. Солт пайвандтаги эса қолган навларга нисбатан касаллик ва зараркундаларга чидамсизлиги кузатилди. Ўсиш кучини юқори кўрсаткичларни Махма Делбард-14 пайвандтагларида кузатилди.

Калит сўзлар: Гилос, пайвандтаглар, кўчат, нав, куртак, вегетация, кузатувлар.

Аннотация. В 2024 году на Ташкентской научно-исследовательской станции садоводства, виноградарства и виноделия НИИ садоводства, виноградарства и виноделия имени академика М.М.Мирзаева на 2 га земли выращивают Кольт, Крымский-5, САВ-6Р, Махма Дельбард-14, Крымский-Морфобиологический изучены особенности роста и развития растений в 5 видах привоев, а также вегетация, определяются период, рождаемость и уровень развития.

В ходе исследований после проращивания полумелкоплодных вегетативных прививок вишни и местных низкорослых семян вишни при сравнении прививок между собой было отмечено, что привой Крымский-5 обладал лучшей устойчивостью к ранним весенним заморозкам, чем остальные сорта. Отмечена устойчивость нового сорта к болезням и вредителям по сравнению с остальными сортами. Высокие темпы роста наблюдались у сеянцев сорта Махма Delbard-14.

Ключевые слова: Вишня, черенки, саженец, сорт, бутон, вегетация, наблюдения.

Abstract. In 2024, at the Tashkent Research Station of Horticulture, Viticulture and Winery Scientific Research Institute named after Academician M.M.Mirzaev, on 2 hectares of land, Colt, Krymskiy-5, SAV-6R, Makhma Delbard-14, Krymskiy- The morpho-biological characteristics of the growth and development of plants in 5 types of grafts were studied, as well as vegetation period, fertility and development level are determined.

In the course of the study, after observing the germination of the semi-fermented vegetative grafts of the cherry and the localized Kamhastak cherry seeds, it was found that the grafts were more resistant to early spring blight than the remaining cultivars in the Krymskiy-5 graft. Compared to the rest of the cultivars, the resistance to diseases and pests was observed in Colt grafts. The remaining high power indicators were observed in Makhma Delbard-14 links.

Keywords: Cherries, cuttings, seedling, variety, bud, vegetation, observations.

Кириш. Сўнгги йилларда республикамызда мева маҳсулотлари сифатини яхшилаш, уларнинг экспорт салоҳиятини барқарор ошириш ва интенсив боғлар майдонини янада кенгайтириш, уларда амалга ошириладиган агротехника тадбирларини янада такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олимларимиз томонидан Ўзбекистон иқлим шароитига мос янги гилос мева турлари интродукция қилиниб, уларни илмий асосда ўрганиш воситасида ишлаб чиқаришга тадбиқ этмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратиш» стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган [1].

Ҳозирги кунда дунё бўйича интенсив боғдорчиликда етакчилик қилаётган қатор мамлакатлар, жумладан, АҚШ (Калифорния), Испания, Туркия, Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларда мазкур мевали ўсимлик учун кучсиз ўсувчи пайвандтаглар кенг миқёсда татбиқ этилган. Улар орасида Алаб-1, САВ 6Р, Гисела-5, Крымский-5, Солт каби кўплаб пайвандтаглар юқори самарали гилоснинг интенсив боғларини барпо қилиш имконини беришда [2]. Ўзбекистон тупроқ-иқлими шароитида ушбу пайвандтагларни ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятини ўрганиш, фенологик кузатувларни илмий асосланган ҳолда олиб бориш ҳамма улар орасидан интенсив боғларини барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи истиқболли пайвандтаглар турларини танлаш, уларни кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади [4].

Материаллар ва услублар. Тажрибалар 2024 йилда академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Тошкент илмий-тажриба станциясининг 2 гектар ер майдонида олиб борилди.

Тажрибаларда пайвандтаглар ва кўчатларни ҳамда бир йиллик новдаларини ўсиш динамикасини аниқлашда В.Л.Витковский услубларидан, илдиз тизими ўрганишда В.А.Колесников услубий қўлланмалар асосида олиб борилди [3].

Натижалар ва мунозара. Боғ барпо этишда кўчатчиликни асоси ҳисобланган пайвандтагларни коллекциясида гилос пайвандтаглари Солт, Крымский-5, САВ-6Р, Махма Делбард-14, Крымский-5 уларни келиб чиқиш тарихи, қандай шарт шароитларга мослашганлиги ва Республикамызнинг табиий иқлим шароитига мослашиш ҳамда агробиологик хусусиятлари ўрганилди.

Тажриба даласида она пайвандтаг турларининг йиллик ўсиш кучи, уларда ҳар бир вегетация фазасининг ўтиш суръати, ўсимликларнинг умумий баландлиги ва шохланиши каби биометрик кўрсаткичлари ўрганилди. Гилоснинг мазкур пайвандтагларида вегетатсия фазаларининг ўтиши давридаги фенологик кузатув маълумотлари шуни кўрсатдики, ўсимликларда қуртак ёзилиш фазаси уруғ билан экилган оддий нордон олчава гилоснинг Дрогана желтая навларида деярли бир муддатда, бир-икки кун фарқ билан бошланди.

Қуртакларнинг ёзилиши оналик САВ 6П пайвандтагида энг кеч бошланганлиги кузатилди. Қуртакларининг ёзила бошлаши фазасининг бошланиш муддатидаги фарқ биринчи назоратга (камхастак) нисбатан мос ҳолда 2 ва 3 кун ва иккинчи назоратга (оддий нордон олча) нисбатан 5 ва 6 кун кечроқ бўлди (1-жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қуртакларнинг энг эрта уйғониши тадқиқотни камхастак олчада кузатилди, ушбу маҳаллий пайвандтагда қуртакларнинг дастлабки ёзила бошлаши 13 мартда қайд этилди.

Солт ва САВ 6Р пайвандтагларида қуртакларнинг энг кечроқ уйғониши кузатилди. Уларда қуртакларни ёзила бошлашининг назорат вариантыга нисбатан фарқи 3 кун оралиғида бўлди.

1-жадвал

Гилоснинг турли пайвандтагларида чуқур тиним даврининг тугаши ва қуртакларининг ёзила бошлаши (2024 й)

№	Пайвандтаг навлари	Қуртакларнинг ёзила бошлаши, сана	Ҳазонрезгилик, сана		Вегетация даврининг давомийлиги, кун
			бошланиши	тугаши	
1	Солт	16.03	12.11	01.12	240
2	Крымский-5	18.03	6.11	25.11	231
3	Махма Делбард-14	17.03	5.11	26.11	234
4	САВ 6П	16.03	4.11	27.11	237
5	Камхастак олча – назорат	13.03	9.11	03.12	244
6	Гизелла 6	17.03	7.11	26.11	234

Крымский-5 пайвандагида эса энг кеч уйғониши кузатилди. Куртакларнинг ёзила бошланиши 18 март кунига тўғри келди бу эса ўз навбатида назоратга нисбатан 5 кундан сўнг эканлиги қайд этилди.

Пайвандаг турларида куртакларнинг эрта баҳорги уйғониши ва ўсимликнинг қишки тиним даврига тайёрлана бошлаши ўртасидаги фарқ ўсимликларнинг вегетация даври давомийлигининг ҳам турлича бўлишида ўз ифодасини кўрсатди. Бунда вегетация даврининг энг узок давом этиши камхастак олчада (назорат) кузатилди. Ўрганилаётган пайвандагларда ушбу даврнинг давомийлиги Солт пайвандагида энг узун бўлиб, унда вегетация

даврининг давомийлиги назоратга нисбатан 4 кунга фарқланганлиги аниқланди.

Хулоса. Пайвандагларда куртакларнинг ёзилиши оналик САБ 6П пайвандагида энг кеч бошланганлиги кузатилди. Куртакларнинг ёзила бошлаши фазасининг бошланиш муддатидаги фарқ биринчи назоратга (камхастак) нисбатан мос ҳолда 2 ва 3 кун ва иккинчи назоратга (оддий нордон олча) нисбатан 5 ва 6 кун кечроқ бўлганлиги аниқланди.

Гилос боғларини барпо қилишда кўчатларни пайвандагига этибор қаратиш ҳамда кучсиз ўсувчи Крымский-5, олча пайвандагларни танлаш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

2. Абдикаюмов З.А. Шаумаров Х.Б. Истиқболли пайвандаглар – интенсив типдаги гилос боғларини барпо қилишнинг муҳим омили. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. –Тошкент, 2014. - №4 (58). – Б. 60-62.

3. Витковский В.Л. Изучение динамики роста побегов, формирование почек и цветков у плодовых растений. Методические указания. – ВАСХНИЛ, Ленинград, 1989. – С. 10-18.

4. Бўронов Ф., Кудратиллаев Ж., Валиева М. Гилос пайвандагини микроклонал кўпайтириш жараёнида микропайвандаш технологияси. // Минтақаларо мевачилик ва узумчиликнинг ҳолати, муаммолари, истиқболлари. Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. –Тошкент “Инфо Сапитал Групп” 2018.- Б. 160-163.

UO‘T: 631.874/631.674

SIDERAT EKINLARINI YETISHTIRISHDA SUV TEJOVCHI TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Avliyakulov Mirzoolim Avazovich,

PSUYATI q.x.f.d., professor,

Asraqulov Abbos Boxodirovich,

ToshDAU tayanch doktoranti.

Annotatsiya. Ushbu maqolada Toshkent viloyatining sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlari sharoitida siderat ekinlarini yetishtirishda yomg'ir latib sug'orish texnologiyasidan foydalanish to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: yomg'ir latib sug'orish, egatlab sug'orish, mavsumiy sug'orish me'yori.

Аннотация. В статье представлена информация об использовании дождевания (спринклер) при возделывании сидератных культур в условиях орошаемых типичных сероземных почв Ташкентской области.

Ключевые слова: дождевание, бороздковой полив, опросительная норма.

Abstract. This article provides information on the use of sprinkler irrigation under growing cover crops in the condition of irrigated typical sierozem soils of Tashkent region.

Keywords: sprinkler irrigation, furrow irrigation, seasonal irrigation amount.

Kirish Global iqlim o'zgarishlari, ekologik vaziyatning yomonlashuvi, tabiiy resurslarning tobora kamayishi va yildan yilga tuproq unumdorligining pasayib borishi yetarlicha oziq-ovqat ishlab chiqarishga to'siqlarni vujudga keltirmoqda Bu muammolarni yumshatish

maqsadida siderat ekinlarini yetishtirishda suv tejoychi texnologiyalaridan foydalanish va tuproq unumdorligini oshirish bilan bog'liq bir qator ilmiy izlanishlarni amalga oshirilmogda.

M.Tajiev, K.M.Tajiev, N.N.Ochildevlarning

ta'kidlashlaricha, takroriy, oraliq va siderat ekinlaridan so'ng tuproqning hajm massasi 0,05-0,09 g/sm³ kamaygan bo'lsa, tuproqning suv o'tkazuvchanlik ko'rsatkichlari 10-14 % ga oshganligi ilmiy ma'lumotlarda keltirilgan [1].

Professor M.Xamidov va boshqalarning ma'lumotlariga ko'ra, ekinlarni yomg'irlatib sug'orish usulida tuproqni namlantirish qatlami uncha chuqur bo'lmasligi, kichik sug'orish me'yori bilan tez-tez sug'orish va dala bo'ylab tuproqning bir tekisda namlanishiga erishish mumkinligi ta'kidlangan [2].


S.A.Mamatov, S.F.G'affarovlarning fikricha, eroziyaga uchragan, notekis maydonlarda ekinlarni sug'orishda yomg'irlatib sug'orish tizimlaridan foydalanish tavsiya etilgan. Aksincha shamollar tez-tez bo'lib turadigan yerlarda yomg'irlatib sug'orish tavsiya etilmagan. Ildizi chuqur ketmaydigan dalaga yoppasiga ekiladigan ekinlarda yomg'irlatib sug'orish iqtisodiy jihatdan yuqori samara berishi keltirib o'tilgan [3].

Materiallar va uslublar. Tadqiqotlarimiz 2022-2024 yillar davomida Toshkent viloyatining yer osti suvlari 18-20 m chuqurlikda joylashgan sug'oriladigan tipik bo'z tuproqlari sharoitida, ikki xil sug'orish usullari ya'ni oddiy egatlab va yomg'irlatib sug'orish, uch xil tuproqqa ekish oldi ishlov berish usullarida (shudgorlash, diskalash, ishlov bermasdan eski ekin pushtasiga to'g'ridan-to'g'ri ekish) hamda 3 xil siderat ekin turlari ya'ni xashaki loviya, shirin jo'xori va perko ekinlarida o'tkazildi. Tadqiqotlarimiz 19 ta variantdan iborat bo'lib, 3 ta takrorlanishda, 3 ta yarusda joylashtirildi. Har bir variant 8 qatordan, qator oraliqi 60 sm, bitta delyanka umumiy maydoni 480 m², shundan hisob maydoni 240 m² ni tashkil etadi. Siderat ekinlari ekilganidan so'ng yomg'irlatib sug'orish tizimi o'rnatildi, bunda sprinkler texnologiyasi qo'llanildi. Sug'orish uchun 7.5 kW quvvatli suv nasosi o'rnatildi.

Natijalar va munozara. Tadqiqot natijalariga ko'ra, urug' suvi 16 iyul kuni 549,5 m³/ga me'yorda qo'llanildi. Egatlab sug'orish texnologiyasi qo'llanilgan variantlarda amal davrida jami 3 marta 1-2-0 tizimda sug'orildi. Birinchi sug'orishda netto sug'orish me'yori 628 m³/ga ni, oqova miqdori 79,2 m³/ga ni, brutto sug'orish me'yori esa 707,2 m³/ga ni, jami mavsumiy sug'orish me'yori esa 2343,3 m³/ga ni tashkil etdi. Sug'orish davomiyligi 11,5-14,5 soatni, sug'orish kunlari orasi esa 15-17 kunni tashkil etdi.

Yomg'irlatib sug'orish texnologiyasida esa amal davri davomida 2-3-1 tizimda jami 6 marta sug'orildi. Bunda hisobiy qatlam 30-40-40 sm olinib, sug'orish me'yori 158-233 m³/ga ni, sug'orish davomiyligi 3,0-4,2 soatni, sug'orish kunlari orasi 8-12 kunni tashkil etdi. Eng asosiysi yomg'irlatib sug'orishda oqova chiqmaganligi, dalani bir tekis namlanishi hisobiga sug'orish suvlaridan samarali foydalanilib, egatlab sug'orish texnologiyasiga nisbatan 43,4 % suv


tejalishiga erishildi (1-rasm).



1-rasm. Yozgi sideratlarning mavsumiy sug'orish me'yori (2022 y)

2023-yil siderat ekinlari urug'lari dalaga ekilgandan keyin urug' suvi 12 iyul kuni 560 m³/ga me'yorda berildi. Vegetatsiya davrida yomg'irlatib sug'orilgan variantlarda 2-3-2 tizimda 7 marta sug'orilib, sug'orish me'yori 170-230 m³/ga ni, mavsumiy sug'orish me'yori esa 1430 m³/ga ni tashkil etdi. Bunda sug'orish davomiyligi 3,5-4,5 soatni, sug'orish kunlari orasi 5-14 kunni tashkil etdi. Oqova chiqmaganligi uchun sug'orish suvlaridan samarali foydalanishga va egatlab sug'orishga nisbatan 33,8 % suv tejallishiga erishildi.

Egatlab sug'orish texnologiyasida mavsumda 1-1-1 tizimda jami 3 marta sug'orilib, brutto sug'orish me'yori 750-840 m³/ga, netto sug'orish me'yori 670-750 m³/ga, oqova 80-90 m³/ga ni tashkil etdi. Sug'orish davomiyligi 10-13,5 soatni, sug'orish kunlari orasi esa 15-18 kunni tashkil etdi. Mavsumiy (brutto) sug'orish me'yori, 2420 m³/ga, mavsumiy (netto) sug'orish me'yori, 2160 m³/ga, mavsumiy oqova miqdori, 260 m³/ga ni tashkil etdi (2-rasm).



2-rasm. Yozgi sideratlarning mavsumiy sug'orish me'yori (2023 y)

Xulosa. Yozgi siderat ekinlarini yetishtirishda yomg'irlatib sug'orish texnologiyasini qo'llash an'anaviy egatlab sug'orishga nisbatan samarali ekanligi aniqlandi. Masalan egatlab sug'orilgan variantlarda 2022-yil amal davrida 1-2-0 tizimda 3 marta sug'orilib, mavsumiy sug'orish me'yori 2343,3 m³ ga ni tashkil etganligi kuzatilgan. Yomg'irlatib sug'orish texnologiyasida amal davri davomida 2-3-1 tizimda 6 marta sug'orilib, mavsumiy sug'orish me'yori esa 1195 m³/ga ni tashkil etib, an'anaviy egatlab sug'orishga nisbatan 1148,3 m³ suv tejallishiga erishildi.

2023-yilga kelib egatlab sug'orilgan varianlarimizda amal davrida ham 1-2-0 tizimda 3 marta sug'orildi va mavsumiy sug'orish me'yori 2420 m³ ga ni tashkil etganligi aniqlandi. Yomg'irlatib sug'orish texnologiyasida amal davri davomida 2-3-2 tizimda 7 marta sug'orilib, mavsumiy sug'orish me'yori esa

1430 m³ga ni tashkil etib an'anaviy egatlab sug'orishga nisbatan 990 m³ suv tejallishiga erishildi. Shuningdek, siderat ekinlarini sug'orishda tejamkor yomg'irlatib sug'orish texnologiyasini qo'llash hisobiga sug'orish suvlari egatlab sug'orishga nisbatan 2 baravar kam sarflanishiga erishilgan.

ADABIYOTLAR

1. Tojiev M., Tojiev K., Ochiliev N. Takroriy va siderat ekinlarning tuproqning agrofizik xossalariga ta'siri. // G'oz seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalarining dolzarb muammolari hamda uni rivojlantirish istiqbollari. Toshkent-2017. – B. 278.
2. Xamidov M., Begmatov I., Isaev S., Mamatov S. Suv tejamkor sug'orish texnologiyalari. //O'quv qo'llanma. -Toshkent 2015. TIMI. -B. 1-240.
3. Mamatov S.A., Gaffarov S.F. Ekinlarni yetishtirishda yomg'irlatib sug'orish tizimlarini qo'llash bo'yicha tavsiyalar. Tavsiyanoma. – Toshkent 2015, -b. 1-16.
4. Cid, P., Carmona, I., Murillo, J.M. and Gómez-Macpherson, H., 2014. No-tillage permanent bed planting and controlled traffic in a maize-cotton irrigated system under Mediterranean conditions: Effects on soil compaction, crop performance and carbon sequestration. European journal of agronomy, 61, pp.24-34.

BOQISH TEXNOLOGIYASINING BUQACHALAR O'SISHI VA RIVOJLANISHIGA TA'SIRI

Shakirov Qaxramon Jurabayevich,
Toshkent davlat agrar universiteti professori, q.x.f.d.,
Raximov Madaminjon Alijonovich,
Farg'ona davlat universiteti dotsenti, q.x.f.n.

Annotatsiya. Maqolada go'shtga boqilayotgan turli genotipli buqachalarning o'sishi va rivojlanishiga boqish texnologiyasining ta'siriga oid o'tkazilgan ilmiy tadqiqotlar natijalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: texnologiya, boqish, o'sish, rivojlanish, ozuqa, ratsion, tana vazni, mutloq o'sish.

Аннотация. В статье представлены результаты научных исследований по влиянию технологии кормления на рост и развитие бычков разных генотипов, выращиваемых на мясо.

Ключевые слова: технология, кормление, рост, развитие, корм, рацион, живой вес, абсолютный прирост.

Abstract. The article presents the results of scientific research on the influence of feeding technology on the growth and development of bulls of different genotypes grown for meat.

Keywords: technology, feeding, growth, development, feed, diet, live weight, absolute gain.

Kirish. O'sayotgan hayvonlarning oziqa moddalariga bo'lgan ehtiyoji yoshga qarab o'zgarib boradi. Bu hayvon yoshining ulg'ayishi, jinsi, zoti va organizmdagi metabolism jarayonining tezligiga bog'liq. Hayotining birinchi oylarida yosh qoramollar ozuqa bilan to'la qiymatli oqsillarni, ayniqsa almashinmaydigan aminokislotalar to'plamini olishi muhimdir.

Ma'lumki, yosh qoramollarning o'sish energiyasi hayotining birinchi olti oyida eng yuqori bo'ladi. Aynan shu davrda skelet mushaklari tez o'sadi. Qoramollarda xo'jalik-foydali xususiyatlarining shakllanishi asosan erta yoshida sodir bo'lishini fan va amaliyot isbotlagan va irsiy omilni namoyon qiluvchi, ma'lum bir mahsuldorlikka erishishni belgilovchi ta'sir – oziqlantirishdir. Shunindek xar hil zotga mansub buqachalarda moddalar almashinuvi, hatto ular bir hil sharoitda bo'lsa

ham turlicha boradi [1, 2]. Buqachalarning o'sishi, rivojlanishi va go'sht sifati ma'lum darajada individual rivojlanishining umumiy xususiyatlari bilan bog'liq.

Material va uslublar. Tajriba tadqiqotlari Farg'ona viloyati Qo'shtepa tumanidagi "Shukurdavlat" fermer xo'jaligida olib borildi. Tajriba o'tkazish uchun tirik vazni va yoshi bir hil bo'lgan sof qora-ola zotli buqachalari, turli xil sabablarga ko'ra asosiy podadan chiqarilgan qora-ola zotli sigirlarni go'shtdor sharole va aberdin-angus zotli buqalar urug'i bilan chatishtirishdan olingan F₁ duragay buqachalaridan iborat 3 ta guruhi tuzildi. Bunda I-guruhga sof qora-ola zotli buqachalari, II-guruhga (½sharole x ½qora-ola) F₁ quragay buqachalari va III-guruhga (½aberdin-angus x ½qora-ola) F₁ duragay buqachalari kiritildi. Tajriba buqachalari aralash tipli oziqlantirish texnologiyasi asosida parvarishlandi.

Tadqiqotlarning barcha davrida tajriba buqachalari uchun bir hil asrash va parvarishlash sharoiti yaratildi. Tajriba buqachalari tug'ilgandan so'ng 15 kun davomida tug'irixxonada tashkil qilingan maxsus yakka tartibdagi kataklarda, 16-kunlikdan 3 oylikgacha bo'lgan davrda har birida 15 boshdan alohida guruhlarga ajratilib yayrash maydonchalariga ega bo'lgan yopiq binoda parvarishlandi. Buqachalar 4 oylikdan 15 oylikgacha bog'lovsiz ayvonli yayrash maydinchalarida o'stirildi, 16 oylikdan 18 oylikgacha bo'lgan davrda esa bog'lovli yengil tipli binolarda bo'rdoqiga boqildi.

Tajriba buqachalari uchun oziqlantirish ratsionini tuzishda muvofiqlashtirilgan (detallashtirilgan) to'la qiymatli oziqalar hisobga olinib, turli yosh davrlarida 900-1400 grammacha kunlik tirik vazn olishga erishish ko'zda tutilgan. Sarflangan ozuqa miqdorlarini har bir guruhda alohida bir oyda uch marta ketma-ket 2 kunda nazorat oziqlantirish orqali berilgan va ortib qolgan ozuqalar miqdori aniqlanib, farqi hisoblandi. Tajriba buqachalari uchun tug'ilgandan 3 oygacha bo'lgan davrga asosan ko'p miqdorda yog'i olinmagan sut, omixta em, siflatli beda pichani va oz miqdorda makkajo'xori silosidan foydalangan holda ratsion tuzildi [3, 4].

Natijalar va munozara. Tajriba buqachalariga sut ichish davrida yangi sog'ib olingan yog'li sut, isitish qurilmasida 35-38°C ilitib, mahsus rezina so'rg'ichlarida sut ichish tasviriga asosan kuniga uch mahal ichirildi. Umumiy oziqlantirish darajasi kunlik o'rtacha 600-650 gram qo'shimcha tirik vazn olishga qaratildi. Tajriba buqachalari erta yoshligidan dag'al, shirali va omixta emga o'rgatildi, natijada 2,5-3 oyligida ushbu ozuqalarni ko'p miqdorda iste'mol qila boshladi, ular ratsionida dag'al va shirali ozuqa miqdori asta-sekin oshirildi. Mahsulot birligi hisobiga eng kam ozuqa sarfi II-guruh buqachalarida kuzatildi. Barcha tajriba guruhlaridagi buqachalar deyarli bir xil miqdorda ozuqa iste'mol qilganligi kuzatildi. Olingan bir kilogram tirik vazn uchun I guruhdagi buqachalar 3,80 oziqa birligi, II guruhda – 3,42 va III guruhda – 3,76 oziqa birligi sarfladi. Buqachalarning sut ichish davridagi ozuqa sarfini tirik vaznining ortishi bilan qoplanishi qoniqarli bo'lganligi aniqlandi. 15 kunlikdan 3 oygacha bo'lgan

davrda I guruh buqachalarining kunlik o'sishi o'rtacha – 585,3 g, II va III guruh buqachalarida esa mos ravishda 660,0 va 596,0 grammni tashkil etdi.

Tajriba buqachalarining sut ichish davri tugagach, 4 oylikdandan 15 oylikgacha bo'lgan davr uchun ratsion fermer xo'jaligida mavjud ozuqalardan kelib chiqib tuzildi. Asosiy e'tibor katta miqdorda arzon ozuqa, beda va makkajo'xorining ko'k massasi, paxta chigitining she-luxasi, makkajo'xori silosi va beda pichani bilan boqishga qaratildi. Tajriba davomida buqachalarga bir bosh hisobiga 30 gramdan osh tuzi berildi. Rejalashtirilgan o'stirish davrida II va III guruhdagi buqachalar I guruhdagi tengqurlariga nisbatan unchalik katta bo'lmagan farq bilan ko'proq ozuqa iste'mol qildi. Tajriba buqachalari ozuqa ratsionining umumiy to'yimligi butun tajriba davomida I guruh buqachalarida 3121,4 ozuqa birligi, II va III guruh buqachalarida mos ravishda 3139,1 va 3130,4 ozuqa birligini tashkil etdi. Tirik vaznning 1 kg o'sishi uchun I guruh buqachalari 7,32 ozuqa birligi, II va III guruh buqachalari mos ravishda 6,65 va 6,91 ozuqa birligi sarflaganligini yoki II guruh buqachalari I va III guruh tengqurlariga nisbatan mos ravishda 0,67 va 0,26 oziqa birligi kam sarflaganligini ko'rsatmoqda.

Barcha guruh buqachalarida oylar kesimida tirik vaznining mutloq o'sishi yuqori bo'lganligini ko'rsatdi. Xususan, o'sish va rivojlanishning 15 kunlikdan 18 oylikgacha bo'lgan davrida tirik vaznning mutloq o'sishi I guruh (sof qora-ola zotli) buqachalarida – 426,9 kg, II va III guruh duragay buqachalarida esa mos ravishda 472,0 va 452,7 kg ni tashkil etdi. Bunda asosan II guruh ($\frac{1}{2}$ sharole x $\frac{1}{2}$ qora-ola) F_1 duragay buqachalari ustunlik qilganligi kuzatildi.

Xulosa. Sof qora-ola zotli buqachalariga nisbatan asosiy podadan chiqarilgan qora-ola zotli sigirlarni go'shtdor zotli buqalar urug'i bilan sanoat usulida chatishtirishdan olingan F_1 duragay buqachalarining o'sish va rivojlanish davrida yuqori tirik vaznga ega bo'lishi va go'sht mahsulodorligi shakllanishida ularning tashqi muhitga moslashuvchanlik xususiyatlarining yuqoriligi, chatishtirishda foydalanilgan naslli buqalar o'zlaridagi foydali xo'jalik belgilarini avlodlariga o'tkazish qobiliyati kuchli ekanligidan dalolat beradi.

ADABIYOTLAR

1. Рахимов М., Абдурасулов Х. Интенсивная технология откорма молодняка привозного скота // Scientific journal of the Fergana State University. – 2018. – №. 6. – С. 42-42.
2. Aljonovich, Rakhimov Madaminjon, and Javxarov Oybek Zulfikharovich. "Organization of full-value feeding of dairy cows in farm." *Gospodarka i Innowacje*. 24 (2022): 840-843.
3. Рахимов М. А. Резервы повышения мясной продуктивности бычков крупного рогатого скота при откорме // *Агро илм. Maxsus son 2* [86]. 2022. С. 66-68.
4. Raximov M. мясная продуктивность бычков привозного скота // *Science and innovation*. – 2022. – Т. 1. – №. D6. – С. 189-192.
5. Рахимов М. А. Влияние технологии кормления на рост и развитие бычков, выращиваемых на мясо // *Жур. Агро илм, Ташкент*. – 2021. – Т. 5. – С. 65.

**ЎЎЗА ҚАТОР ОРАСИГА ИШЛОВ БЕРУВЧИ КЕНГ
ҚАМРОВЛИ КУЛТИВАТОР РОТАЦИОН ИШ ОРГАНИНИНГ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

Рузиев Исламбай Самандарович, т.ф.н., доцент,
Исмоилов Миржалол Рузибой уғли, ассистент,
Абу Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети.

Аннотация. Мақолада ғўза қатор ораларига шиллов бериш учун ротацион культиваторининг конструкторлик ишлари ва ротацион барабаннинг параметрларини асослашга оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: эўза, култиватор, трактор, механик ишлов бериш, ротацион барабан, пичоқ, иш орган, юмшатгич.

Аннотация. В статье представлены результаты проектных работ по роторному культиватору для междурядной обработки хлопчатника и обоснование параметров роторного барабана.


Ключевые слова: хлопок, культиватор, трактор, механическая обработка, роторный барабан, нож, рабочий орган, плющилка.

Abstract. The article presents the results of the design work on a rotary cultivator for interrow cultivation of cotton and the justification of the parameters of the rotary drum.

Keywords: cotton, cultivator, tractor, mechanical processing, rotary drum, knife, working body, softener.

Кириш. Қаторлараро ерга ишлов беришнинг энг оддий агрегати реактив ишчи органларга эга бўлган агрегатдир (1-расм), бу ерда ишчи органларнинг айланиши тўғроқ қаршилиги таъсирида содир бўлади.

Қаторли экин агрегати конструкцияси таҳлили шуни кўрсатдики, ғўза қатор ораларини айланма ишчи элементи олдиға текис кесгич ўрнатилган комплектда айланма ишчи элемент ёрдамида қайта ишлашдан иборат бўлган конструктив вариант қаторлараро ишлов беришнинг юқори сифатига эришиш имконини беради.




1-трактор; 2-культиватор рамаси; 3-автоматик улагич; 4-параллелограм механизми; 5-ротацион барабан; 6-текис кесувчи ясси пичоқ.

**1-рasm. Таклиф этилаётган қатор экин
бирлигининг конструктив ва технологик
схемаси**

Ротацион иш орган умумий ўққа ўрнатилган ва қўндаланг пичоқлар билан жиҳозланган яхлит барабандан ташкил топган бўлиб, иш жараёнида йўлида учрайдиган кесакларни майдалаб кетади.

Ротацион иш органнинг диаметри (2-расм) у йўлида учрайдиган кесакларни олдинга сурмасдан, уларнинг устидан ўтиб кетиши шартидан келтириб чиқарилган кўйидаги ифода бўйича аниқланди [1].



1- ротацион барабан; 2-кўндаланг пичоқ.


2-расм. Ротацион иш органнинг диаметрини аниқлашга доир схема

$$D_r > \frac{d_k [1 + \cos(\phi_1 + \phi_2)] + 2h_r}{1 - \cos(\phi_1 + \phi_2)}, \quad (1)$$

бунда d_k – кесакнинг диаметри, м;
 h_r – ротацион юмшаткичнинг тупроққа ботиш
 чуқурлиги, м.

(1) ифодадан кўриниб турибдики, ротацион иш орган диаметри унинг йўлида учрайдиган кесакларнинг диаметри, уларнинг ротацион иш орган пичоқларининг ишчи сиртлари ҳамда тупроққа ишқаланиш бурчаклари ва унинг тупроққа ботиш чуқурлигига bog'лиқ экан [2;3].

$d_k = 0,1$ м, $h_r = 0,05$ м, $\varphi_r = 35^\circ$ ва $\varphi_r = 40^\circ$ қабул қилиниб, (1) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар ротацион иш органнинг диаметри камида 30,4 см бўлиши лозимлигини кўрсатди.



3-расм. Ротацион иш органнинг пичоқи геометрияси.

Ротацион иш органнинг пичоқлари сони унинг барча дисклари айланиб ишлаши таъминланиши лозимлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланди ва қуйидаги ифодага эга бўлинди:

$$n_n \geq \frac{2 \pi z_r}{\arccos \frac{D_r - 2h_r}{D_r}} \quad (2)$$

1-жадвал.

Пичоқ параметрлари

№	Параметрлари	Қийматлар
1	Самарали вертикал узунлик (мм)	127
2	Пичоқ кесиш кенглиги (мм)	500
3	Пичоқ қалинлиги (мм)	8

Бу шарт бажарилганда иш жараёнида ротацион иш органнинг камида учта пичоғи тупроқ билан тўлиқ ўзаро таъсирда бўлади ва бунинг натижасида уларнинг айланиб ишлаши таъминланади ҳамда пичоқлар сони камида 8 донга бўлиши келиб чиқади.

Хулоса. Белгиланган иш шароитларида ишчи органларининг ғўза қатор ораларида тупроққа механик ишлов беришда дала синовлари натижаларига кўра параметрлар ҳисоби олинди, у белгиланган ишлов бериш чуқурлиги ва технологик жараённинг сифатини сақлашда оптимал аниқликни таъминлаши аниқланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Тухтакузиев А., Худояров Б., Утепбергенов Б., Кенгесбаев Р. Теоретическое обоснование параметров катка комбинированной машины // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус, 2018. – №2. – С. 16-18.
2. Кленин Н.И., Егоров В.Г. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 2005. – 464 с.
3. Имомкулов Қ.Б. Суғориладиган деҳқончиликда тупроққа ағдармасдан ишлов берувчи машинанинг параметрларини асослаш. Дис. канд.тех. наук. – Тошкент, 2010. – 119 б.

УЎТ: 677.21

АРРАЛИ ТОЛА АЖРАТКИЧ ХОМАШЁ ВАЛИГИ ЗИЧЛИГИНИНГ ЧИГИТ СИФАТИГА ТАЪСИРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Сафаров Нурали Қудратович, т.ф.н., доцент,
Қурбонов Анвар Баҳодир ўғли, ассистент,
Бойсариев Асқар Боймуродович, ассистент,

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялари университети.

Аннотация. Мақолада аррали жин ишчи камерасида туксиз чигитларни ёрдамчи чигит чиқарувчи қурилма ёрдамида чиқариш имконияти аниқланган. Чигитни чиқарувчи қурилма орқали ишчи камерадаги чигитларнинг туриш вақтини камайтирилиши, хомашё валиги зичлиги кам бўлганда арра тишлари унга чуқур кириб бориши, арра тишлари юмшоқ таъсир қилиши ва хомашё валиги зичлиги кам бўлса чигитлар камроқ зарар кўриши аниқланган.

Калит сўзлар: аррали жин, колосник, инек, аррали цилиндр, ишчи камера, брус, вал.

Аннотация. В статье определена возможность селективного отделения озеленных семян из рабочей камеры джина с помощью вспомогательных селективных устройств. Установлено, что время пребывания семян в рабочей камере можно сократить с помощью устройства селективного отделения, зубья пилы глубоко проникают в нее при низкой плотности сырья, зубья пилы оказывают мягкое воздействие, семена меньше повреждаются при низкой плотности сырья.

Ключевые слова: пильный джин, колосник, инек, пильный цилиндр, рабочая камера, брус, вал.

Abstract. The article determines the possibility of ejaculating bare seeds from the working chamber of the gin using auxiliary ejaculatory devices. It has been established that the residence time of seeds in the working chamber can be reduced using a seed removal device, the saw teeth penetrate deeply into it at a low density of raw materials, the saw teeth have a soft effect, and the seeds are less damaged at a low density of raw materials.

Keywords: saw gin, sawdust, sawmill, working camera, collar, burner, shaft.

Кириш. Пахта хомашёсига дастлабки ишлов бериш жараёнида пахта чигитига бир қанча зарар етказилади, энг катта миқдордаги шикастланиш аррали тола ажраткич ва линтер машиналарида содир бўлади. Шикастланиш турли хил бўлади, чигит ядросининг эзилиши, чигит пўстлоқларининг ажралиши, чигитларнинг синиши ва бошқалар [1].

Аррали тола ажраткичнинг ишлаши пайтида иш камерасидаги чигитдан тола ажратиб олиш жараёнида чигитлар арралар билан учрашади. Бу чигит шикастланишининг кўпайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, чигитларнинг шикастланишида хомашё валигининг зичлиги муҳим рол ўйнайди. Хомашё валиги зичлиги кам бўлганда арра тишлари унга чуқур кириб бориши мумкин ва шу билан арра тишлари юмшоқ таъсир қилади. Шунинг учун хомашё валиги зичлиги кам бўлса чигитлар камроқ зарар кўради [2].

Энг кўп чигитларнинг шикастланиши чигитдан толани ажратиб олиш жараёнида содир бўлади. Бу эса йиғириш хусусиятлари ва ипнинг сифатида салбий таъсир қилади.

Шунинг учун чигитларга етказиладиган шикастланишни камайтириш учун ишчи камеранинг ҳажмини кўпайтириш, ёки хомашё валиги зичлигини камайтириш ва чигитларнинг ишчи камерасида туриш вақтини камайтириш орқали эришиш мумкин [3].

Чигитларнинг шикастланишида бир вақтнинг ўзida чигитдан толани ажратиб олиш миқдори катта рол ўйнайди. Бу арра тишларининг толани илаштириб олиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, бу чигит чиқарувчи қурилма тезлиги ва аррали тола ажраткичнинг иш унумдорлигига ишлашига боғлиқ [4].

Чигитларнинг шикастланиши ҳамда толанинг сифатини пасайишида хомашё валиги зичлиги муҳим роль ўйнайди. Шу боис хомашё валиги зичлигини камайтириш учун ишчи камера марказига ёрдамчи чигит чиқарувчи қурилма ўрнатилиб, марказда тўпланувчи туксиз чигитларни ташқарига чиқариш

орқали тола ва чигит сифатини ошириш усуллари тадқиқ қилинади [5].

Натижалар ва мунозара. Нам-77 ва Бешқаҳроман пахтасини кўлда терилган биринчи навини қайта ишлашда, аррали тола ажраткичнинг унумдорлиги соатига 13,8-14,2 кг/соат тола ташкил этади. Бундай ҳолда чигит чиқарувчи қурилма орқали чиқаётган чигитлар, умумий чигитлар миқдорининг 9-10% ни ташкил қилади.

Ёрдамчи чигитни чиқарувчи қурилма орқали ишчи камерадаги чигитларнинг туриш вақтини камайтириш эвазига машина иш унумдорлигини оширишга эришилган.

Нам-77 ва Бешқаҳроман биринчи навли пахтани қайта ишлаш жараёнида ёрдамчи чигитни чиқарувчи қурилмадан чиқаётган чигитларнинг туқилик даражаси 10,6-10,8 % ва 10,3-10,5 %, чигит тароғи орқали чиқаётган чигитларнинг туқдорлигига қараганда 0,3 -0,5 % (абс) камайган.

Нам-77 ва Бешқаҳроман биринчи навли пахтани қайта ишлаш жараёнида ёрдамчи чигитни чиқарувчи қурилмадан чиқаётган чигитларнинг механик шикастланиши даражаси 4,4-4,6 % ва 4,5-4,9 %, чигит тароғи орқали чиқаётган чигитларнинг шикастланиши сезиларли даражада ўзгармади.

Машина иш унумдорлиги 13,8-14,2 кг/арра соат тола ишлаб чиқарганда арра цилиндрининг қувват сарфи 70,3-72,6 кВт / соатни ташкил этди.

Хулоса. Ушбу қурилма мавжуд 4ДП-130 аррали тола ажраткич билан таққослаганда аррали цилиндр билан қувват сарфини бироз камайтиришга эришилди. Тадқиқотлар натижасида шунини таъкидлаш керакки, ёрдамчи чигитни чиқарувчи қурилма орқали ишчи камерасидан чигитларни ташқарига чиқариш, биринчи ва паст навли пахталарни қайта ишлашда машинани юқори самарадорликда ишлашини таъминлайди. Бу йўналиш истиқболли.

Чигитларнинг сифатини ҳамда машина иш унумдорлигини ошириш учун ишчи камерада хомашё валиги зичлигини камайтириш ҳисобига эришилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Сафаров Н.Қ Тола ажратиш жараёнида пахта толасининг физик механик хусусиятларига таъсирини ўрганиш. // O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi № 6. 2024. 44-45 bet
2. F.A.Kurbanov Arra tishining tolani ilib olish qobiliyatiga ta'sir etuvchi omillar. "Paxta tozalash, to'qimachilik va yengil sanoat sohalarining texnologiyasini takomillashtirish" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2023-yil 20-21-oktabr. 65-66 b.

3. I.B.Yangiboyev, B.Q. Berdimurodov Arrali jinlarni ishlatish tartibi. "Paxta tozalash, to'qimachilik va yengil sanoat sohalarining texnologiyasini takomillashtirish" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2023-yil 20-21-oktabr. 212-213 b.

4. Paxta tozalash korxonalariidagi ishlab chiqarishni tashkil etish b'uyicha y'uriknoma "Paxtasanoat ilmiy markazi" AJ. Toshkent. 2018.

5. I.I.Kamolij R.M.Muradov Jin mashinasini takomillashtirish bo'yicha o'tkazilgan ilmiy tadqiqotlarning nazariy tahlili. "Paxta tozalash, to'qimachilik va yengil sanoat sohalarining texnologiyasini takomillashtirish" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2023-yil 20-21-oktabr. 97-98 b.

УЎТ: 351/354

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ

Хўжакулов Ўқтам Рустам ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
мустақил изланувчиси.

Аннотация. Мақолада давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини баҳолаш тенденциялари таҳлил қилинган. Ўзбекистонда инсон ресурсларини баҳолаш бўйича қонунчилик, ҳозирги кунда давлат органларида қўлланилаётган баҳолаш тизимлари, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш тартиб-таомиллари ёритилган.

Калим сўзлар: давлат бошқаруви органлари, инсон ресурсларини баҳолаш, рақобат муҳити, рақамли компетенциялар, баҳолаш тизими, касбий компетенциялар.

Аннотация. В статье анализируются тенденции оценки кадрового потенциала органов государственного управления. В статье рассматриваются законодательство об оценке человеческих ресурсов в Узбекистане, системы оценки, применяемые в настоящее время в государственных органах, а также процедуры оценки деятельности государственных служащих.

Ключевые слова: органы государственного управления, оценка человеческих ресурсов, конкурентная среда, цифровые компетенции, система оценки, профессиональные компетенции.

Abstract. The article analyzes trends in human resource assessment in public administration. It discusses the legislation on human resource assessment in Uzbekistan, the assessment systems currently used in public administration, and the procedures for assessing the performance of civil servants.

Keywords: public administration bodies, evaluation of human resources, competitive environment, digital competencies, assessment system, professional competencies.

Кириш. Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш, рақобат муҳитида меҳнат ва вақт ресурсларидан оптимал фойдаланиш имконини беради. Инсон ресурслари самарадорлиги уларнинг фаолиятини давлат органлари ва идораларининг талаблари ҳамда мақсадларга мувофиқлигини (ходимлар берилган вазифаларни имкон қадар қисқа вақт ичида, энг тежамкор ва оқилона йўллар билан бажаришини) англатади. Ҳар бир ходимнинг мавжуд имкониятлари ва касбий компетенциялари (билим, малака ва кўникмалари) баҳолаш механизмлари мунтазам такомиллаштириб бориш, ташкилотнинг стратегик мақсадларини амалга оширишнинг асосий омили ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD)нинг 2019 йилда қабул қилинган «Давлат хизматида етакчилик ва қобилиятлар тўғрисидаги

тавсиясиялари»да давлат хизматчиларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича халқаро мезонлар ва талаблар белгиланган. Ушбу тавсияда давлат хизматида самарали бошқариш учун 14 та асосий тамойил баён этилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 майдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-76-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2023 йил 22 сентябрдаги «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 492-сон қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини баҳолаш тизимини такомиллаштириб бориш дол-

зарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг 36-моддасида давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш уларни рағбатлантириш ҳамда ҳолисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича кўтарилишини таъминлаш учун амалга оширилиши белгиланган[2].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан биридир”[3] деган сўзлари инсон ресурсларини салоҳиятини баҳолаш асосида уларнинг салоҳиятини юксалтириш борасида илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” учун уларни салоҳиятини баҳолаш ва уларнинг касбий компетенцияларига мос вазифаларда ишалашга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади.

Мақсад ва уни асослаш. Давлат бошқарув органларида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун уларнинг “мотивацион таъминот занжири” таркибига ўқитиш, малакасини ошириш ва компетенцияларини ривожлантириб бориш лозим ҳисобланади. Давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини баҳолашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш асосида мазкур соҳадаги муаммоларга илмий ечим топиш пировард кўзланган мақсад ҳисобланади. Бунинг учун давлат органларида инсон ресурсларини баҳолаш бўйича дунёда қандай тенденция ва ёндашувлар устувор аҳамият касб этаётганлигини таҳлил қилиш лозим.

Иккинчи тенденция сифатида инсон ресурс баҳолаш жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, коррупцияни олдини олиш мақсадида махсус электрон платформалар яратилган бўлиб, ушбу платформалар орқали ҳар бир ходим ўз салоҳиятини баҳолаш ва ривожлантириш учун махсус дастурларни ўзлаштириш имкониятига эга (AssessmentMonkey, UN Careers, Cornerstone OnDemand, Jobvite, Mercer Workforce Analytics, Workday, Korn Ferry, Oracle Taleo, SHL Talent Solutions, LinkedIn Talent Solutions)[4].

Учинчи тенденция бу инсон ресурсларини баҳолаш ва ривожлантиришда сунъий интеллект технологияларини жорий этилаётганлигида кўзатишимиз мумкин. Бунда AI асосидаги HRM ечимлари турли HR функцияларини автоматлаштириш ва оптималлаштириш учун машинали ўқитиш,

табiiй тилни қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишдан фойдаланадиган кенг қўламли инновацион технологияларни ўз ичига олади. Иқтидорларни эгаллаш ва ишга қабул қилишдан тортиб, самарадорликни бошқариш ва ўқитишгача, сунъий интеллект кадрлар ривожланишининг барча жиҳатларини ўзгартиради[5].

Тўртинчи тенденция сифатида инсон ресурслари салоҳиятини комплекс баҳолаб, уларнинг касбий ривожланиши учун индивидуал стратегиялар ишлаб чиқиш устуворлик қилмоқда. Инсон ресурсларини баҳолаш жараёнлари фақат меҳнат самарадорлигини эмас, балки инновацион қобилиятлар, танқидий фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш салоҳиятини ҳам қамраб олмақда.

Бешинчи тенденция сифатида инсон ресурсларини баҳолашда давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда. Хусусий секторда самарали деб топилган HR стратегиялари давлат бошқарувида жорий қилинмоқда. Давлат хизматчилари инсон ресурсларини баҳолаш жараёнларида хусусий сектор тажрибасидан фойдаланиш кўпаймоқда[6].

Ушбу Услугиятнинг амал қилиши давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 13 мартдаги ПФ-49-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарорига асосан фаолият самарадорлигини баҳолашнинг алоҳида тартиби белгиланган давлат органларидаги лавозимларга нисбатан татбиқ этилмайди[7].

Илмий муаммонинг тавсифи ва унинг ечими. Бугунги кунда давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини баҳолашнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш орқали барча ташкилотларда рақамли трансформация тўлиқ амалга оширилмаганлиги натижасида баҳолашда субъектив омилларни таъсирини кўриш мумкин. Инсон ресурсларни баҳолаб бориш тизимли амалга оширилмаганлиги сабабли, ташкилотнинг янги стратегик мақсадларини амалга оширишда уларни салоҳияти етмаслиги билан баҳоланади. Ғарб ва ривожланган давлатлар тажрибасидан фарқли равишда Ўзбекистонда “360 даражали баҳолаш”, психометрия ва компетенция асосида баҳолаш каби замонавий HR усуллари

ҳали ҳам кенг жорий этилмаган.

Инсон ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- ишлаб чиқариш ҳажми, фойда) ҳар бир ходимга;

- табиий ва қиймат жиҳатидан вақт бирлигидаги меҳнат унумдорлиги;

- маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланган вақт (Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришни бир турдаги маҳсулотга йўналтириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ташкил етишда қўлланилади);

- кадрлар алмашинуви;

- ишдан бўшаш кўрсаткичи (ходимлар томонидан йўқотилган иш вақтининг маълум бир даврдаги иш соатларининг умумий сонига нисбати);

- йўқолган маҳсулдорлик (ходимларнинг ишдан бўшатилиши сабабли йўқолган соатлар сони бўйича соатига қўшилган қиймат маҳсулоти);

- ички ҳаракатчанлик коэффиценти (маълум бир даврда ротациядан ўтган ходимлар сонининг шу даврдаги ўртача ишчилар сонига нисбати);

- корхонанинг ходимларнинг фаолиятини тўлаш учун умумий харажатлари, шу жумладан солиқ имтиёзлари;

- меҳнат харажатларининг умумий харажатлардаги улуши;

- бир ходимга тўғри келадиган харажатлар (меҳнат харажатлари улушининг корхонада маълум даврдаги ходимлар сонига нисбати);

- бир унумдор соат учун меҳнат харажатлари (жами меҳнат харажатларининг иш соатларининг умумий сонига нисбати)[8].

Хулоса. Ҳар бир давлат органи ва идораларида инсон ресурсларининг билим ва кўникмалари бутун бошқарув тизими самарадорлигини белгилаб беради, шунинг учун уларнинг малакасини оширишга

алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Зеро, ходимларнинг профессионаллиги, масъулияти ва фидойилиги Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган одилона халқчил сиёсатнинг умумий муваффақиятига асос бўлади.

Иш жойида ўрганиш (on-the-job training), иш жараёнида тажриба орттириш, жамоа ичидаги мутахассислардан ўрганиш, ходимларнинг фаолиятини баҳолаш ва келажақдаги мансабини режалаштириш, ротация ва амалиёт орқали турли лавозимларда ишлаш имкониятини яратиш ҳам кадрлар салоҳиятини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ходимларни узлуксиз касбий ривожлантиришда мустақил таълим олиш энг қулай усул ҳисобланиб, бўш вақтини самарали ўтказишни таъминлайди[9].

Хуллас, давлат органлари ва идораларида инсон ресурсларини баҳолаш стандартлаштирилган баҳолаш усулларини жорий этиш мақсадга мувофиқ; Иккинчидан, барча давлат органлари ва идораларида инсон ресурсларини баҳолашда BPR ни жорий этиш орқали, баҳолаш жараёнларини оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этади; Учинчидан, инсон ресурсларини билим, малака ва кўникмаларини ташкилот фаолиятига мослигини мунтазам баҳолаб бориш профессионал ходимлар захирасини шакллантириш имконини беради; Тўртинчидан, давлат идораларида ишга қабул қилиш ва кўтарилишда хилма-хилликни таъминлаш бўйича кенг қамровли стратегиялар ишлаб чиқиш лозим; Тўртинчидан, инсон ресурсларини баҳолаш натижаларини уларни рағбатлантириш ва мансабда кўтарилиш билан боғлаш тизимини жорий этиш юқори натижадорликни таъминлайди; Бешинчидан, инсон ресурсларини баҳолашда халқаро стандартлар ва инновацион баҳолаш усулларида фойдаланиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. For access to the official and upto-date texts of OECD Legal Instruments, as well as other related information, please consult the Compendium of OECD Legal Instruments at <http://legalinstruments.oecd.org>
2. «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонун // <https://lex.uz/docs/6145972>
3. Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/6679>
4. <https://hr-assessments.managehrmagazine.com/vendors/top-hr-assessments-services-companies.html>
5. Human Resource Management and AI: Revolutionizing the Workforce. // <https://www.linkedin.com/pulse/human-resource-management-ai-revolutionizing-workforce-dipam-raval>
6. Vveinhardt, Jolita & Papšienė, Palmira. (2013). The Structure of Human Resources Assessment Process: Conditions for Criteria Formation. Business and Management Research. 2. 69-84. 10.5430/bmr.v2n2p69.
7. Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти. // <https://lex.uz/uz/docs/6329831>
8. Эффективность человеческих ресурсов. // https://www.lobanov-logist.ru/library/all_articles/55186/
9. С. Рыбанцева, С. А. Асланова Оценка эффективности использования человеческих ресурсов // Экономика и бизнес: теория и практика. 2020. №3-1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-effektivnosti-ispolzovaniya-chelovecheskih-resursov>

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV

Shavkat XAMRAYEV

Anvar TO'YCHIYEV

Ravshan MAMUTOV

Abrol VAXOBov

Bahrom NORQOBILOV

Nizomiddin BAKIROV

Shuhrat TESHAYEV

Bahodir MIRZAYEV

Ravshanbek SIDDIQOV

Mirziyod MIRSAIDOV

Baxtiyor KARIMOV

Ibrohim ERGASHEV

2025-yil, aprel №4.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

M.MUXAMMEDOVA. Suvni tejab har bir insonning burchidir	1
Ш.НОРМУРОДОВ. Тежалган сув – кўшимча имкон	3
Н.МАШАРИПОВА. Ҳалол меҳнат эътирофи	4
Ж.АБДУЗУХУРОВ. Коррупцияга қарши курашиш барчанинг мажбуриятидир	5
Б.НОРҚОБИЛОВ. Ветеринария хизмати равақ топмоқда	7
Ш.ОТАЖОНОВ. Илм ва амалиёт уйғунлиги соҳа ривожига хизмат қилади	10
Ш.БОБОМУРОДОВ. Тупроқ – табаррук неъмат	13
Ў.ҚАРИШЕВ. Қизилқум қаҳрамони	17
Имтиёзлар — тараққиётга замин	18
А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ, А.РАСУЛЖОНОВ. Ерларни экишга тайёрлаш учун янги машиналар	20
Р.СИДДИҚОВ, И.ХОШИМОВ, Ш.РАҲМОНОВ. Савр соховати	23
О.АМАНОВ, Н.БАХРАМОВА. Баргдан озиклантириш — ҳосилга барака	25
М.САТТАРОВ, М.ЭРҒАШЕВ, Ч.ҚАШҚАБОЕВА, Н.ОТАМИРЗАЕВ, М.ХАЙИТОВ. Шолчиликда ерни экишга тайёрлаш	27
Д.ЁРМАТОВА. Лиман усулида сугориш ва кўшимча дармад олиш	30
З.НОВИЦКИЙ. Лес преобразовывает Арал	34
Т.ОСТАНАҚУЛОВ, А.ИСМОЙЛОВ, М.ХОЛДОРОВ, А.ШАМСИЕВ, Н.ШАБАРОВА. Картошканинг янги навлари таърифи ва уларнинг ўсимта ҳамда ёзда янги қовланган туғанакларидан ўстирилгандаги ҳосилдорлиги	36
SH.DILMURODOV. Kuzgi yumshoq bug'doy navlarini 1-yil oilalari sinov-tanlovi	38
D.OTAQULOVA, D.BEKNAZAROV, S.SANAYEV. Turli darajada sho'rlangan tuproqlarda kuzgi bug'doyni oziqa rejimlari va tuproqning mexanik tarkibi hamda agrokimyoviy xossalriga ta'siri	41
A.TYREEV. Значение альтернативного вида удобрения при возделывании яровой пшеницы в почвенных условиях Приаралья	43
М.ДЖАЛИМБЕТОВ, А.РАХМАТОВ, С.ДУСМУРАТОВА. Баҳорги мавсумда экиш муддатларининг барг шолғом ҳосилдорлиги ва биокимёвий таркибига таъсири	45
A.ERGASHEV, X.BOZOROV. Yerdan samarali foydalanishda sebarga ekinining ahamiyati	47
R.XAKIMOV, M.XALIMOVA, B.XUSANOV. Ковун селекцияси учун дастлабки манбаларни ажратиб олиш	49
И.АКБАРАЛИЕВ, Б.ХАЙИТБЕКОВ. Гилос (<i>Prunus avium</i>) кўчати учун мақбул бўлган турли пайвандтагларда фенологик кузатувлар олиб боришнинг илмий аҳамияти	52
M.AVLIYAKULOV, A.ASRAQULOV. Siderat ekinlarini yetishtirishda suv tejovchi texnologiyalardan foydalanish	54
Q.SHAKIROV, M.RAXIMOV. Boqish texnologiyasining buqachalar o'sishi va rivojlanishiga ta'siri	56
И.РУЗИЕВ, М.ИСМОЙЛОВ. Ёғза қатор орасига ишлов берувчи кенг камровли култиватор ротацион иш органининг параметрларини асослаш	58
Н.САФАРОВ, А.ҚУРБОНОВ, А.БОЙСАРИЕВ. Аррали тола ажраткич хомашё ваги зичлигининг чигит сифатига таъсирини тадқиқ қилиш ..	59
Ў.ХЎҲАҚУЛОВ. Давлат бошқаруви органларида инсон ресурсларини баҳолашнинг жорий ҳолати	61

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manzili: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 93 500-54-99,
+998 90 946-22-42.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

Bosmaga topshirildi: 2025-yil 31-mart.
Ofset usulida chop etildi.
Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Shartli bosma tabog'i – 5,5.
Nashr bosma tabog'i – 1,31.
Buyurtma: №4. Nuxsasi 1100 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – A.TAIROV
Dizayner – U.MAMAJONOV



Журналимизнинг Васила опаси

“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журналининг тарихи 1906 йилдан бошланади. Мана шу ўтган бир асрдан ошқ вақт мобайнида муҳарририятимизда юзлаб инсонлар меҳнат қилишган. Шулардан бири бугун 70 ёшини қаршилаётган, ўзининг 34 йиллик умрини журналимиз ривожига бағишлаган Васила опа Комиловадир.

Сиртдан ўқиб, тил ва адабиёт ихтисослиги бўйича олий маълумотли мутахассис бўлса-да, Васила опанинг бутун меҳнат фаолияти мусахҳиҳ ва ҳарф терувчилик билан ўтди. Дастлаб машинкада ҳарф терган бўлса, асризмизнинг бошида у компьютерни ҳам яхшигина ўзлаштириб олди.

Мен бу даргоҳга 2007 йили бош муҳаррир бўлиб келганимда жамоа аъзоларининг ўз вазифаларига муносабати билан қизиқдим. Ҳамма раҳбар ҳам ишини шундай бошлаши табиий. Бироз муддат ўтиб Васила опанинг матн теришда ниҳоятда тезкор, айниқса ўта саводхон, бир сўз билан айтганда ўз ишининг устаси эканига амин бўлдим. У муҳбирларимиз ёки илмий мақола жўнатган олим ва тадқиқотчиларнинг материалларини компьютерда териш жараёнида имловий хатолар бўлса, ўзи тузатиб кетаверар эди.

Йўқчиликка қаноат қилиш, машаққатларга сабрли бўлиш Васила опани камолга етказган, десак хато бўлмас. Серфарзанд оддий оилада улғайиб, ёлғиз ўғилли хонадонга келин бўлиб тушиши, рўзғор ташвишлари, фарзандлар тарбияси ва ниҳоят бугунги доруламон, осуда кунларга етиб, фарзандлар, набиралар ардоғида умргузаронлик қилиши опанинг саодатидир. Маърифатли, болажон, камтарин, ибоби ўзбек аёли тимсолига Васила опани мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Яна бир гап, опанинг турмуш ўртоғи Маъмуржон Комилов ҳам, Аллоҳ раҳматиға олган бўлсин, таҳририятимизга 2004 йилда ишга келиб, умрининг охиригача – 2024 йилгача 20 йил ҳалол ва камтарона меҳнат қилди. У киши олим ва тадқиқотчилар билан бўладиган муносабатларда журнализмизнинг юзи эди. Бу иноқ жуфтлик ишда, тўй ва маракаларда, байрамларда ходимлари-мизга ҳамиша ибрат бўлиб келди. Демокчиманки, жамоамизда соғлом муҳит, ҳамжиҳатлик, кўтаринки кайфият ҳукмрон бўлишида улар доимо ёшларга ўрнак эди.

2009 йилда жамоамиз Васила опани пенсияга кузатган бўлса-да, у ҳанузгача биз билан яқин алоқада, байрам ва маросимларда доимо азиз меҳмонимиз, таҳририятимизга тез-тез келиб туради.

Кўп йиллик меҳнат фаолиятини биз билан боғлаган Васила опа ва Маъмуржон ака уч ўғил ва бир қизни тарбиялаб, элга қўшди. Мўминқобил ва баодоб улғайган бу фарзандлар бугун жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, бола-чақалари билан иноқ ва фаровон яшамоқда. Энг асосийси, улар ота-она ҳурматини юксак кўядиган фарзандлар бўлиб вояга етишган.



Васила опа бир умр, айниқса, кўп ойлари оғир хасталикка чалиниб, тўшакка михла-ниб қолганда ҳам, умр йўлдоши Маъмуржон акага меҳр-оқибат кўрсатди, оқ ювиб, оқ таради. Бу ғамхўрлиги, беминнат парвариши, жонбозлиги кўз ўнгимизда кечдики, унга бўлган ҳурмат ва эҳтиромимиз янада ортди. Бунинг ажри бор, албатта.

Жамоамиз номидан опамизга, аввало, сиҳат-саломатлик, хотиржамлик ҳамиша ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

Суратларда: 1) Васила Комилова турмуш ўртоғи Маъмуржон Комилов билан;
2) Журналимиз ижодий жамоаси (2014 йил).

**LIZING
KREDIT**



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Tel.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



CHANGAN LABO PUL TOPAR MASHINALAR

**LIZING
KREDIT**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER
(78) 148 09 11, (90) 174 09 11

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN